

Тулбаҳор
Ртиқхўжаева



Тошкент
«Адолат»
2013



УДК: 821.512.133-1

$\frac{84(5\text{Ў})7}{0-75}$ - *Ўзб. адаб.*

Масъул муҳаррир:

РУСТАМ МУСУРМОН

*HD 40951
28*

Ортиқхўжаева, Гулбаҳор.

Ўзингизни авайланг: шеърлар / Г. Ортиқхўжаева; Масъул муҳаррир Р. Мусурмон. – Тошкент: «Адолат», 2013. – 352 б.


ISBN 978-9943-394-43-8

УДК: 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)7

Софинч. Ҳижрон. Бахт. Армон. Айрилик... ва яна СОФИНЧ ҳақида бу китоб. Орзу ва умидлар ҳақида, чексиз-чегарасиз МЕҲРУ МУҲАББАТ ҳақида бу китоб. Бу китоб туйғулари тирик одамлар ҳақида!

Бу талотўп дунёда ўтқинчи ташвишлардан ортиб, ўзини-да унутиб, кимнидир софинган юраклар ҳақида бу китоб. Уни ўқир экансиз, юрагингизга БАҲОР ташриф буюрса, унда ажиб хислар уйғонса ажабмас!

ISBN 978-9943-394-43-8



© Гулбаҳор Ортиқхўжаева, 2013.
© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2013.

**ФАҚАТ СЕН
ҲАҚИНГДА**



ДЕРАЗАНҒИ ОЧ...

Ўша кундан буён дунё бошқача,
Кўнглим кўчасида очилган гуллар.
Хатто мусичадан калдирғочгача
Фақат сен ҳақингда сўрашни билар.

Қоп-қоронғу тунга сирим айтгандим,
Бир куни яп-янги ой тухфа этди.
Келмадинг, тош йўлдан изингни излаб
Ўн беши қоронғу тунларим кетди.

Кетиб қолди хатто ҳаловатим ҳам,
Олмаларнинг юзи қизарган маҳал.
Ишқдан ғазал айтса қовоғарилар
Анжирлар лабидан томади асал.

Бу қандай кун бўлди, парку булутлар
Қаттиқ ҳаяжондан йиғлаб юборди.
Деразангни очгин, дайди шамоллар –
Элчиларим сени кўргани борди!



ЭРТАККА АЙЛАНДИМ...

Орамизда дарё бор,
Тарок ташлаб бўлмайди.
Энди тақдирга қарши
Уруш бошлаб бўлмайди.

Қандай тинч яшаш мумкин
Изларинг йўқ дунёда?
Кетдинг борса келмасга,
Менинг умрим зиёда.

Катталар ишонмаган
Эртакка айландим мен,
Нахот қолган умримга
Эрмакка айландим мен?!

Кўнглим сеҳрли найдир,
Тинглаган сархуш бўлар.
Энди ёлғиз хаёлим
Ёввойи оққуш бўлар.

Мен йўлдаман, табиат
Сен ҳақингда сўзлайди.
Ишонувчан соғинчим
Сусамбилни кўзлайди.

Қулоғим супрасини
Қоқиб, шеърга қораман,
Бир кун учар гиламда
Ҳузуригга бораман!

Сени унутолмадим,
Телбаман, тентакман мен.
Болалар эшитмаган
Энг янги эртакман мен.

Соғинчлардан безиб боряпман,
Йўқлигингни сезиб боряпман,
Чақирақол, қайда юрибсан,
Оппок қорни эзиб боряпман.

Ахир бугун йўлимиз оппок,
Бошимиздан бахт сочар осмон.
Оқ кўйлакли кўчаларга бок,
Дилимизда қолмасин армон.

Эшит, қора қарғалар айтди,
Гулюз баҳор келаётганмиш!
Сен йўқсан, ўз вақтида қайтди
Ўша, бизни учраштирган қиш.

Ташвиш, ташвиш устига ташвиш
Изларингни кўммокда бир-бир.
Титраб турган хотиралардан
Мадад олиб турибман ҳозир.

Соғинчлардан безиб боряпман,
Йўқлигингни сезиб боряпман,
Чақирақол, қайда юрибсан,
Оппок қорни эзиб боряпман.

ИЗФИРИНДАН ҚЎРҚМАЙМАН...

Кўп юраман...

Қиш. Қорли кўча. Нарирокда бекат бор...

Автобуслар доим тўхтаб ўтади.

Ким биландир кимдир кўришса дийдор

Нимагадир кўнглим яйраб кетади.

Бамисоли бизлар кўришганмизу

Сигналларни писанд қилмай турибмиз.

Бу тасодиф пайдо бўлгунга қадар

Айриликка қандай чидаб юрибмиз?

Ўй сураман...

Бекатдаги ўриндикда ўрним бор...

Ўтираман...

Ўтирибман ҳеч қаёқка шошмасдан.

Юрсам, сенинг манзилингга юраман,

Изларингга тўлиб кетган бу маскан.

Ёмғир ёрса, бекат ёмғирпўш бўлди,

Қишдан безор бугун пистачи хола.

Чўнтагига қўлларини яширар

Тушлик қилмайдиган тиланчи бола.

Оҳ ураман...

Тиним билмай яшаганга ўхшайман,

Сездим, кутиш – юракдаги ибодат.

Қўркма, мен бу изфириндан қўркмайман,

Келмай колишингдан қўркаман фақат.



Дарсга кечикиб келган боладек
Кечикиб кирдимми ҳаётингга мен?
Гулдонда қовжираб қолган лолодек
Соғиниб кутардим... тушунсангчи сен!

Кутган эдим, келдинг, шу ташриф билан
Бутун ҳаёлимни олиб қўйдинг-а,
Кўнглинг янги гулни тусанган экан...
Орзумни гулдонга солиб қўйдинг-а.

Қалбинг кўрғонида пайдо бўлдим,
Дардга айлантирдим ҳаловатингни.
Нигоҳинг нур эди, эрта сўндими,
Бошимга ёғдир бор маломатингни!

Қийнама қалбимни кафтингга олиб,
Бундай тутқунликда асрама мени.
Яшасам яшадим сенга ишониб,
Тундай маҳзунликка ташлама мени!

Анча кун кўникиб қолибман чоғи
Менга меҳр билан боқишларингга,
Истасанг ташлайсан оёқ остига,
Ахир бўйсунаман хоҳишларингга.

Сочга эрта тушган оппоқ толадек
Қайданам учрадим умр йўлингда.
Кўз ўнгингда титраб турибман, қара,
Унутма, тақдирим сенинг қўлингда!

Кўзларинг сўзлайди, кўзингга боқиб
Соғинч нелигини укиб оламан.
Изларим излайсан дил шамин ёқиб,
Оҳинг атрофида учган ноламан.

Сезмайсан, гарчи мен телба парвона
Шуълангга талпиниб ёниб битяпман,
Юрган йўлларингга рухим равона,
Қараб кўй, ортингда мен жим кетяпман.

Жимлик қакшатади ушоқ жонимни,
Кунлар ўтган сайин мудраб боряпсан.
Кўряпман, аросат ичра танангни
Бемажол, бемадор судраб боряпсан.

Мажолим қолмади бир сўз демоққа,
Бир зум тинч кўймайди бодраган ғашлик.
Ким гов бўлди бизлар юрган сўкмоққа,
Азизим, нахотки йўлдан адашдик?!



Сен юрган йўллардан юриб ўтмоқлик
Оғир туюлади сен йўқлигингда,
Бу йўллардан хаёл суриб ўтмоқлик
Оғир ботмасмиди мен йўқлигимда?

Йўл бўйи кўнглимга яшириб келдим
Сенга беролмаган саволларимни.
Нима деб алдайман? Нима деб алдай
Кун санаб чарчаган хаёлларимни?!

Ҳозир қаердасан, ердами, кўкда?
Қайдасан, орзуси осмоним менинг?!
Умримни зимистон чоҳга ташлаб ҳам
Кўнглимни ёритган армоним менинг!

Ҳар лаҳза жонимни ўтга тутади,
Бу азоб аламми, бахтми, билмайман.
Соғинчларим билан бахтли бўлсам мен
Нега бошқалардек шодон кулмайман?

Ором берармикин куйган юракка
Ҳижрон азобини ташлаб кетмоқлик,
Оғир туюлади сен йўқлигингда
Сен юрган йўллардан юриб ўтмоқлик.



СЕН ВА МЕН

Ҳеч ким мен деб сенчалик
Дилини ғашламаган.
Ҳеч ким сени менчалик
Азобга ташламаган.

Ўртанма, ширин жонинг
Азобда қоврилмасин,
Мени деб куйганингни
Бошқа биров билмасин.

Тўлин ойга термулиб
Ёлғиз хаёл сураман.
Бугун мени эсласанг
Тушларингга кираман.

Ўнгда кўришмасак ҳам
Тушларимга кириб тур,
Тўлин ойга термулиб
Аҳволимни билиб тур.

Кўлимдан тушиб кетди
Ярми тишланган олма.
Фурурингга ишониб
Меҳримдан қурук қолма!

Ҳеч ким сен деб менчалик
Кўзини ёшламаган.
Ҳеч ким мени сенчалик
Азобга ташламаган!



Кун бўйи кўчага термулиб
Хаёлим ҳалинчак учяпти.
Сел бўлиб йиғлашга эриниб
Кўзларим кимнидир кутяпти.

Сенсиз ҳам ўтяпти кунларим,
Ноламдан настарин гуллади.
Бардошга айланган унларим
Борини соғинчга пуллади.

Неча кун кўрмадим изингни
Сабрим сайр қилган у йўлакда,
Охири учратдим ўзингни
Сирларим яшаган юракда.

Қалбимда эканинг билсам-да,
Сўзларинг хумори тутяпти.
Кун бўйи кўчага термулиб
Кўзларим келишинг кутяпти.



* * *

Бугун сени унутмоқчиман,
Хаёлимдан кетсин хаёлинг!
Тушларимга кирмагин энди,
Қадримизга етсин хаёлинг.

Жавондаги альбомни олдим,
Кулиб қараб турибсан яна,
Фақат бу гал жилмаёлмадим,
Ҳафа бўлган эдим росмана.

Ваҳимага тушди сувратинг,
Парча-парча қилдим уни мен.
Кўз ўнгимдан кетмай сийратинг
Азобландим ўша куни мен.

Бир кераксиз матоҳ деб уни
Индамасдан ўтга ташладим,
Суврат эмас, юрагим ёнди,
Яна сени ўйлай бошладим.

ИНТИЗОРЛИК

Тасодифми энди хаммаси,
Тасодифми умримнинг исми?
Ҳижрон ҳаёт харитасининг
Соғинчларга аталган қисми.

Жимжитликдан зерикиб кетдим,
Ой индамас, қуёш ҳам тилсиз.
Қоп-қоронғу кечалар сокин,
Юдузлар ҳам термулар унсиз.

Қандай яшаб юрибман сенсиз...
Сўзла яна сирли боқишла.
Сабрсизлик мени енгмоқда,
Кўзларимга умид бағишла!



* * *

Ёмғир ёғиб сингиб кетяпти
Сочларингнинг толаларига,
Ох, бунчалар озор етяпти
Юрагимнинг яраларига.

Туз сепяпти тақдир индамай
Кўнгилнинг садпораларига,
Сизиб чикди кўзимдан ёшлар
Киприklarим ораларига.

Ювди, ёмғир юзингни ювди
Тегмай қошинг қораларига,
Худонинг ҳам раҳми келмади
Биз каби оввораларига.



Мен ўзимни йўқотиб кўйдим
Сени топиб олган лаҳзада,
Вақт камони ўқ отиб кўйди,
Ўтган умр – бари даҳмаза.
...ёмғир ёғар, йиғлоқи ёмғир
Сенга тақлид қилиб йиғлайди,
Қара, тақдир шунча муғомбир,
Икки ғариб дилни тирғлайди.
Маҳф этсак-да, соғинч соҳилин
Тор кўнгилга сиймайди севинч.
Аро йўлми бахтнинг охири,
Аросатдан яхшийди соғинч.

* * *

Бу зиналар темиртан,
Тутқичлари темирдан.
Қўлларингни тутмадим,
Одам эмас... темирман!


Қаёққадир кетяпман,
Ортимга кайтолмадим.
Согиниб келганимни
Айтмадим, айтолмадим.

Билмадим, билолмадим,
Ҳолинг кандай, қанақа?
Кимдир кафтини очиб
Сўраб турар садақа.

Сенга жоним садқа-ю,
Қўлингни тутолмайман.
Тақдирнинг ўйини кўп,
Ютқаздим, ютолмайман!

Нега кета туриб ҳам
Яна ортга қарайсан?
Уйга етиб боргунча
Қадамнинг санайсан.

Йиғлаяпсан, йиғлайман,
Буни сезмайди ҳеч ким.
«Биз ҳам ҳамма қатори...»
Катта жумбоқни ечдим!



Биз ҳам ҳамма қатори
Яшаймиз, яшаяпмиз.
Кўнгул гулин томирин
Суғуриб ташлаяпмиз.

Кўн! Кўн! Кўнақолгин... кўн!
Энди... ҳамма нарса жўн...
Умр – девона чолнинг
Эғнидаги эски тўн.

Бу одамлар темиртан,
Туйғулари темирдан.
Фақат... сенинг нигоҳинг
Юрагимни кемирган!



* * *

Сен хато кидирдинг совук сўзлардан
Мен эса ишондим майда гапларга
Аросат ичида адашиб қолдик.

Томоша кўрсатди ғализ жумлалар
Энди омон қолиш катта гап
Яна бировларнинг кўнглини олдик.



Бу сўзлардан кейин гапириб бўлмас,
Бу сўзлардан кейин кулиб бўлмайди.
Индамай йиғлашни ўрганақолгин,
Нима бўлганини билиб бўлмайди.

Бошингни хам қилиб йўлга чиқасан,
Ёмғирда ювиниб ётар тошкўча,
Кўзларингга хунук кўринаверар
Таниш чехраларга тўла бу гўша.

Кимдир шодлигидан мириқиб кулар,
Қара, қандай бахтли одамлар бор-а?!
Қадамингда қурбон бўлар орзулар,
Кўнгил ёришмайди ахир, начора...

Сўнгни лаҳзагача умидин узмас,
Бекатгача сенга эргашади у.
Жаҳл билан сигнал берар автобус,
Эсингга тушади, кетиш керакку!

Кетасан хайрни насия қилиб,
Шарақлаб ёпилар темир эшиклар.
Тиқилинч, оёққа жой тополмайсан,
Юрагинг янада қаттик сиқилар...

Осмон неча марта оқ тусга кирди,
Қанча қора кўйлак кийди, номаълум.
Кунларнинг кифтида беркиниб ётган
Бир сир бор иккита одамга маълум.

Хижрон хоритади ошиқ йигитни,
Мағрурлик бош олиб кета қолмайди.
Қилган ишларида унум кўринмас,
Ўзини қўярга жой тополмайди.

Дераза ёнида йўл пойлаган вақт
Оппоқ сочларини тараб чарчади,
Чучварага хамир олиб қўйган қиз
Энди йиғламсираб пиёз арчади.

САККИЗИНЧИ ҚАВАТ...

Саккизинчи қават деразасидан
Шаҳарни кузатиб, ўйга толасан.
Бир лаҳзада бахтли бўласан яна,
Бир лаҳзада бахтсиз бўлиб коласан.

Бир лаҳза... бир лаҳза шунчалар рангин,
Кўнглингда кайфият аталмиш қисмат.
Бир орзуни топиб олган юрагинг,
Шу бахтга ишониб яшайсан фақат.

Елкангни эзди зилдек оғир юк —
Хаёлот, у шундай сеҳрли тилсим.
Юр, йўлга чиқайлик, ташқарига чик,
Балки, бахтлидирсан, яна ким билсин...

Кўчалар, оқ, оппоқ қорли кўчалар
Сени бекатгача етаклаб борар.
Бекорчи одамга ўшар изғирин,
Энди у изингдан эмаклаб борар.

Кийимларинг иссиқ, қалбинг ҳам қайноқ,
Дилингнинг бир бурчи муздек, совкотган.
Кимдир кеча сенла қорбўрон ўйнаб
Шу жойга қор эмас, оғир тош отган.

У сени кузатиб туради зимдан,
Унинг хаёлида яшайсан доим.
Шу ёмон дард билан сийлаган сени
Йўлларингни айро қилган Худойим.

Ҳар куни шу аҳвол, илдам кетасан,
У ҳам қийналади яшолмай сенсиз.
Хонада дод солиб йиғлар телефон,
Кетиб қолганингни сезмайди, эссиз.

Ортингда бир юрак қолади тилсиз,
У ҳам хаёлпараст бўлиб қолади.
Саккизинчи қават деразасидан
Шаҳарни кузатиб, ўйга толади.

АРОСАТ

Сенинг хаёлингсиз узок яшадим,
Аслида узок вақт яшаганим йўқ.
Бегоналик сари узок йўл босдим,
Аслида бир қадам ташлаганим йўқ.

Қанча йўл юрсам ҳам йўлим унмади,
Аслида олисда бўзлаб қолдим мен.
Ҳарорати совуқ сўзларинг тинглаб
Шундай саратонда музлаб қолдим мен.

Сўзи гул, юраги олов эдимку,
Нахотки, бу тақдир шунча бешафқат?
Тақдирга тан бериб яшаяпсан сен,
Энди тушларингга кираман, фақат...

Фақат...
Бу дунё ёлғон деб ҳар кун ўзимни
Алдаб яшай десам, қолмади тоқат.
Сен бўзлаб йиғлайсан безовта бўлиб,
Мен бўзлаб йиғлайман, тўрт ён аросат.



Сенинг сўзларингни эшитди Худо,
Мириқиб сўзлашга имкон берди у.
Орзуси тугаган орзулар билан
Жимгина ўтириб ўйлаяпманку!

Менинг сўзларимни эшитди Худо,
Обираҳмат дедим ёмғирларини.
Тарозига солиб юрмайман ҳатто
Бошқа одамларнинг тақдирларини.

Сенинг сўзларингни эшитди Худо,
Тўйгунча йиғлади менинг кўзларим.
Мана, хатолардан бўляпман жудо,
Қарагин, негадир юрагим ярим.

Тўкилиб кетяпти ўрик гуллари,
Сен келар йўлларни беркитди Худо.
Сенинг юрагингда гуллади соғинч,
Менинг сўзларимни эшитди Худо.

Менку, кеча-кундуз қиламан дуо,
Барибир азобдан бўлмаймиз жудо.
Ахир... билиб-билмай гапириб қўйдик,
Бизнинг сўзимизни эшитди Худо.

СЕВГИ

Нега ерга кириб кетмадим,
Осмон бўлгим келди ўша пайт?
Юрагимга сизмаган қуёш,
Сабабини энди ўзинг айт!

Дўст тутиндинг юлдузлар билан
Оймомони танитай туриб.
Қоқилдинг, дил ойнаси синди
Севги деган сўқмоқдан юриб.

Айрилиқнинг фарёдларидан
Титраб кетди бизнинг глобус,
Ер шарининг ҳамма ерига
Етолмади оппоқ автобус.



Майли, қуёш кулиб боқмасин,
Қушлар қўшиқ айтмасин, майли.
Юрагимга ташриф буюрсин
Шодлик фақат севгинг туфайли.

Майли, тўртта фасл бўлмасин,
Камалакранг бўлмасин дунё.
Кун келмай, тун бўлса ҳам майли,
Бизни айро қилмасин Худо!

Майли, ҳаёт қувончларини
Тортиқ қилиб турмасин менга,
Юрагимда борини айтай
Бошқаларга эмас, бир сенга.

Майли, хаёл бўлмасин, майли,
Ҳаёт тўла бўлсин синовга.
Бир мени деб яшагин сен ҳам,
Дардларингни айтма бировга.

КУТЯПМАН...

Кутяпман, бир сўзни кутяпман,
Топармикин тилинг айланиб.
Туйғуларни тепкилар доим,
Нафсинг юрар оғзи мойланиб.

Умринг ўтса корин ғамида
Юрагим ўртаниб кетади,
Маддохликка фидо бўлгунча
Халоскорим бўлсанг нетади?

Етади-ей, жабринг етади
Хатто икки дунёимга ҳам.
Мен зулматда яшаётгандим,
Хаётимга ёқиб қўйдинг шам.

Кўз ёшларим Обизамзамдир,
Томоғингни хўлламайсанми?
Нигоҳингга сифиняпман-ку,
Асирангни қўлламайсанми?

Қайғуларни писанд қилмайман,
Бу дунёнинг дардлари бир пул.
Кўзларингни куйдирса бўлди
Кўз ўнгингда сўлаётган гул.

Қайси бойга сотарлар мени,
Билмам, қизлар палахмон тош-ку!
Айланиб ҳам ўргулиб ейман,
Севгим – ўзим пиширган ош-ку!

Хаёлинг – энг тўқтутар таом,
Томиримда меҳринг оқади.
Қачон бахтнинг остонасида
Совинчларим гулхан ёқади?

Кутяпман...

* * *


Юрагим – кундалик дафтарим,
Исмингга ўралган дардларим.
Ёдингла овуниб яшайди
Эс кириб эскирган гапларим.

Йўклигинг соғинчга ўхшайди,
Қайларда юрибсан, ўх, дайди?!
Кўнглингни кўрмаган бу кўнгил
Билмайман, нимани қўмсайди.

Сенинг ҳам юрагинг бўлсайди...

Сен бор эдинг, аммо йўққа ўхшардинг,
Сингиб кетган эдинг йўқлик қаърига.
Шу тариқа мен ҳам кўникиб колдим
Алдамчи хаёлнинг афсунларига.

Табиат баҳорни ваъда қилганда
Ногаҳон гуппиллаб ёғиб берди қор.
Қисматнинг яширин сирийн билганда
Кўнгил бўлмас эди шунча интизор.



КЕТЯПМАН...

Шаҳарнинг сершовкин кўчаларини,
Ғамгин дарахтларни ташлаб кетяпман.
Кетяпману ҳозир ўзимдан қочиб,
Негадир кўзимни ёшлаб кетяпман.

На бир ёруғ истак, на бир орзу бор
Аро йўлда дайдиб кетишларимда.
Йўл ярмига етиб, ортимга қараб
Кимнидир интизор кутишларимда.

Ана, хазонларга кўмилган йўлак —
Йўл тўла бемақсад юрган одамлар.
Умрим йўлларини ёритган қуёш!
Ва менга бегона қанча оламлар.

Олисида иккимиз севган дарахтлар
Индамай туришар бошини эгиб.
Нега у йўлларга қадам босмайсан,
Ё йўллар кетдими жонингга тегиб?

Қайдадир овриниб сайрайди какку,
Билмайди умримиз ҳисобини у.
Изимдан эргашиб, этагим тутиб:
«Кетма!..» деб йиғлайди олис бир орзу.

Мен эса кетяпман ўзимдан қочиб,
Негадир кўзимни ёшлаб кетяпман.
Мендан ғамгин, лекин мендан сабрли
Бахтли дарахтларни ташлаб кетяпман.

Ерга бағримни бериб
Осмонни соғинаман,
Куёшнинг дийдорига
Етолмай, оғринаман.

Умримга соя солган
Қоп-қора, қора булут,
Мен сени унутмайман,
Истасанг, мени унут!

Кокилларим ўйнайди
Шум тақдирнинг шамоли,
Сени хароб қилмасин
Соғинчларим уволи.

Кеча билан кундузнинг
Фарқи қолмади менга.
Дунёни ташлаб кетсам,
Фарқи бормикин сенга?!



Сен бемаврид кулган ўша кун,
Фурурингга юқтирмасдан гард,
Ювиб ўтди киприкларимни
Қароғимда қотиб қолган дард.

Мен кулмадим, кулолмас эдим,
Сабабини билолмас эдим.
Ўша куни, шу ахволимда
Сени хурсанд қилолмас эдим.

Табассумга айланмай туриб
Лабларингда қотди хандалар.
Сабрим тўкиб берган либосдир
Эгнимдаги эски жандалар.

Нима бўпти кўнгил дардида
Ғариб бўлсак, девона бўлсак?
Тўлармиди дунёнинг ками
Сен билан мен бегона бўлсак.

Бир кам дунё, бир нарсаси кам,
Ярим бахти бўлмайди бутун.
Мен йўқотдим бутун бахтимни
Сен бемаврид кулган ўша кун.



СЕН МЕНСИЗ

Сен менсиз ҳам яшайверасан,
Бахтли бўла олмайман сенсиз.
Дилим оғрир бир сўзни айтсам,
Бахтли яшаб юрибсан менсиз.

Менсиз ўтар неча кунларинг,
Ўтар баҳор, кузларим сенсиз.
Кўз ёшимни ичиб тўймайди
Юрагимда яшаган денгиз.

Юрагингни ўртамасин дард,
Бахтли бўлгин, калби уммоним!
Мени сийлар Худо берган бахт –
Бир умрлик ширин армоним.

Таквим. Тахи бузилмаган кунларга қараб
Умидвор бўласан янгиликлардан.
Хабарчи бўлади умидбахш кунлар
Тушингга кирмаган яхшиликлардан.

Таквимга қарайсан, яна ўзингча
Бир олам режалар тузиб қўясан.
Дийдор дамларига етиб улгурмай
Бахтдан умидингни узиб қўясан.

Бунча кўп ўйлайсан дунё хақида,
Асли ғам чекмоққа арзимади у.
Қайси қувонч билан барҳам топаркин
Нигоҳингга сингиб кетган мунг, қайғу.

Айтгин, нега бунча ковоқ уясан,
Ёлғонга йўясан тоза тилакни?
Тўрт девор ичига қамаб қўясан
Кутишлардан безиб бўлган юракни.

Зулматлар ичидан қутқарар сени
Бир ОРЗУ. Интилиб яшайсан унга.
Қуёшни кутгандек интиқ бўласан
Йилнинг сўнгидаги бир ёруғ кунга.

САРАТОН

Куннинг ўтиши кийин,
Ташқарида саратон.
Бўғзинггача куйдирар
Ичингдаги хаяжон.

Кўнглинг йиғлаб турса ҳам
Табассум лабларингда.
Ҳасратинг сезилмайди
Гапирган гапларингда.

Жонинг кийноқда қолган,
Лекин умринг сермазмун.
Сен ўйлайсан: ҳаётинг
Нимагадир бемазмун.

Нимагадир юрагинг
Секин-секин уради,
Кўлингдаги соат ҳам
Ундан тезроқ юради.

Томоғингга тиқилар
Қайтиб чиққан нафасинг.
Ҳеч кимни қизиқтирмас
Сенинг орзу-хавасинг.

Ҳеч кимга ўхшамайсан,
Бу – бахтинг, бахтсизлигинг.
Ўзингни ҳам унутиб
Яна уни соғиндинг.

Ёлғизликдан кўркмайсан,
Елкангни эзар осмон.
Шунча дард етмагандек
Ташқарида саратон.

ЙЎҚОЛДИ

Кўзларимнинг нури йўқолди,
Ҳаётим сурури йўқолди,
Ишқимнинг ғурури йўқолди,
Йўқолиб қолмадим мен.

Не қилай, виждонинг йўқолди,
Соғинчинг, хижронинг йўқолди,
Не бахтки, армонинг йўқолди,
Йўқолиб қолмадинг сен.

Кўзлардаги меҳр йўқолди,
Сўзлардаги сеҳр йўқолди,
Яна бошқа недир йўқолди,
Йўқолиб қолмагин сен.



МАҒЛУБЧИҚ

Яна ғолиб келди гуруринг,
Доимгидек мен яна мағлуб.
Эгасига етиб бормади
Кўнглимизга битилган мактуб.

Жуда мағрур тутдинг ўзингни,
Такдирни кўп айблади тилинг.
Аслида сен бу гапларнимас,
Бошқа гапни айтмоқчи эдинг.

Тилинг билан бир эмас дилинг,
Сўзинг бошқа, кўзларинг бошқа.
Кўй, ўзингни қийнама бунча,
Қалбинг сира ўхшамас тошга.

Юз ўгирдинг яхши кунлардан,
Қароринг ҳам бунчалар яхши.
Шунчалар ҳам устомон бўлсанг,
Такдир ўйинини тўхтатчи!

Нима қилай, яна мен мағлуб,
Яна ғолиб келди гуруринг.
Ақлинг билан доим безовта
Хаёлингни бошқариб турдинг.

Соғинчни унутиш кийин-да,
Кўзимдан ёшларим кетмади.
Биламан, бу жирканч ўйинда
Юрагинг иштирок этмади.



Кўйлагингнинг ранги бошқача,
Осмон билан эгизак гўё.
Шахдам кадам босишларингга
Ҳайрат билан қарайди дунё.

Э-э-эй... воҳ, қайга шошиб кетяпсан?
Ортингда бир юрак интизор.
Бунда сендан ўзга чинор йўқ,
Йўлнинг икки ёни арчазор.

Шовқинлардан йирок сўкмок бу,
Бу йўл танхо кўнгилнинг йўли.
Кўнглимизга нур беролмайди
Симёғочнинг қоп-қора қўли.

Шу чирокқа бедор ошиқнинг
Хаёллари қоришиб кетар,
Тушда раҳм қилсанг юракка
Тунда кўнгил ёришиб кетар.

Изларингни ювмоқчи бўлиб
Оппок булут кўз ёши қилар,
Товонингни ўпган тупроқ ҳам
Телба гулнинг дардини билар.

Кетдинг рухсат сўраб ўтирмай,
Интиласан манзилинг сари.
Қулоғингга оқиб кирсайди
Бинафшанинг пичирлашлари.

КАЙФИЯТ

Усмон Азим. Куз. Менинг кўнглим...
Юрагимнинг очик дарчаси.
Кўзларимга мўлтираб боқар
Янги ойнинг синик парчаси.

Осмон тўла қоп-қора булут,
Ерда эса хазонрез фасл...
Бир келиб кет харобазорга,
Қулаб тушди сен қурган қаср.

Биз адашдик туман йўлларда,
Изларимни тополмаяпсан.
Нега бугун ёнимда йўқсан?
Нега ёлғиз мен йиғлаяпман?!

Қайда қолди биз севган кунлар,
Бизни севган чиройли хаёт!
Балки бахтдир соғиниб яшаш,
Топиб олдим шундай бир нажот.

Куз ёмғири бунчалар эзгин,
Уст-бошимни қилди шалаббо.
Менга яна озроқ сабр бер
Янги фасл келгунча, Худо!



Мен кўнглингни тафтиш қилмайман,
Рости, бунга ҳуқуқим ҳам йўқ.
Лекин, нетай нотаниш кимса
Тинмай сенга ураяпти дўк.

Жим турибсан, бир сўз демасдан,
Алам кўзда чакнаган фақат.
Селдек ёғиб турган сўзларга
Қачонгача чидайди тоқат.

Тугён асли азобга мансуб,
Қалбинг – сирдан қурилган қаср.
Кўзларингга битилган мактуб –
Жумбоқ мени айламиш асир.

...Охир дединг: «Эй, яхши одам,
Беҳудага оҳ ураверма...»
Яхши одам бу дунёда кам,
Қўйгил, энди ўй сураверма.

Бари ўтар, майли, ўксинма,
Тилсиз тигдек бағринг тилмайман.
Фақат ғазаб отига минма,
Мен кўнглингни тафтиш қилмайман.

Юрагимнинг жон жойидаги
Юртда шамол эсаверади,
Кунлар ўтмас пичоғи билан
Ёш ниҳолни кесаверади.

Неча йилки кўнглим боғида
Ҳоким бўлди қирғинбаротлар.
Учай, десам, жоним қирқилган,
Панд беради калта қанотлар.

Бахт деб билар мендек оддий киз
Сенинг кўкда юрганлигингни,
Кундуз офтоб, тунда ой бўлиб
Йўлин пойлаб турганлигингни.

Соғинч мени бедор айлади,
Ҳаловатим йўқотиб қўйди.
Ухлаб ётган турғёнларимни
Ишқинг билмай уйғотиб қўйди.

Ҳали соғинишни ўрганмагандим,
Сени танимасди унда кўзларим.
Ҳамма гапларимни эшитарди-ю,
Ҳавога учарди айтган сўзларим.

Бир куни кўнглимга юпанч қидириб,
Тузоққа илинган кушдай ўртандим.
Келдингу, азобдан қутқариб кетдинг,
Йиғладим, йиғлашни шунда ўргандим.

Бу даргоҳ ҳаётдан каттароқ мактаб,
Менга ибрат энди ҳар бир ўтган кун.
Барибир исмингни унутиш кийин
Яхши таълим бериб кетганинг учун.

Қара, билиб олдим кўп нарсаларни,
Юрагим ҳам ҳижрон билан дўстлашди.
Дардимни ҳеч кимга гапиролмайман,
Хаёлларим армон билан дўстлашди.

Пулни пулга чакқан чайқовчилар кўп,
Баъзан муҳаббатдан излашар фойда.
Мен бундай қувликни билмай яшайман
Сенинг қадамларинг етмаган жойда.

Юрак кўп йиғласа ёмон бўларкан...
Кўнгилни аллалаб юпатиш оғир.
Кўзим кўзларингни излаб чарчади,
Нетай, хаёлимнинг оёғи оғрир.

Ортиқ юролмайди хижрон боғида
Изларингга интиқ бўлиб саргардон.
«Нега алдадинг...» деб ёқамдан тутиб
Турибди сочлари тўзғиган армон.

Пиқирлаб кулади панада кимдир,
Кимгадир ёқмайди ёзган шеърларим.
Ишқилиб кўлингга етиб боргунча
Титилиб кетмасин кўнгил дафтарим.



Ёмғир қорға айланаяпти,
Кўнгил торға айланаяпти,
Юрак адо бўлмас бир дардга
Чалинмоққа шайланаяпти.

Шу лаҳзада менга қўшилиб
Кўшиқ айтиб, йиғлайди осмон,
Ёмғирпўшни йиғиб, қарасам,
Кўзларимга сиғмайди осмон.

Нимагадир яна эслайман
Пешонангга сиғмаганимни.
Кўришганда кулиб қарайман,
Кўрмагансан йиғлаганимни.

Танамдаги жонни симириб
Томиримда гуллайди соғинч.
Бу кеча ҳам бошпанаси йўқ,
Юрагимда тунайди соғинч.

Ёмғир қорға айланаяпти,
Ҳижрон дорға айланаяпти.
Кўнгил қуши қуёшли юртга
Учмоқликка шайланаяпти.

Яшаяпман телбахол бўлиб,
Тушларингга киргим келади.
Бу дунёнинг кўчаларида
Бахтли бўлиб юргим келади.

Билмадим, бахт сен учун нима?
Мен бахтлиман шу ахволда ҳам.
Энг чиройли кунлар сеники,
Меникидир энг чиройли ғам.

Мени излаб келмайсан энди,
Нимагадир ёдингда йўкман.
Шунча айтган гапинг рост бўлса,
Нега бугун ёнимда йўксан?!

Бу гапларни сир тутолмасам,
Тушун мени, умримга кўрксан!
Нима қилай, унутолмасам,
Соғинмасдан яшашдан кўрксам?

Ярим тун... хаёлинг тинч қўймас мени,
Ярим тун... негадир сени ўйлайман.
Мана, энг чиройли сўзингни топдим!
Қўнглимни титкилаб кўриб... тўймайман...

Ярим тун... ярим тун... ярим тун... ярим...
Томоша қаламан жим-жит бўшлиқни.
Ўзимча берилиб куйлайман яна
Қалбингга энг яқин гўзал қўшиқни.

Узоқлардан учиб келар бир овоз:
«Унутарсан бир кун айтган сўзимни...»
Тўрт фасл нарига қаламан парвоз,
Юмолмайман ивиб кетган кўзимни.

Биламан, куёшнинг дийдори узоқ,
Жўр бўлгин соатнинг чалган куйига.
Шу бугун тонггача ўчмайди чирок
«Чекка бир кишлокнинг чекка уйида...»



Ёнингда турибман... Мен... яна ўзим...
Тўзғитиб ташладим хаёлларингни.
Қайга яширишни билмай, хунобсан
Менга беролмаган саволларингни.

Кўзингга қарайман, кўзларинг – савол.
Менга айтолмаган сўзларинг – савол.
Юракни нимадир тимдалайверар,
Буларнинг ҳаммаси... ҳаммаси... ҳалол...

Қетасан бошингни ҳам қилганингча,
Йиғлолмай, дилингни нам қилганингча,
Қунлар ўтаверар, дийдор – ванимат...
Яшайсан, яшайсан сан билганингча.

Менчи? Мен ҳолимни кўриб, хайронман,
Қулбаси йиқилган хонавайронман.
Қуноҳим – йиғлоқи нигоҳим билан
Изларингни ўпиб юриб, сарсонман.

Энди билдим, мен бир қадри арзонман.
Шу ҳолимга... яна... сенга... армонман...

Ишқимнинг сочлари оқариб кетди,
Кўзингга қарайман, кўзинг тўла мунг.
Қайғу юмалайди киприklarимдан,
Ўзимга қарайман, ўзим яна гунг.

Кўрқасан, бир нарса демайсан сен ҳам,
Шунча қимматлидир бир оғиз сўзинг.
Қайғу юмалайди икки юзингда,
Менинг кўзларимга ўхшайди кўзинг.

Биз йиғлаган кунда ёмғир ёғмайди,
Куёшнинг нурлари ёғилар сим-сим.
Сендан бошқасига қулиб боқмайди
Соядаги гулга ўхшаган севгим.

Бизнинг сиримизни билмайди ҳеч ким,
Дунёнинг сирини билмаймиз-да биз.
Бегона нигоҳлар гувоҳлигида
Бахтли бўлишдан ҳам кўркиб яшаймиз.

Шундай бахтлимизки, биров билмайди.



Бугун ҳамма нарса бошқача,
Ҳеч нарсанинг фарқи йўқ бугун.
Хароб бўлган хотираларни
Эсга олдим фақат сен учун.

Кўрдим эски дафтарларимда
Юзи лов-лов ёнган дийдорни,
Нега шифо топа олмайман,
Дил дардининг давоси борми?

Қор кўрпани ёпинган боғдан
Яшил соғинчларни излайман.
Юрагимни қоплаб ётган муз
Кимга керак экан, билмайман...

Совук уриб кетган дунёни
Иситмоқчи бўляпти меҳрим.
Шамол бўлиб қолсам, бор гапни
Қуловингга бориб айтардим.

БАҲОР...

Қор ҳам ёвди, номард ҳавонинг
Хатосини сизди юрагим.
Бугун мен ҳам бир хато қилдим...
Юрагингни эзди юрагим.

Ўтинаман, яшашдан безма,
Қуриб кетсин янглиш ёққан қор.
Бошқаларга парво қилмайлик,
Ахир баҳор – камнамо дийдор!

Шу хаёлда кўчага чиқдим,
Хайрон лаби қуриётган йўл.
Ана, қуёш кулаяпти-ку,
Нега менинг киприкларим хўл?!

Ён атрофда нотанишлар кўп,
Танишлар ҳам... фақат сен йўқсан!
Энди билдим асл исмингни,
Юрагимга отилган ўқсан!

ЁМҒИР...

Шамоллар эсади сени сўроқлаб,
Дарахтлар шивирлаб аста сўзлайди.
Хадеб беркинмачок ўйнайди қуёш,
Бехосдан бир ёмғир ёғиб берсайди...

...ёмғир... ёмғир... ёмғир...

Негадир бошимда осмон йиғлайди,
Кимдир ранжитганга ўхшар уни ҳам.
Менинг борлигимни ҳеч ким сезмайди
Томчилар ичида йўқолиб қолсам.

Саволга кўмади дунёни алам,
Кимдир изларимни излайди узоқ.
Мендан ҳам эртароқ йўқолган одам —
Оёғим остига вақт қўйган тузоқ.

...ёмғир... ёмғир... ёмғир...

Уни унут, парқу булут, уни унут...
Бунча кўп йиғлама, тўхтагин, етар!
Кўлмаклар юзига сув сепаверсанг,
Томчининг юраги ёрилиб кетар.

Умримнинг кадрига етмайсан ҳозир,
Хар куни ўзимни севсам бўлади.
Хар куни ўзимни койиб яшайман,
Шундай қилсам сенинг кўнглинг тўлади.

Сўнг гумдон бўласан қаёқларгадир,
Нафасим ичимга тушиб кетади.
Бугун тушликни ҳам қилмасам керак,
Шубҳаларнинг ўзи менга етади.

Хаёлим негадир мириқиб кулар,
Йўқ, менинг эс-хушим жойида эмас.
Кун бўйи ўйланиб хуноб бўламан,
Унутиш азалий қоида эмас.

Оқ қоғоз қорайиб кетар дардимдан...
Сўзларнинг юзига тортилар чизик.
Ёмғир ёра бошлар киприklarимдан,
Томоғини хўллаб олсин пар ёстик.

* * *

Кўкда қанот қоқиб учса турналар
Бемор юрагимнинг юзи тирналар,
Ўтган баҳор жуда бошқача эди...

Ким бор экан етган ҳамма тилакка,
Шунчалар жабрми куйган юракка?
Нега ахир «Жуда соғиндим...» деди?!

Нега? Худойим, мен... соғинолмайман...
Уни кўп эслайман, унутолмайман?
Ишқинг тилагимни қиймалаб еди...

ЎТГАН БАҲОР ЖУДА БОШҚАЧА ЭДИ...



«Бегонаман...» сўзларинг
Ёнимдан ўтиб кетди,
Келмадинг, соғинчларинг
Жонимдан ўтиб кетди.

Негадир бу азобдан
Кечиб кетолмадим мен,
Қанотларим кесилган,
Учиб кетолмадим мен.

Дийдор қадами етган
Йўллардан юриб кўрдим,
Кечалари ухламай
Хаёллар суриб кўрдим.

Бу бедаво дарднинг ҳеч
Номини тополмадим,
Куйган кўнгилнинг юзин
Гул билан ёполмадим.

Баҳор ёнимда эди,
Ёдимда эди дийдор.
Нега сен аҳволимни
Сўраб кўймадинг бир бор?

Қанотларим кесилган,
Ёнингга боролмайман.
Нега шундай бўлди, деб
Сабабин сўролмайман.

Такдирми унинг номи?
Худо берган кўргулик.
Ўзим ўлган бўлсам ҳам
Ҳали юрагим тирик.

Шунчалар оғирмикин
Жимжитликнинг залвори?
Битта умрдан қиммат
Бир одамнинг дийдори.

Юрагим энтикиб кетяпти яна
Эшикдан сен кириб келадигандек.
Ана, келаяпсан, кулиб, жилмайиб,
Софиниб кутганим биладигандек.

Софинч тугаб, дилни хаяжон босди,
Вужудим титроққа солди бу дийдор.
Кўзимнинг қоп-қора тугмачаларин
Нигоҳингга қадаб кўрмадим бир бор.

Дераза томонда нажоткор қуёш
Менинг аҳволимни кўриб куляпти.
Тубига тортяпти хаёл денгизи,
Нимани ўйлашим гумон бўляпти.

Яна тушаяпман ўй гирдобига,
Мени қийнаяпти қандайдир ташвиш.
Эшитмадинг, менга пичирлаб айтди
Юраккинам сени севиб қолганмиш.



Энди шеър ёзмасдан туrolмайман мен,
Бошка иш келмайди ахир қўлимдан.
Ўзинг билмай менга гўзал бахт бердинг,
Ўзинг адаштирдинг тўғри йўлимдан.

Мавхум иложсизлик мени қийнайди
Дарахтлар баргини тўккан паллада.
Шамолда бир ҳовуч хазон ўйнайди,
Кўнглим сайр қилиб юрар далада.

Ўзим уйдаману меҳрим кўчада,
Кузги гуллар бугун тушимга кирган.
Ўзининг ҳолига хайрон бу кўча,
Кеча сен айланган, кеча мен юрган.

Йиғлаяпти бизга таниш дарахтлар,
Улар ҳам биз каби чорасиз экан.
Улар ҳам кечаги бахтидан масрур,
Уларга ҳам кимдир соғиндим, деган.

Энди шеър ёзмасдан туrolмайман мен,
Бошка иш келмайди ахир қўлимдан.
Ўзинг билмай менга гўзал бахт бердинг,
Ўзинг адаштирдинг тўғри йўлимдан.

Бугун бахт улашдим киприкларимга,
Тўйгунимча йиглаб, севиндим бугун.
Мен ўзимни шундай мукофотладим,
Сенга айтган ҳамма гапларим учун.

Кўзларимга лойиқ жазо изладим,
Ахир улар кўркмай «Соғиндим!» деган.
Энди билсам, сени кўргани учун
Улар мендан ортиқ қийналган экан.

Безовта руҳимни қандай жазолай?!
Худо унга сабр ҳукмини берган.
Сенсиз яшолмайди бир дақиқа ҳам,
Юрагим мендан ҳам бахтлироқ экан.

Оёқларим... улар тинмай юради
Таниш ва нотаниш йўллардан ҳар кун.
Соғинишдан бошқа бахтни кўрмаган,
Жазо тополмадим қўлларим учун.

Гапирсам, титроққа тушар овозим,
Уни азоблайди сўнгсиз хаяжон.
Ўзимчи, мен ўзим қандай баҳорман?
Гулга кўмолмадим сени ҳеч қачон!

Остонагга бошини уриб,
Бир сўз демай, қайтди юрагим.
Остонагга бош эгиб туриб
Менга бир сўз айтди юрагим.

«Юр, кетамиз қайга бўлса ҳам,
Бу даргоҳда бизга нима бор!..
Кетдик, нега киприкларинг нам?
Соғинсак ҳам қайтмаймиз зинҳор!»

Биз кўнгилга қайтиб кетамиз,
Шу қўшиқни айтиб кетамиз.
Хаёл билан юрган йўлингда
Ҳар куни бир дайдиб кетамиз.

Даричангдан ғамгин қарайман,
Кувонасан, бахтга жўрасан.
Бахтимми бу, бахтсизлигимми,
Сен ўзингни яхши кўрасан!

Не бор менда қоғоз-қаламдан бўлак,
Дилни яралаган аламдан бўлак.
Асли аразлаган хаёл овунчим,
Юрагим – ёмғирда юз ювган йўлак.

Ўйларим – ўнгидан келмайдиган туш,
Сен эса қаноти қайрилган қушсан.
Кўкни кўзладингми, уча олсанг уч,
Ёдингда мен борман, нега хомушсан?

Майли-да, ёнингда бўлолмасам ҳам,
Шундай ҳурлик билан сийлабди Худо.
Хаёлларга ҳеч ким хўжайин эмас,
Бировлар бу бахтдан этолмас жудо.

Дунёнинг бир ками берилган бизга,
Дардини теппа-тенг бўлишиб олдик.
Хиёнат қилмадик бир-биримизга,
Айро яшашга ҳам кўникиб қолдик.

Сенинг юрагингда ёғаётган қор
Менинг тилагимни совутолмайди.
Қалбимни тарк этма, ўжар кўнгилни
Бошқа бирор нарса овутолмайди.

ПЕШОНА

Шунча кун ўзимни алдаб яшадим,
Ортимга қарасам инграйди юрак.
Яхшиям қаламни берган Худойим,
Эгилган қаддимга бўлади тиргак.

Ўзим адо қилдим дайди рухимни,
Энди жим кутмоқдан ўзга чорам йўқ.
Нимани кутаман, бор андуҳимни
Ичимга ютмоқдан ўзга чорам йўқ.

Наҳот, соғинмайсан, кўрсатмадинг бўй,
Кун санаб кунларни кузатмоқдаман.
Чарчади дарбадар кўча кезган ўй,
Бу гапни бир эмас, юз айтмоқдаман.

Минг марта тўлғонсам, сезмас экансан,
Тани бошқа дардинг билмайди, дерлар.
Кўнгил истагандек хосил бермади
Пешонам томонда шўрлаган ерлар.



БАХТИ

Хаёлим имлади қарагин, дея
Қарадим,
Кетиб бораяпсан мендан йироклаб.

Жим туриб ўйноқи елларнинг сочин
Тарадим,
Сабо суюнади холим сўроқлаб.

Инсофга келдимми ўзимдан ўзим
Сўрадим:
Не топдинг бир куйган дилни фироқлаб?

Чопиб борганимча борлигинг бахтга
Ўрадим,
Биз сўз деёлмайди энди титроқ лаб.

Бугун мендан бахтли одам йўк!

Ёлғизлик. Мен уйғоқ, хаёлим уйғоқ.
Умримни масхара килар бедорлик.
Ҳадемай бир этак мева беради
Юрагимда гуллаб ётган беморлик.

Кушлар чуғурлайди баҳор келди, деб,
Негадир баҳорга ўхшамас баҳор.
Аҳволимни кўриб осмон йиғласа,
Лойқа сувга тўлиб оқади анҳор.

Барибир баҳорга ўхшамас баҳор
Худо уни гулга кўмгани билан,
Кимдир бугун фақат сени ўйлайди,
Табриклайман ўйга чўмгани билан!

Уялдим ўзимни табриклагани,
Умримнинг кўзига қараб, уялдим.
Ўтган баҳор унинг исми ёзилган
Оқ теракка бугун беҳол суяндим.

Дунё Гулбаҳорни қутлади, мана,
Кўнглимнинг кўзига қандай қарайман?
Уялдим, уялдим, уялдим яна,
Мен кутишдан бошқа нега ярайман.

Исмим гул, кўнглим гул, тўрт томоним гул,
Бир ҳовуч нуринга зор бу ҳаётим.
Менга ҳаёт берар сен келмасанг ҳам
Кўёшим, кўз ёшим – обиҳаётим.

Ёлғизлик. Мен уйғоқ, хаёлим уйғоқ.
Умримни масхара килар бедорлик.
Ҳадемай бир этак мева беради
Юрагимда гуллаб ётган беморлик.

Қаердасан? Қайда юрибсан?
Тирик бўлсанг, мени эслагин!
Оромим йўқ, халоватим йўқ,
Нега сени яна эсладим?

Сени топдим шу йўқлик ичра,
Кўникдингми йўқлигимга ҳам?!
Ўзини ҳам ўйламас экан
Юрагига бўйсунган одам.

Юрагимга ишониб қолдим,
Юрагимни тизлади дардлар.
Дилимни куйдириб, кул қилди
Тилимга ҳеч чиқмаган гаплар.

Мажолим йўқ гапирмоққа ҳам,
Ўзим билан ўзим оввора.
Паноҳ топиб хотиралардан
Эслайсанми мени бир бора?

Кўп кун бўлди, киприklarим нам,
Ана шундай... йиғлоқиман мен.
Қаердасан? Қайда бўлсанг ҳам
Мени йиғлаб эслагин сен.

БУГУН ТУГАМАСА...

Бугун тугамаса, эрта бўлмаса,
Менинг йиғлаганим ҳеч ким билмаса,
Йўқолиб қолмаса энг яхши куним,
Бизни яна соғинч излаб келмаса...

Нима бўпти, бир кун бахтли яшасак,
Йўқотмай дийдорнинг қадамларини,
Темир конунлар ҳам банди этмаса
Учинчи дунёнинг одамларини.

Нима бўпти, ахир... шу орзу билан
Бу дунёда кулиб яшаб юрибмиз,
Бахтнинг оғушидан табассум топди
Ўксиниб-ўксиниб йиғлаётган қиз.

Олисга кетолмас жилмайган қуёш,
Ҳаёт берар унинг иссиқ нафаси.
Меҳр тўла ўтли нигоҳларидан
Эриб кетар дилнинг темир қафаси.

Бугунги қувончдан ажралиш қийин,
Кечаги кунларга қайтиб бўлмаса.
Дийдорнинг лаблари пичирлаб айтди:
«Бугун тугамаса, эрта келмаса...».

Сен яна руҳимга озодлик бердинг,
Яна сен бахтиёр айладинг мени.
Нимага дардимни янгилаб кетдинг,
Айтгин, қандай қилиб унутай сени?

Куз келди, баҳорни, ёзни унутдим,
Андармон бўляпман шу фасл билан.
Хеч кимга бермаган меҳримни бериб,
Сўляпман, ўляпман шу фасл билан.

Сенчи?! Сен мен кирган боққа кирдингми?
Куйдингми тўкилиш соатларида?
Йиғладингми менга – телбага ўхшаб,
Янгилик топдингми куз сафарисида?

Индамайман... Сен кўп савол берасан...
Сўнги йўқ саволлар қийнайди мени.
Ўзимнинг исмимни унутиб қўйдим,
Айтгин, қандай қилиб унутай сени?!

АЙРИЛИҚ

Кўз ёшга томган кўз ёш сени менман.

Усмон Азим

Айрилиқ – қаноти қайрилиқ бир куш,
Кузги боғда хайрон учиб юрган куш.
Оловранг кўйлагин кийган бир дарахт
Ғафлат уйқусида кўраётир туш.

Ўзини баҳор деб ўйлаган дарахт
Баҳорда куёшни яхши кўрарди.
Сочин ўйнамасди дайди шамоллар,
Шаббодалар ундан кўнгил сўрарди.

Шод эди, бир пайтлар бахтиёр эди,
Олов эди унинг нигоҳлари ҳам.
Ёнди, ёниб кетди ўз ўтида у,
Ўйлади: майлийди шу ҳолда ўлсам...

Япроғини тўкди безовта бир куш,
Дарахт бошин чайқаб, уйғониб кетди.
Ишонмас, нахотки, кўрганлари туш,
Йиғламоқ навбати унга ҳам етди?..

Умр... умр шундай азим дарё эканки,
Бизнинг кўз ёшимиз бир қатра, холос.
Сени мен бир умр тўйиб йиғладик,
Бир марта кулгандик, бир марта, холос...

Шунча яшасанг ҳам аклинг кирмайди,
Топмадинг хаётнинг мазмунини сен.
Кунлар қулофингга айтган гапларга
Ишонмай яшаш ҳам ўлим билан тенг.

Қандай яшашни ҳам билмай юрибсан,
Ортга қайтолмайсан, ҳамма йўллар берк.
Фақат битта дўстинг сен билан бирга,
Унинг исми – ОРЗУ, унинг исми – ЭРК!

Қўшиқлар тинглайсан, юрасан масрур,
Тан олгинг келмайди мағрурлигингни.
Ҳаттоки эсингга солмайди Худо
Сен шундай яшашга мажбурлигингни.

Шундай қилиб, сени сийлаган тақдир,
Охларинг сиғмайди икки дунёга.
Сен ҳақингда билган ҳамма гапимни
Шеърга солиб, айтиб бердим Худога.

Сабаби... ўзингга... айтолмас эдим...

Мен факат кўнгилнинг йўлидан юриб,
Сабрим тутган сувни тўйиб сипқордим.
Нима бўлганини тушунмай туриб
Сени соғинишни бошлаб юбордим.

Атрофга қарайман, тўрт томоним қор,
Худонинг раҳмати ёғар бошимга.
Бизнинг ўртамизда катта хато бор,
Қўй, бундай қарама кўзу қошимга.

Узоқроққа кетгин иложи бўлса,
Туманли йўлларда йўқолиб қолай.
Аввал ишқ чўлидан ўзимни топиб,
Кейин изларингни кидириб толай.

Йилларнинг қорлари, қировларидан
Омон чиқсак, қулиб келади баҳор.
Қўрқмайлик дунёнинг синовларидан,
Олдимизда яна битта дунё бор.

* * *

Сенсиз дунё тундай коронгу,
Сенсиз қувонч аламга тўла.
Кўзларимдан сўра кимлигинг,
Кимлигингни қалбимдан сўра.

Шовкин тўла бу ҳаёт жим-жит
Ёритмаса сенинг хаёлинг,
Менга эмас, хаёлимга бер
Агар бўлса бирор саволинг.

Безовтадир бекарор рухим
Ўзинг – қувонч, ўзинг андухим.
Тушун, қанча меҳр бермасин
Сендек яхши бўлолмас ҳеч ким.



Ором топди қалбим... қалбимнинг
Қанотига исмингни ёздим,
Парвоз қилдим хаёл юртига,
Қушдай учиб, ақлдан оздим.

Кетаяпман қайга, билмайман,
Ортга қайтиб келишим гумон.
Бир нарсани биламан фақат –
Бу менга ҳам, сенга ҳам ёмон!

Ҳеч нарсани ўйлагим келмас,
Йўқотгим йўқ бундай оромни.
Хаёл ичра топиб олганман
Бу дунёдан гўзал оламни.

Бунда ҳатто ақл ортиқча...
Сендан ўзга ҳеч не керакмас!
Бу қанотла парвоз қилганда
Ўртанмаган юрак юракмас!

Менинг бахтим – бахтсизлигим шу,
Бу гапларни айтолмам сенга.
Бундан ортиқ бахт бўлса айтгин,
Тангридан бахт тилама менга.

Айтгин, қандай рад қилай ахир
Тангрим тухфа этган инъомни,
Ҳеч нарсага алишмайман мен
Ишқинг менга берган илҳомни.

СЕНИ ДЕЪ...

Минг хил ташвиш билан туғилганман мен,
Минг хил ташвиш билан яшаб юрибман.
Мендан «Бахт нима?» деб сўрама зинхор,
Худо берган ошни ошаб юрибман.

Яшасам, сени деб яшаб юрибман,
Сенга бу гапларнинг қизиғи ҳам йўқ.
Бир она ўрдакнинг жонини олди
Менинг юрагимга отилмаган ўқ.

Кўрдим... кўриб туриб куйди кўзларим,
Шум ўлим жабрини туйди кўзларим.
Билмадим, шу кунни кўриб ҳам нега,
Нима учун сени суйди кўзларим?

Балки, бир дақиқа яшагим келар
Ишқнинг ишончига мафтун бўлиб, ох...
Тангрининг дард билан берган тахтига
Ўтира олмади мендаин гумрох.

Юрагингда бир гул очилди...
Юрагимга кирдинг конларни кечиб,
Сени деб жонимдан кеча олмадим.
Нимага ишониб келдинг ёнимга,
Мана шу жумбокни еча олмадим.
Қолмадим...
ёнингда...
қолмадим...
Йиғладинг: «Чопмади омадим!..»
Ҳар куни тушимга кирсанг ҳам
Мен айтган сўзимдан тонмадим.
Мен кетгач, сен кетдинг узокка,
Бахтингни Худодан сўрадим.
Изингни яширган сўқмокни
Шу кеча қор босди, қарадим...
Келмадинг...
келмадинг...
келмадинг!
Ишқинг чечагини бағрига босиб,
Бахтиёр ўтмишим йиғлаётибди.
Нима бўлганини сезмай қолибман,
Меҳринг вужудимда томир отибди.
Юрагимда бир гул очилди...
Сезмадинг...
сезмадинг...
сезмагин...

КУЙИБ... КЕТИДИМ...

*Музиқа! Измингга тушганлар хордир – ,
Ҳамма пинҳон дардни ошкор этди куй.
Усмон Азим*

Куй...
Куй...
Куй...
Тингладим...
Куйиб кетдим!

Куй...
Куй...
Куй...
Англадим...
Куйиб кетдим!
Негадир
Ошиқнимас,
Қўшиқни
Суйиб кетдим!

Куй...
Куй...
Куй...
Мана, кўр!
Куйиб кетдим!
Кўзимнинг ёмғирида
Уйидим...
Уйиб* кетдим!

Куй...
Куй...
Куй...
Қуй, куйма!
Қуй, куйлама!
Мен тинглаб
Куйиб кетдим.
Куй...
Куйлаб...
Куйиб...
Кетдим...

* шевада – уйиб (ивиб)

ТЛАҚДИР ДЕТАНИ ШУ...

Сенинг кимлигингни гулзор билади,
Кечалар сирдошинг намозшомгуллар.
Райхон исларига тўйиб ухлайсан,
Тагин ташлаб кетар бевафо тунлар.

Яна бир кун ўтиб, ботади қуёш,
Хуш кўрмай қолгансан кундузларни ҳам,
Башорат килолмас бахтни мунажжим,
Писанда қилмайсан юлдузларни ҳам.

Ростини айтаман, бошқаси рўё,
Шеърдан иборатдир мен учун дунё!
Негадир мендадир сенинг хаёлинг,
Ортга қайтишимга интиқмисан ё?

Туш кўрибман, ёнар экан юракда
Вақтида ёзилмай қолган мактублар,
Хат ёзма, куйгану кулга айланган
Ёрингнинг кўнглини олган мактублар.

Бошқа орзу бизни манзилга элтар,
Тақдир дегани шу, етар, сиқилма.
Майли, соғинмагин ҳар доимгидек,
Кўзларинг тўрт бўлиб йўлга тикилма.

Таниш йўл ҳам мени олиб келмайди,
Ҳаётингга ҳисоб берар каккулар.
Фақат кўзларимга раҳмим келади,
Сени кўрмаса, тинч ухлолмас улар.

Мен ишқталаб девонаман,
Сени эслаб, тўлғонаман.
Юрагингда асраб юрган
Сўзларингда ишонаман.

Сенчи, сенинг таърифинг йўк,
Бугунинг бор, тарихинг йўк.
Сен ўтмишни унутгансан,
Хатто исму шарифинг йўк.

Хузуримда бир янги кун,
Қандай бўлар эртанги кун?
Кўзларимга қаролмайди
Тушларимга кирган Мажнун.

Мана, дилимдаги доғим,
Кўнгилдаги қизғалдоғим!
Нигоҳимни қатл этди
Киприklarимда сиртмоғим.

Мумкин эмас кўришмоғим,
Тошларда гул унса, майли,
Тонг отгунча ўйланасан:
Шунча тошбағирми Лайли?..

Майли, майли, майли, майли,
Ҳар нарсага чидаш мумкин.
Фақат, айтгин, қандай қилиб
Индамасдан яшаш мумкин?

Қишнинг совуғига парво қилмайман,
Билмайман, тушимми, ўнгимми бу кун.
Қанча яшашимни ҳатто билмайман,
Режалар тузаман келажак учун.

Оркамга қарасам, юрагим санчар,
Олдинга одимлаб кетиб боряпман.
Ўзим билиб-билмай ўзимдан кечиб,
Ўтган кунларни тарк этиб боряпман.

Боряпман қайгадир – нотаниш жойга,
Дилда ҳадик ҳам йўқ, хавотир ҳам йўқ.
Ёлғиз кетяпману ёлғиз эмасман,
Ёдимда сен борсан, шундан кўнглим тўқ.

Тангрим суйганидан итоат берар,
Суйганига сабру қаноат берар.
Сендан мерос қолган юракдаги чўғ
Менга вайрат берар, шижоат берар.

Кетиб бораяпман дунёга сизмай,
Қорларга кўшилиб эриб кетяпман.
Бахтли бўлишимга ишонгим келмай,
Сени гўзал бахтга бериб кетяпман.

Кетяпман, ўзимга ўхшаб кетяпман,
Гулларга кўмилган баҳордек кулиб.
Дунёдан бахт топсам, сўзингда туриб
Мени табриклагин биринчи бўлиб.

КЕТМА, ДЕМА...

Кетма, дема, кетишим керак,
Яна қайтиб келишимни кут.
Мени излаб топгин истасанг,
Унутишни истасанг, унут!

Юзларингни ёмғирлар ювди,
Мен ҳаттоки ёмғир эмасман.
Кўп кутмагин қайтишимни ҳам,
Қайтаману, кутгин, демасман.

Сени каттиқ соғинган эдим,
Яна сенга ўрганиб қолдим.
Борлигинга ишондим яна,
Яна каттиқ ўртаниб қолдим.

Юракдаги телба туйғулар
Бир кун мени қилади хароб.
Изн бермас тезроқ кетишга
Этагимга осилган сароб.

Бу дунёда яшамоқ учун
Кўп нарсага чидаса бўлар.
Кетма, дема, кетишим керак,
Мени кутиб турибди йўллар.

Тун чўкди, тиз чўкди куннинг пойига,
Фам чўкди юракнинг чуқур жойига.
Куйди, куйлашни ҳам унутди кўнгил,
Унут бўлаёзди эски қоида.

Янги фасл келди, янгилиги кўп,
Сездим, яхшиларнинг яхшилиги кўп.
Бутлаб бўлмас экан бир кам дунёни,
Табассум юз бурган кунда йиғи кўп.

Дийдор даво эмиш ошиқ дардига,
Бошидан ўтказган моҳир табибдир.
Интиқликка элтар мудом ишқ йўли,
Садокату вафо унга хабибдир.

Орзу орзикади олис-олисга,
Дил дўст ахтаради кўнгил ёришга.
Изларинг топмайди нигоҳлар излаб,
Юрак ботинмайди излаб боришга.

Кўзим кўриб кўзга ёш олар осмон,
Соғинчдан боғларнинг ранги заъфарон.
Кўргим келди кўнглим кўшикида сени,
Мен сени чиндан ҳам соғиндим, ишон!

БАЛКИ...

Мен сенинг дардингни энди тушундим,
Хаёлингни англаб етмадим балки.
Ўзимдан олислаб кетган бўлсам ҳам
Сени ташлаб олис кетмадим. Балки,
дилимдаги гапни сир тутгандирман,
Балки, мен ўзимни унутгандирман.
Сен қайдан биласан, шу аро йўлда
Балки, фақат сени зор кутгандирман.
Мен қайдан биламан, балки сени ҳам
Тунлари ибодат бошингни эгган.
Ҳеч кимга ўхшамай яшайсан. Балки,
кундалик ташвишлар жонингга теккан.
Балки, яхши шундай, беғам яшамок,
Чора излаб, ташвиш қилмаслигимиз.
Балки...
Йўқ!
Билмадим, нима учундир
Бунча яхши бизнинг билмаслигимиз,
Кўнгил йиғлаганда кулмаслигимиз...



СОҒИНЧ

Бугун ногох ёдимга тушдинг,
Соғинчларим кўтарди исён!
Илож топиб чопиб борардим
Йўллар мени элтса сен томон.

Ранжияпман бугун йўллардан
Араз қилиб, қарамай қўйдим,
Ўтган-кетган турналардан ҳам
Аҳволингни сўрамай қўйдим.

Кузги боғда турибман маъюс,
Менга ўхшар кузги дарахтзор.
Титраб турган маҳзун япроқлар
Кўзимдаги ёмғир шашкатор.

Йиғлолмасдан турибман маҳзун,
Хаёлларим узундан-узун.
Кезиб чиққим келар дунёни
Сени бир бор кўрмоқлик учун.

Бир қадамдир ер билан осмон,
Тушунсангчи, соғиндим ёмон!
Илож топиб чопиб борардим
Йўллар мени элтса сен томон.

ҚАЙДАСАН...

Меҳрибоним, қайдасан...

Бобораҳим Машраб.

Эй, менинг паҳлавоним,
Эй, менинг қаҳрамоним,
Сени йўлга кузатиб
Оғриди ширин жоним.

Борса келмасга кетдинг,
Кўзларим йўлда энди.
Шунча интизор этдинг,
Манзилим чўл-да, энди.

Ёмғир мисоли ёққан
Кўз ёшларим қуриди.
Биз бирга бўлган кунлар
Менинг кўнглим хур эди.

Нигоҳларинг нур эди,
Буни сенга айтмадим.
Фурурли қизман ахир,
Ҳеч аҳдимдан қайтмадим.

Соғинч ўтида ёндим,
Оғриди ширин жоним.
Меҳринг офтоб эди-ку,
Қайдасан, меҳрибоним?!

**АЙТИЛМАГАН
ГАПЛАР**



ЭГАСИГА ЕТМЭГЭН СҮЗ

Журьат топгунича безовта кўнгил
Минг хил ҳадик билан ўйга ботади.
Менку яшаяпман ҳамма қатори,
Сиз томонда қандай тонглар отади?

Ёмғир ёряптими сиз томонда ҳам,
Сизнинг кўнглингиз ҳам йиғлаяптими?
Муштдек юрагингиз безовта бўлиб
Шунча кенг дунёга сиймаяптими?

Балки, менга ўхшаб сабрли бўлиб
Хаёл денгизига чўкиб кетгансиз,
Балки, мендан аввал ҳеч қандай жангсиз
Кўнгил дунёсини ишғол этгансиз.

Мендан сўрасангиз... йўқ, йўқ, сўраманг!
Зерикиб кетганман ўзимдан ўзим.
Юрагимда занглаб қолган шекилли
Эгасига етиб бормаган сўзим.

Сабрга суяниб, кўнгил дардида
Яшайверар экан нажотсиз одам.
Сизни билмадим, мен кутиб юрибман
Қуёш чиқиб қолар биз томонда ҳам...

АЙТИЛМАГАН ТАЪЛАР

Айтилмаган гаплар тилимда қолди,
Тилимга ҳам етмай, дилимда қолди.
Бугунги бахтимдан бахтли кунларим
Ўша энг чиройли йилимда қолди.

Қандай яхши эски хотираларим,
Мени дийдор томон бошлайдиган йўл.
Менинг БАХТ юртига сўнгги сафарим –
Илинж тўла нигоҳ, титраётган кўл.

Мана, кўлларимни дуога очдим,
Ғариблардан ғариб девона бўлдим.
Негадир ўзимга ўхшамай қолдим,
Ўтган кунларимга бегона бўлдим.

Қуёшсан, талпиниб ета олмадим,
Барини тақдири азалга йўйдим.
Зулматда, нафратда, ғафлатда қолган
Умримнинг исмини соғинч деб қўйдим.



СОҒИНЧ НИМА?

Соғинч нима? Бир кафтгина гам,
Соғинч дилни куйдирган олов.
Ўзинг билан ўзинг оввора,
Ёнганингни билмайди биров.

Соғинч – бу энг гўзал изтироб,
Бир лаҳзада бўласан хароб.
Паноҳ топсанг хотиралардан
Шу туйғудан бошқаси сароб.

Соғинч – тилга чиқмаган сўрок,
Юрагингда гуллаган фирок.
Яхши-ёмон кунингда ҳам у
Тор кулбангни ёритган чирок.

Соғинч – қалбга қаланган гулхан,
Ўчириб кўр кўз ёшинг билан.
У куйдириб кул қилар сени,
Овунасан бардошинг билан.

Ҳар дақиқа синар сабрингни,
Йўл қарайсан, кўзларинг тинар.
Қўй, дастурхон қилма дардингни,
Соғинч нима? Соғинган билар...

Бора-бора ўзимни ёлғиз сезиб боряпман,
Кўнглимнинг кўчасини ёлғиз кезиб боряпман.
Борса келмас бу йўлдан ҳаловат тополмасдан
Ўзимнинг юрагимни ўзим эзиб боряпман.

Бормай, десам бўлмайди, боргин, бор, дейди кўнглим,
Бу азобга умрингнинг ўзи зор, дейди кўнглим.
Шундай яшашни ўзинг бошлаганинг тўғри-ку,
Энди икки дунё ҳам сенга тор, дейди кўнглим.

Кўнглим айтган гапларга кўникканим рост экан,
Менинг тузалмас дардга йўлиққаним рост экан,
Энди билдим кимлигим, сен кетган йўлларингга
Кўзим тиниб кетса ҳам кўз тикканим рост экан.

Икки дунёсида ҳам мендаин ошиқ йўқдир,
Дунёда хофизлар кўп, бундаин кўшиқ йўқдир,
Менинг юрагим бахши, ҳеч ким билмаган яхши,
Бахтли бўлар эмишман, онамнинг кўнгли тўқдир.

Ҳеч ким билмас, ўзимни ёлғиз сезиб боряпман,
Кўнглимнинг кўчасини ёлғиз кезиб боряпман.
Борса келмас бу йўлдан ҳаловат тополмасдан,
Ўзимнинг юрагимни ўзим эзиб боряпман.

ЭНДИ...

Энди титрамайман уни кўрганда,
Нокулай аҳволга солмас хаяжон.
Мумкин экан шундай бемалол яшаш,
Аввалгидай интиқ қилма ҳеч қачон,
Ҳеч қачон, Художон!

Дунё деганлари қизик экан-да,
Хаётим кун билан тунга ўхшайди.
Ярми оқ, ярмиси қоронғуликдир,
Ҳаммининг тақдири шунга ўхшайди.
Кўп армон, Художон.

Ажойиб мукофот – мангу айрилик,
Кўриб кўрмайдиган очик кўрлармиз.
Кўнмадик ғаройиб тухфаларингга,
Зўрлармиз, манглайи шўрлармиз.
Ким шодон, Художон?!

Койил қолмадимда қисматингга ҳам,
Ҳақирларга экан бари дўқлари.
Суйдим, деб кулайми, куяйми?
Кўксимга санчилар ўқлари,
Бўл қалқон, Художон!

Февралнинг ўн беши ҳадикда,
Нур ёғилмас кадамингиздан.
Дилни кўча совук, деб алдаб,
Ишляяпсиз аламингиздан.

Дағаллашиб қолган туйғулар
Умид билан йўлга қарайди,
Эринмасдан соат миллари
Яна ўтган вақтни санайди.

Сиз қаноти кесилган қушсиз,
Нафасингиз сиқади бардош.
Юрагингиз юртида эса,
Ухлолмасдан чиқади қуёш.

Хонангизда димиққан гуллар
Деразадан мўлтираб қарар,
Имконлари чекланган одам
Кутиш... фақат кутишга ярар.

Февралнинг ўн куни ҳадикда...

Эрта-индин гулга киради дунё,
Тошларга гул экиб, келади кўклам.
Бир марта исмимга муносиб бўлиб
Тилимдан бол томиб, гуллайми мен ҳам?

Исмимни эсламанг, гуллаб кетаман,
Юрагим томонга чақирманг мени.
Юз марта уринманг, ўтган кунларни
Орқага қайтариб бўлмайди энди.

Сизни юрагимга кўмиб қўйганман,
Юрагимнинг ўзи Сизга қабртош.
Ҳар куни тошда гул ундирай дея
Йиғлайман, ўтмишдан топаман бардош.

Сабрдан олинган менинг тупроғим,
Кун нима, ой нима, йиллар ҳам ўтар.
Осонмас баҳорга омон чикмоғим,
Бу аҳволда яшаш ўлимдан баттар.

Ахир тирикликнинг сабаби қани?
Қалбни минг хил азоб йўқлаб кетяпти.
Кўнглим ивиб, селоб бўлгани сари
Дилда дард дарахти кўқлаб кетяпти.

Сиз кетган йўлларга қарамасин деб
Соғинчнинг кўзини ўйиб қўйгандим,
Иложсиз нарсани сўрамасин деб
Мен уни пичоқсиз сўйиб қўйгандим.

Бир умр хотиржам яшашим учун
Ўзим орау қилган бахтга етаман.
Юрагим томонга чақирманг, бугун
Бошим тош бўлса ҳам гуллаб кетаман.

* * *

Қалдирғочлар пастлаб учяпти...
Бир оздан сўнг ёғади ёмғир.
Овозингиз титраб кетяпти:
«Ёнингизга бораман ҳозир...»

Ҳозир ҳамма нарса чиройли,
Ҳозир ҳамма нарса бошқача.
Мендан аввал килди табассум
Кўзларимдан оққан ёшгача.



Юрсам, мен йўлнимас, йўл мени эзар,
Сизни эслатади кадрдон йўллар.
Нахотки, ярадор юрак билан ҳам
Бир умр хотиржам яшаса бўлар?!

Нахот шу аҳволда яшайверамиз?
Кувалашиб ўтар файзи йўқ кунлар.
Нахотки, кўнгилни эзаверади
Бир-бирдан узун уйкусиз тунлар?

Хотиралар қолган дунёлар нотинч,
Соков бўлиб қолган ҳамма дарахтлар.
Эрта келган кузга ўхшайди соғинч,
Биздан юз ўгирди бир қанча БАХТ...лар...

Биз бахтдан бахтлимиз шу аҳволда ҳам,
Мени эслаяпсиз, юрагим сезар.
Сиз кетгандан буён дунё тесқари,
Юрсам, мен йўлнимас, йўл мени эзар.

ҚОРЛИ КҮЧА...

Қорли кўча... йиғлаб кетяпман
Юрагимга оқиб кўз ёшим.
Мехрингизга ташна бўлсам ҳам
Узоқларга кетдим, қуёшим.

Қорли кўча... тўрт ён оппоқ қор,
Сочларимни силар изғирин.
Юз-қўлимга игнасин санчиб
Юрагимга кирар изғирин.

Қорли кўча... титраб кетяпман,
Тополмадим қўлқопларимни.
Чўнтагимга солиб иситдим
Музлаб қолган бармоқларимни.

Қорли кўча... манзилим узоқ,
Кипригимдан тўкилар дардлар.
Мени ёлғиз кўриб хайрона
Бизни кутиб турган дарахтлар.

Қорли кўча...
Кетяпман сизсиз...
Қорли кўча...
Сиз ҳам ёлғизсиз...

СОҒИНДИМ

Сиз яна келмайсиз, келмайсиз,
Мен сизни соғиндим, соғиндим!
Дардимни билмайсиз, билмайсиз,
Мен ёмон оғриндим, оғриндим...

Бир зумда тонг отар, бўлар кеч,
Жонимни ўртайди соғинчим.
Раҳмингиз келмайди менга ҳеч,
Мен сизни чиндан ҳам соғиндим!

Бахт деманг зор бўлиб кутмоқни,
Соғиниб ўтмоқда ҳаётим.
Истайман куш бўлиб учмоқни,
Не қилай, бўлмаса қанотим?

Йўллар кўп, бағритош йўллар кўп,
Йиғласа кўз ёши кўллар кўп.
Ким тинглар менинг бу арзимни,
Дунёда қайғуси мўллар кўп.

Сиз нега келмайсиз, келмайсиз?
Мен сизни соғиндим, соғиндим!
Дардимни билмайсиз, билмайсиз,
Мен ёмон оғриндим, оғриндим...

Мен сизни чиндан ҳам соғиндим!
Мен сизни чиндан ҳам соғиндим!

Оғир хўрсинасиз, оғир хўрсиник
Юрагимни эзган дарддан ҳам оғир.
Овозингиз ширин, сўзингиз аччиқ,
Менга ҳамма гапни айтдингиз hozир.

Ҳозир ҳаммадан ҳам бахтли эдим мен,
Мана, ҳаммадан ҳам бахтсизман hozир.
Мени қўйинг, сизни ранжитган бўлсам,
Узр, узр, дейман, минг бора узр.

Индамайман, сиз ҳам гапиролмайсиз,
Шунча аччиқ экан оддий ҳақиқат.
Сизга сездирмасдан йиғлайман доим,
Менга сездирмасдан йиғлайсиз, фақат...

Фақат... айтилган гап отилган ўқдир,
Сирдошман ярадор юрагим билан.
Нахот, дилингизга озор етказдим,
Кўнглимдек покиза тилагим билан?!

Кейин... кейин... дейман, кейин... яна... мен
Беғам кунларимга қайтолмаяпман.
Сизга ҳамма гапни айтиб бўлганман,
Мени... унутинг... деб... айтолмаяпман...

БИЛМАЙМАН...

«Сизга нима бўлди?» дедингиз,
Менга нима бўлди, билмайман.
Кулдиришга уринманг мени,
Йиғлаяпман, энди кулмайман.

Хаётимга нур берган эди
Юрагимга ташрифларингиз.
Биринчи бор интиқ кўнглимни
Соғинч билан табрикларингиз.

Кейин эса... кейин... барибир...
Айрилиқнинг ўтида куйдим.
Менга бир сўз айтган эдингиз,
Мен сизнимас, шу сўзни суйдим.

Бахтли эдим шу бир сўз билан
Хижронларда куйиб юрсам ҳам,
Сирлашмадим сира сиз билан
Узун-узун хаёл сурсам ҳам.

Тинчликми, деб ташвишга тушманг,
Ғам-ташвишга парво қилмайман.
Шу бугунги кунгача ахир,
Яшадимми, йўқми, билмайман!

Кўзингизни кўргани келдим,
Сизга дилдош бўлгани келдим.
Бу дунёнинг дардидан қочиб
Бағрингизда ўлгани келдим.

Тўйиб кетдим ёлғон гаплардан,
Дўстларим ҳам бермади ёрдам.
Мени ёлғиз тушунган одам,
Кўнглингизни олгани келдим.

Ҳапкиради бунча юрагим,
Очилмаган гунча — юрагим.
Тўхтаб қолгунича юрагим
Ёнингизда бўлгани келдим.

Кўзингизни кўргани келдим,
Сизга дилдош бўлгани келдим,
Бу дунёнинг дардидан қочиб
Бағрингизда ўлгани келдим.



НЕГА?

Нега энди йиғлама, дейсиз,
Йиғлашга ҳам ҳаққим йўқ менинг?
Ҳеч бўлмаса раҳмингиз келсин,
Юрагимни ўзимга беринг!

Кулиб яшаб юрганим билан
Ичимда бир нарса йиғлайди,
Осон эмас ўзимдан кечмок,
Охларим дунёга сиғмайди.

Ана шундай телбанамоман,
Куйган дилдан чикқан садоман.
Кўнгил узиб кета олмайман,
Яна хорман, яна гадоман.

Кутулай деб бу зорликлардан
Кўнглингиздан олислаб кетдим,
Бир халоват топа олмасдан
Соғинч билан хижронга етдим.

Бу зулматдан қутқаринг мени,
Юрагимни ўзимга беринг!
Нега энди йиғлама, дейсиз,
Йиғлашга ҳам ҳаққим йўқ менинг?!

СОВИТАН КҮНТИ

Хона совук, ташқари совук,
Жуда совук сўзларингиз ҳам.
Энди билдим, менга бегона
Йиғлаётган кўзларингиз ҳам.

Жуда оғир, жудаям оғир
Юрагимни эзиб турган юк,
Кўзларимдан тўкилди бир-бир
Оғирлигин сезиб турган юк.

Қаранг, тўхтаб қолди юрагим,
Йўққа ўхшаб қолди юрагим.
Ёнингизга кетаётганди,
Мана, тўхтаб қолди юрагим.

Яна тўхтаб қолди юрагим,
Сезмадингиз, сезмадингиз сиз.
Термуламан, йиллар ўтса ҳам
Кетаяпсиз ёлғиз ўзингиз.

БАҒРИНГИЗ

Кўзимдан тиркираб ёшлар оқяпти,
Кўзимдан ёш эмас, тошлар оқяпти,
Илтимос, бағрингиз тош экан, деманг,
Кўзимдан тош эмас, ёшлар оқяпти.

Ўзимнинг қадримга ета бошладим,
Сиз менинг қадримга етоласизми?
Сизни танимайман, бегонамиз-ку,
Кет... десам, ёнимдан кетоласизми?

Кетасиз, барибир кетиб қоласиз,
Кетсангиз, кўзлари ёш экан, деманг!
Шу тош юрагимга бир гул эккансиз,
Илтимос, бағрингиз тош экан, деманг.

АЛДАМЧИ БАҲОР


Куёшли кунларни кутаяпмиз биз,
Эртага дийдорми, бахтми келади.
Дардимизни ичга ютаяпмиз биз,
Бизларга Худонинг раҳми келади.

Қандай яшаяпмиз бир кам дунёда,
Дийдормиди бизнинг хатоларимиз?
Юракни гулга-ю, нурга тўлдирди,
Баҳормиди бизнинг хатоларимиз?

Балки, эрта келди алдамчи баҳор,
Балки бизнинг баҳор кечикиб келди.
Бизни алдаяпти алдамчи дийдор,
Мен эмас, юрагим ичкиб келди.

Нега келдим? Нега кечикиб келдим?
Нега бахтли бизнинг хаёлларимиз?
Бизни қийнайверар икки дунёда
Жавоби топилмас саволларимиз.

Гулларни кўз ёши билан суғордик,
Оппоқ нур тунларни бахтга белади.
Бахт билан учрашдик тушларимизда,
Бизларга Худонинг раҳми келади.



Менда нима гуноҳ, менда нима айб,
Ишонган бўлсам мен сўзларингизга?
Бир нажот истовдим, бахт изламовдим...
Жовдираб қаровдим кўзларингизга.

Менга нима бўлди, тушунмай қолдим,
Йиғладим ўзимни таниёлмасдан.
Ҳаловатли ўтган бир куним борми?
Яшолмадим сизни ёдга олмасдан.

Унутмоқ қасдида ўзимни алдаб,
Шунча кун бегона йўлларни кездим.
Ишонгингиз келса, ишонинг менга,
Ўзимдан зерикдим, ўзимдан бездим.

Ҳеч кимга билдирмай, узоқ йиғладим,
Тўкилиб кетди ғам нигоҳларимдан.
Қутулмоқчи эдим ибодат қилиб
Билиб-билмай қилган гуноҳларимдан.

Сизни унутдим, деб суюнган эдим,
Юрагимга бир чўғ солган экансиз.
Мен сизга ҳеч кимман! Кимман?.. Билмадим...
Сиз менга айланиб қолган экансиз.

Заминдан узоқлаб кетганда қуёш,
Дарахтлар кийганда оловранг кўйлак,
Ёмғирни соғинган майсага ўхшаб,
Сизни зор соғиниб кутди бир юрак.

Тунларни тонгларга улаб ўй сурди,
Кейин йўлга чикди бекарор хаёл.
Йўл юрди, вақтдан ҳам ўзиб улгурди,
Уни кийнар энди жавобсиз савол.

Фасллар ўзгариб борар оламда,
Дилдаги бу туйғу ўзгармас сира.
Йўлларда ишончи йўқолиб қолди,
Чил-чил бўлиб синди кўзгу – хотира.

Ҳеч кимса сенга не бўлди демади,
Кузги гуллар унга бўлдилар сирдош.
Хаёл уммониға фарқ бўлганида
Олдиндаги йўлдан излади бардош.

Куйса ҳам куз каби куйгиси келди,
Суйса ҳам куз каби суйгиси келди.
Яшагиси келди озод, бекарор,
Ҳақиқатни дилдан туйгиси келди.

Заминдан узоқлаб кетганди қуёш,
Дарахтлар кийганди оловранг кўйлак,
Ўша оловзорга ўзини отди
Сизни зор соғиниб кутган бир юрак.

ТИНЧГИНА...

Тинчгина яшагим келади гоҳи,
Сизни унутишга етганда қурбим.
Бир яхши одамнинг ёрдами билан
Хозир қалбим кулди, мен чиндан кулдим.

Ўйласам, кўп экан яхши одамлар,
Мен ҳам ким учундир яхшиман, яхши!
Аммо гапга кирмас, яхшидан яхши
Одамни излаган юрагим бахши.

Ахир осон эмас бу юрак билан
Муроса қилмоқлик шундай лаҳзада,
Керак эмас унга жуда кўп нарса,
Керак эмас унга ортик дабдаба.

Унга бир чимдимнинг ярмича меҳр
Кифоя қилади айни паллада,
У учун шодлик йўқ минг бор тингласин
На куйда, на бирор шўх бир яллада.

Бир жилмайган чеҳра, ширин табассум,
Кифоя қилади, аммо у қани?
Бир бор эсламайсиз, йўқлаб келмайсиз,
Ўзим бораманми Сизни кўргани?!

Тинчгина яшагим келяпти ахир!

КЕЧИРИНГ

Шундай ғалатиман, мени кечиринг,
Хаёлингиз билмай ўғирлаб кўйдим.
Сизни дўст дегандим, чин дўст изловдим,
Мен ахир меҳрингиз дўстликка йўйдим.

Шундай ғалатиман, мени кечиринг,
Ғалатиман... кўргим келади Сизни.
Не учун, билмайман, рости, билмайман,
Эшитгим келади сўзларингизни.

Шундай ғалатиман, мени кечиринг,
Сиз сабаб ғалати бўляпман ахир.
Менда нима гуноҳ, менда нима айб,
Йўлимизни айро айласа тақдир.

Шундай ғалатиман, мени кечиринг,
Гох, писанд қилмайман чегараларни.
Унутгим келади мажбурияту
Чиройли, олифта ҳамма гапларни.

Шундай ғалатиман, не бўпти ахир
Излаган одамим топган бўлсам мен,
Сиз кўпам ранжиманг, ўзим истамай
Қалбим эшикларин ёпган бўлсам мен.

Шундай ғалатиман, ахир дунёда
Бошқа бирор одам борми Сиз каби,
Сиздан осонгина воз кечгин дейди
Менга сабоқ берган ҳаёт мактаби.

Сиз шодлик ҳақида орзу ҳам қилманг,
Ҳозир йиғлаяпман, ёлғондан кулдим.
Шундай ғалатиман, мени кечиринг,
Сизни қийнамоққа етади қурбим.

* * *

Тўхтанг! Икки оғиз сўзим бор...
Тўхтанг! Мен бошқа гап айтмайман.
Тирик туриб сиз ҳам ўлсангиз,
Бу дунёда қандай яшайман?!!



**ТУШЛАРИМНИ
ТУШУНТИРИБ
БЕР**



Ҳаммаси ғалати, ҳатто қуёшнинг
Нурлари қуйдириш учун яралган.
Бу дунё бус-бутун ширин соғинчдир,
Бир сени суйдириш учун яралган.

Замин тупроғидан яралганман мен,
Хоксорлик қисматим яралагандир.
Кўнглим синов деган ғалвири билан
Бир сени, бир сени саралагандир.

Ўтган кунларимнинг кўзига қараб
Хаёл шамолида совриладирман,
Балки ношудлигим туфайли доим
Ўзим ўз ёғимда қовриладирман.

Балки... мени мендек тушунолмассан,
Шунинг учун ҳамма нарса ғалати.
Муҳаббат – жароҳат, буюк шарофат –
Вақтнинг юрагимга яширган хати.

Умр?..
У Худонинг нодир санъати.
Биз... киммиз?
Биз жиммиз.

* * *
Кўлларим етмаган осмоним менинг,
Йўлларим етмаган армоним менинг,
Дилимда яшаган, тилимга чиқмай
Ичимда ўқилган дostonим менинг.

Кўнглимни аллалаб юрган кўшиғим,
Вужудимга илдиз отган бир дарахт,
Сусамбилдек яхши, хаёлий эртақ,
Орзулар ўлкаси – мен етмаган бахт...

Қадимимни санаб юрган кунларим,
Ороми йўқ, бедор ўтган тунларим,
Умримни офтобдек ёритган туйғу,
Еттинчи фалакка қилган сафарим.

Унинг исми ҳам йўқ, манзили ҳам йўқ,
У – юрак-бағримни куйдирган бир чўғ.
Жонимдан кечсам ҳам кечолмам ундан,
Ундан ҳам суюкли, яхши бир ғам йўқ.

Тилаб-тилаб топган олтин тахтим у,
Охир тангрим суюб берган бахтим у,
Кунлар ўтса ҳамки кўнглимдан кетмас,
Йиллар ўтса ҳамки сўнмас ахдим у.

Мен биламан, усиз куним ўтмайди,
У умрим ҳақида ёзилган китоб.
Шундайку-я, лекин нима учундир
Унга эрмак бўлиб яшамоқ азоб.

ЁМҒИРНИ СОҒИНДИМ...

Ёмғирни соғиндим... жуда соғиндим...
Япроқлар шивирлаб айтади қўшиқ.
Дунёда бормикин мендай телбахол,
Дунёда бормикин мендайин ошиқ.

Сени соғингандай соғиндим уни,
Томчилар куйини тинглагим келар.
Сирлашгим келади дарахтлар билан,
Тангрим суйганига шундай дард берар.

Бу туйғу дард эмас, ширин бир орзу,
Тўкилгим келади оппоқ қоғозга.
Бир куни олисга учиб кетаман,
Шайланиб тураман мудом парвозга.

Ёмғир кўп нарсани эслатар менга,
Уйғониб кетади хотираларим.
Гоҳо эзгин, гоҳо ширин ҳисларга
Тўлдириб бораман умр дафтарим.

Хаёлим осмонга учиб кетади,
Ёнимга ёмғирни келар чакириб.
Энди камалакдек рангин туйғулар
Тунлари тинч қўймас тушимга кириб.

Ёмғирни соғиндим... жуда соғиндим...

Салом, дилимдаги эркатоӣ туйғу!
Яна хузуригга бош уриб келдим.
Ахволимни тушун, бор гуноҳим шу,
Тўғри йўл тополмай югуриб-елдим.

Тақдир тоши тўла умр йўлида
Дийдорнинг изини топмок ҳам мушкул.
Сўлиб қолмасмикин бахтнинг қўлида
Тиконлар ичида ўсаётган гул?!

Бахт нима? Уни бир кўрмоқлик бахтми?
Ундай бўлса, нега юрагим вайрон?
Уйқум тўлиб кетди тасодифларга,
Тушлар ўлкасида турибман хайрон.

Кўзларимни очсам, кетиб қолади...
Кўзларимни очсам... дунё қоронғу.
Қайси суҳбатимиз эсда қолади...
Мендек соғинишни билармикин у!

Тонг. Кетиб боряпман уфққа қараб,
Қанийди умидбахш бир нур кўринса.
Дилдаги музларни эритса офтоб,
Ўша одам бугун кимлигин билса.

Қуёшнинг тафтида исинар кўнглим,
Нима бўлса бўлди, ортга қайтмайман.
Гапир, гапиракол, эркатоӣ туйғу,
Нахотки бир умр шундай яшайман?

«БАХТЛИ БЎЛ...»

«Бахтли бўл...». О, қандай чиройли тилак,
Айниқса, янграса сенинг тилингда.
Сенинг ташвишларинг ҳаддан зиёда,
Бир гулга кўним йўқ куйган дилингда.

Ишим йўқ сен ҳақда ўйлашдан бошқа,
Сен ҳақингда ўйлаб-ўйлаб чарчадим.
Кўзларингга айтгин, бахтлиман, десин,
Сени бахтли кўрмоқ эди мақсадим.

Менга бахт тилама, овора бўлма,
Ўзингни кийнама, берма маслаҳат.
Кет... деб айтмасингдан аввал кетаман,
Изларимни излаб юрмагин фақат.

Сен яхши биласан, энди ҳеч қачон
Ёнма-ён юрмайди қадамларимиз.
Энди англаяпман бир кам дунёнинг
Исмига муносиб одамлари – биз.

Йўллари ювганман кўз ёшим билан,
Сени эсламадим тонгдан тунгача.
Юрагингдан ҳайдаб чиқаргин мени,
Етиб боролмадим юрагинггача!

* * *

Сени излаб, топмадим,
Сени йўқотиб кўйдим.
Мени излаб, топмадинг,
Мени йўқотиб кўйдинг.

Истаб-истамасдан биз
Бир туйғуга қул бўлдик.
Бир орзуга қул бўлдик,
Бир қайғуга қул бўлдик.

Охири йўқсул бўлдик,
Сўнг эса қилдик сабр.
Юрагимиз ўксинди:
«Чин муҳаббат қайдадир?..»

Шу нарсани билмадик,
Кўзимизга келди ёш.
Мен учун сен бағритош,
Сен учун мен бағритош.



УНУТМА!

Энг муҳим нарсани унутиб қўйиб
Яна мавҳумликлар домига тушсанг,
Соғинган одамнинг ёнига эмас,
Ўзга манзилларга қуш бўлиб учсанг.

Ўзингни нима деб оқламоқ мумкин
Юракнинг олдида гуноҳкор бўлсанг,
Одамларга ўхшаб яшамоқ учун
Ҳижрон кишанига кўниксанг, кўнсанг?!

Қафасдаги тутқун қушга ўхшайсан,
Хаёл уммонига фарқ бўлсанг буткул.
Ёки ҳаёт деган ҳақиқат шуми?
Дунёнинг ишини тушунмоқ мушукул.

Ёмғирни кўп кутган майсага ўхшаб
Соғинчининг кўзлари йўлга интизор.
Сен зўр тасодифни кутиб яшайсан,
Кимдир сени кутиб бўлади безор.

Бузилар сабрнинг чегаралари,
Чакмоқ чақиб, булут йиғлайверади.
Бугун ҳам у одам сени кўрмаса,
Қўлидаги гулни кимга беради?

Ўзинг белгилаган қисматга кўниб
Кўнгилнинг сўзини ёлронга йўйма.
Тўхта, бошқа ишга оввора бўлиб
Энг муҳим нарсани унутиб қўйма!
Унутма!

Шошилганда йўллар ҳам узун,
Сени хайрон қилади севги.
Яшаяпсан фақат у учун,
Бор сиригни билади севги.

Ўрни эмас хавотирларнинг,
Хаёлларга ишониб яша.
У бир лаҳза ёдингга тушса,
Сен ҳар лаҳза қувониб яша.

Қувон, ахир бундай ширин дард
Ҳаммага ҳам берилмагандир,
Ҳар кун сени яшашга чорлар
Юрагингни куйдирган бу сир.

Ўйланмоққа ҳожат йўқ сира,
Бир сабаб бор яшамоқ учун.
Кулиб боқар кутганга дийдор,
Муҳаббатнинг йўллари узун.

Муҳаббат бекати, таниш автобус
Кўнгил кўчасидан ўтиб кетяпти.
Юздаги кўз ёши қуриб улгурган
Йўлнинг нолалари кўкка етяпти!

Тинмай айланади тўртта филдирак,
Тағин айланади чирпирак бўлиб.
О, яна бу тўртта чархпалакни деб
Хушнудлик кўрмадинг шу ёшга тўлиб.

Дийдор бекатига етиб боргунча
Вақтнинг қиёфаси минг бор ўзгарар,
Барибир кимгадир кўнгил ёргунча
Сенинг ҳасратингни сезмас ўзгалар.

Гапирсанг, гапирсанг, ёмон бўлади,
Ҳамма билиб қолар бедорлигингни.
Ахир истамайсан, йўқ, билишмасин,
Касали энг оғир беморлигингни.

Ишон, эшик қоқиб Гулбахор келар,
Интилсанг, бир куни унга етасан!
Умидингни узсанг ҳамма нарсадан
Армон бекатида қолиб кетасан.

ЎЗИМ БИЛАН СУХҲАТ

Юрагимга нима дедим, айтайми,
Индамай яшашни ўргангин, дедим.
Мағрур бўл, масрур бўл, зерикканингда
Ўртансанг, мен учун ўртангин, дедим.

Кўркдиму юракнинг депсинишидан,
Кўркмагин, юрагим, кўркмагин, дедим.
Ўша кун, ўша он, ўша лаҳзада
Мен ахир ўзимга ўхшамас эдим.

Бахт нима? Баҳорга ўхшайди-да у,
Бир йилда бир кулиб, бўйин кўрсатмас.
Ўзинг билганингча яшайвер, юрак,
Ҳеч кимса яшашни сенга ўргатмас.

Шошилма, ошиқма, барибир бир кун
Борар манзилингга етиб борасан.
Шуни биласану, билиб туриб ҳам
Нега югурганча кетиб борасан?!

Балки, яшамоқнинг мазмуни шудир,
Яшасанг, оловдек ёниб яшагин!
Жонга тегмадими шунчаки яшаш,
Ташласанг, дадилрок кадам ташлагин!

Юрагим нима деб айтди, айтайми?
– Ўзни ўз холимга ташлаб қўйганман,
Борса келмас йўлга отланганимда
Хатарли ўйинни бошлаб қўйганман.

Айтчи, тақдирига кўнган мўминдан,
Мискиндан қай ерим кам, айтасанми?
Мени қўй, ўзингни ўйлагин, дўстим,
Кутсам, кетмай кутсам, сен қайтасанми?

ВАҚТИДА БИЛМАЙМАН ВАҚТНИНГ ҚАДРИНИ...

Деярли ҳар куни шундай яшайман,
Умрим судраб кетар оёқларимни.
Йўлнинг охирига етиб бормасдан
Йўқотиб қўяман топганларимни.

Сиз ҳеч қачон мендан умидвор бўлманг,
Эртага не бўлар, Худо билади.
Юзлари салқиган юрагингизни
Мендан бошқа ҳамма хурсанд қилади.

Буйруқ беролмайман кўзларимга ҳеч,
Мусаффо осмонни севади улар.
Унутиб юборинг эски гапларни,
Томоша кўрсатди телба туйғулар.

Биламан, биласиз фақат сизни деб
Умрим фасллардан гина қилади.
Сочларимни ўпиб қўйса оппоқ қор
Нима дейишимни Худо билади.

Бизнинг сиримизни билади Худо,
Суйганига берар ахир сабрини.
Қайга боришимни билмайман, ҳатто
Вақтида билмайман вақтнинг кадрини.

* * *

Ёпиб болаликнинг дарвозасини
Кенг кўчага чиқдинг — бу ҳаёт йўли.
Қайга ғойиб бўлди бармоқчаларинг,
Қўлларинг ҳам катта одамнинг қўли.
Энди нима иш қилмоқчисан?



Оқ қоғоз – кўнглимнинг туғилган ери,
Қалам сузган уммон – менинг Ватаним.
Неча кундан буён ватангадоман,
Яна ўз ёғида коврилар таним.

Яна хаёлларим осмонга ўхшар,
Орзулар – қанотим, учиб кетаман.
Сабрим – ёш юрагим, уришдан тўхтар,
Бехосдан жарликка тушиб кетаман.

Тоза ниятларим кўзини очар,
Ўйлайман, хавотир зора, камайса.
Тепага талпинсам, қўлимдан тортиб
Мени қутқаради ям-яшил майса.

Заминда тақдирнинг тузоқлари мўл,
Озод яшаяпман кўп йилдан бери.
Умрим – дарё, умрим – қақраб ётган чўл,
Оқ қоғоз – кўнглимнинг туғилган ери.

* * *

Олис манзилларни кўзлаб кетяпман,
Кўнглимга ишониб, бўзлаб кетяпман,
Икки хил муҳитнинг ичида қолдим,
Бир лаҳзада ёниб, музлаб кетяпман.



ТОШКЕНТ!

Тошли йўлларингдан кўп нарса топдим,
Бу бойлик сизмайди чўнтакларимга.
У фақат энг яхши сарлавҳа бўлар
Юракда ёзилган шоҳ асаримга.

Тошкент!
Тош йўлда йўқотдим ҳаловатимни,
Шеърга алмаштирдим тиловатимни.
Унутма, ҳеч қачон унутганим йўқ
Қишлоқ тупроғига ёзган хатимни.

Тошкент!
Тупроқ йўлда менинг сўзларим қолган,
Шаҳарни кўрмаган кўзларим қолган,
Дилни суғоришга қурби етмаган
Бўзсувга ўхшаган бўзларим қолган.

Тошкент!
Кўнглимга беркитдим ҳасратларимни,
Ҳамма мусофирнинг қалби беморми?
Кўрмадим излаган кўчаларимни,
Орзу сўқмоғининг охири борми?

Тошкент!
Қишлоқни кўмсашнинг ўзи дийдорми?!
Нега индамайсан?

Бешинчи қаватда туриб чинорнинг
Бўйига бўйимни тенг деб ўйлабман.
Менинг пешонамга сизмаган бахтли
Одамнинг юраги кенг деб ўйлабман.

Бешинчи қаватда хаёлларимнинг
Қалтирок қўлида жонимни кўрдим.
Очиқ деразанинг кўзига қараб
Нафасимни сиққан золимни кўрдим.

Тўрт деворнинг ичи қулоқларимга
Тўрт томонинг қибла, дегандек бўлди,
Киприкдаги шабнам тўкилиб кетди,
Сабримнинг косаси эртароқ тўлди.

Хотирамдан ўчиб кетмайдиган сўз —
Кеча юрагимга ёзилган тилхат.
Нега бўй-бастингни қиласан кўз-кўз,
Бугун нега жимсан, бешинчи қават?!

Эй, Худо!

Эй, Худо, муножот қилгани келдим,
Ўтинаман, холи жой топиб бергин.
Сокин кечаларни яхши кўраман,
Мангу ботмайдиган ой топиб бергин!

Бер! Бер! Бергин... дейиш мени ҳоритди,
Тавофга берилиш дилни ёритди.
Нима бўлганини айтгани келдим,
Бу ишқ юрагимни эрта қаритди.

Нима бўлганини кўриб турибсан,
Ўтинаман, кечир, телба кўнгилни.
Дунёнинг дардлари девона қилди
Ўзининг хуснига махлиё гулни.

Ёз... ёз... пок орзуни ўтга ташлади,
Бу гул тақдирига қул баҳор эди.
Тўкилгач, ўзини таний бошлади,
Бу гул сен яратган Гулбаҳор эди.

ПОКЛИК ОРЗУСИ

Энг узоқ йўллардан юргим келяпти,
Санагим келяпти кадамларимни.
Ҳозир нимагадир соғиниб кетдим
Ўзимнинг бегубор оламларимни.

Аслида мен жиддий одам эмасман,
Кушларга қўшилиб учгим келади.
Негадир қуёшни яхши кўраман,
Бепоён осмонни кучгим келади.

Менинг кимлигимни ўзинг биласан,
Баҳордан кўчирма беқарор феълим.
Бир кун қайтарасан алс холимга,
Яралмишдан аввал мен тупроқ эдим.

Шунданми, заминга ихлосим баланд,
Шамолдек ер юзин кезгим келади.
Гоҳо вужудимга сиймай қоламан,
Фаройиб ҳисларни сезгим келади.

Аслида юрагим тўполондарё,
Умрим ўзанида оқиб боряпман.
Тақдирига кўнган мўмин бандадек
Сенинг хузурингга чопиб боряпман.

Бахт ҳам қизиқ эмас, жуда бахтлиман,
Эрта-индин гулга кўмилар дунё.
Юракни сел қилиб ёмғирлар ёғар,
Обираҳматингда чўмилар дунё.

Қиш бўйи борликни окликка кўмдинг,
Мен ҳам қордек оппоқ бўлгим келяпти.
Қудратингни кўрсат, меҳрибон Эгам!
Ҳаммани бегуноҳ кўргим келяпти.

Киш қахридан музлаган дилни
Баҳорларда гулга кўмаман.
Ич-ичимни қоплайди туман,
Беихтиёр ўйга чўмаман.
Анҳорларга кўнгил ёрсам ҳам
Бу кайғудан қутулиб бўлмас.

Йўл юраман, эргашар доим,
Қолгин, десам, гапимга кўнмас.
Такдиримга битган Худойим,
Дилга тушган оташи сўнмас.
У мен билан қайга борсам ҳам,
Бу туйғудан қутулиб бўлмас.

Ўтган кунлар қайтиб келмайди,
У кунларга қайтиб бўлмайди.
Юрагимга беркитган сир у,
Хеч кимсага айтиб бўлмайди.
Унга етмоқ душвор... билсам ҳам
Бу орзудан қутулиб бўлмас.



ДУНЁНИ СЕВАМАН...

Дунёни севаман чорасизликдан,
Иложи бўлганда... бундай бўлмасди.
Мен дунёга келмаганимда
Гўзал туйғуларим ўлмасди,
Меҳрим бевақт хазон бўлмасди.

Умр бўйи унга талпиндим,
Куёшнинг нурлари сочимни ўпди.
Дилдаги чўғ ўт олди яна,
Ёндирди мен – куриган чўпни.
Деди: «Шундай яшаймиз, хўпми?»

Бир туйғунинг ўтида куйдим,
Бир қайғунинг ўтида куйдим,
Фақат уни дея яшадим,
Бир орзунинг ўтида куйдим,
Бора-бора соғинмай кўйдим.

Кўз ёшим сувида сел бўлди соғинч,
Сел бўлиб йиғлади бечора армон.
Ичимни бир хижрон тимдаласа ҳам
«Уни унутгин...» деб ўқилди фармон.
Мен-чи, кўнглим билан бўлдим андармон.

Дунёни севаман чорасизликдан,
Меҳру муҳаббатсиз яшамок хунук.
Озод хаёлимдан бошқа бахтим йўқ,
Дилимдаги туйғу ҳаммадан суюк.
Бахтлиман, десам ҳам юрагим куюк,
Дунёни севапман чорасизликдан...

ОЗОД ҚУШ

Юрак озод қушга ўхшайди,
Қанотлари куйган бўлса ҳам.
Кимдир уни қаттиқ ранжитган,
Жуда қаттиқ суйган бўлса ҳам.

Юрак озод қушга ўхшайди,
Олисларга кетгиси келар.
Орзу томон учгиси келмас,
Аммо унга етгиси келар.

Юрак озод қушга ўхшайди,
У ўйлайди: орзу ҳам қафас.
Кимлар унга томон талпинар,
Кимлар унга қилади хавас.

Юрак озод қушга ўхшайди,
Ҳеч нарсани ўйламайди у.
Минг турли хис унинг бағрида,
Ахир, бахт ҳам унинг ўзику!

Юрак озод қушга ўхшайди,
Ёқтирмайди энди жимликни.
Соғинса соғиниб йиғлайди фақат
Бир лаҳза топгани — хотиржамликни.

Тўғри, Сиз айтгандек ғамбода кўнглим,
Энди Сизда эмас, Оллода кўнглим.
Бу дунёнинг зебу зариди эмас,
Хеч ким тортиб олмас тиллода кўнглим.

Тўғри, Сиз айтгандек бечора бўлдим,
Ўзим ўз ғамимга бегона бўлдим.
Ўзгалардек фақат ўзни ўйламай
Ўзимга ўхшар, деб оввора бўлдим.

Тўғри, Сиз айтгандек, унутмоқ осон,
Одамнинг юраги тош бўлса агар.
Инсон ўтмишини унутолмаскан
Бу дунёнинг сири фoш бўлса агар.

Тўғри... йўк, нотўғри, ҳечам тўғримас,
Шунчаки... синовда енгилдим, холос.
Бу дарднинг зўридан ёниб-куйдиму
Шу гапни айтмоқни ор билдим, холос.

БАХТ...СИЗ...

Ох, яна меҳримни ўлдириб кўйдим,
Гўдак эди бечора меҳрим...
Юрагимда битта қабр бор,
Гул кўтариб келмайди ҳеч ким.

Сен исмимни айтиб чақирдинг,
Кимлигимни эслатдинг менга.
Жимлигимни кўриб, зерикдинг,
Кимлигингни айтмадим сенга...

Баҳор келди, гулга ўранди
Тўртта томон, бир бутун борлик.
Кўзларимга карадинг бугун,
Тополмадинг бир бахтиёрлик.

Бахт... бу сўзни айтиш қўрқинчли,
Мен кулганда йиғлади кўнглим.
Кўзларингга тикилиб туриб
«Бахтлиман!» деб айтишга кўндим.

Билмадим бу туйғунинг исмин,
Тополмадим бошқа бир илож.
Ҳамма айтган гапга ишондим,
Мен ҳам бахтли бўлдим... на илож...

«Бахт – сиз!» деган юрак бегона,
Бахтсиз деган тамға дилимда.
Мен шундай бахт оғушидаман,
Бахт... деган сўз қолди тилимда.

Кўнгил гулин сўлдириб кўйдим,
Гўдак эди бечора меҳрим.
Юрагимда битта қабр бор,
Гул кўтариб келмайди ҳеч ким.

СИЗНИ КЎРМАГАНМАН...

Маҳзунага

Сизни кўрмаганман, кўрмай туриб ҳам
Юрагимни ўртар безовта ҳислар.
Фасллар ўзгариб кетмоқда аммо
Ўнгидан келмайди мен кўрган тушлар.

Сизни кўрмаганман, кўрмай туриб ҳам
Бир одамни шунча севмоқ мумкинми?
Мумкин экан, мана менинг қалбимга
Бир бор қаранг, ўрлаб ётган тутунми?

Сизни кўрмаганман, кўрмай туриб ҳам,
Куйди, куйганидан афсусланмай дил.
Нахотки, армонга аланар дийдор,
Синмоқда кўнгилнинг ойнаси чил-чил.

Сизни кўрмаганман, кўрмоқ илинжи
Шунчалар умидвор этмоқда мени,
Не қилай шу юрак, шу ҳислар билан
Айтинг, яна қанча кутаман энди?

Сизни кўрмаганман, кўрмай туриб ҳам
Ҳар қанча азобни кечириб бўлдим,
Мен Сизни кўрганман ахир тушимда,
Ҳеч бўлмаса бир бор тушимда кўрдим!

Сизни кўрмаганман... Сиз ҳам шу ўйда,
Биламан, аммо не қийнайди Сизни?
Нахот, тақдир ўйин қилиб ўйнайди
Икки ёнга отиб пок севгимизни.

Мана, кулиб тушган сувратинг,
Ўшанда кўп бахтли бўлгансан.
Мендан рухсат сўраб ўтирмай
Юрагимга кириб келгансан.

Ўша кунлар мен ҳам шод эдим,
Бахтли эдим сендан ҳам кўпроқ.
Олис йиллар оралигида
Қолиб кетди биз юрган сўкмок.

Ўша йўлда қолди бахтимиз,
Қувончлару ширин ташвишлар.
Тақдирда бор экан, на илож
Бошимизга тушган бу ишлар.

Эслайсанми, ўша дамларда
Кўп нарсани орзу қилардик.
Ёмонлардан қилардик хазар,
Яхшилиқни бахт деб билардик.

Йиллар ўтди, бегона йўллар
Бизни олиб кетди олисга.
Тортинамиз ҳозир негадир
Ўша кунлар томон боришга.

Мана, кулиб тушган сувратим,
Ўшанда кўп бахтиёр эдим...

Эсимда янги ой... эски тупрок йўл...
Менинг хаёлларим шундай бетартиб.
Бир зумда ёнимга келасан, хатто
Бир зумда кетасан ёдимдан чикиб.

Бугун ҳам дилимни эзди қадаминг,
Севиндинг юзинга қизил югуриб.
Бағри тош кўчага қадам босмадинг,
Яшил майсаларнинг устидан юриб.

Туриб-туриб раҳмим келди ўзимга,
Фуруринг инсофга кела олмади.
Сени кўриб туриб, кўрмаяпман-ку,
Иккита кўзимда ишонч қолмади.

Нимадир оқяпти киприklarимдан,
Не қилай соғинчнинг кўз ёшларини?
Раббимизга қарши қўймоқчимизми
Бизлар ишқимизнинг пайғамбарини?

* * *

На бир дард бор, на бир қувонч бор,
На шубха бор, на бир ишонч бор,
Бу туйғунинг исми ҳам йўқдир,
У юрагинг куйдирган чўғдир.

У калбингда бир ўтни ёқиб
Сўнгра кулин кўкка совурган,
Ғанимингга ўхшаб кетади
Сен йиғласанг, қувониб турган.

Сени узоқ алдаган қайғу
Дард эди, мотамга айланди.
Севги деган бир гўзал туйғу
Охир бориб ғамга айланди.



КУЛИШГА ҲАҚҚИНГ БОРМИ?

Бугун шодон куляпсан,
Кулишга ҳаққинг борми?
Бошқалардек бепарво
Юришга ҳаққинг борми?

Борми сенда шу дардни
Кечирмокқа бир сабаб,
Ё гапирмай, индамай
Туришга ҳаққинг борми?

Ўзинг бошлаган йўлнинг
Яримдан қайтдинг бугун,
Бошингни тўрт деворга
Уришга ҳаққинг борми?

Ахир сен ҳам одамсан,
Сенда ҳам юрак бордир,
Бахт қасрини қўлингда
Қуришга ҳаққинг борми?

Умр экан ҳисобли,
Қил тез ҳисоб-китобни.
Энди бекорчи хаёл
Суришга ҳаққинг борми?

Сенга қандай тушунтирай
Юрагимда нелар бор,
Бунда ҳар нарса арзон,
Бунчалар қиммат дийдор.

Тош йўллардан юраман,
Юравериб зерикдим.
Ойдан ойдин бу йўлга
Сени кўргани чикдим.

Сенга қандай айтаман
Юрагимда нелар бор,
Кўнглим тўлиб турганда
Насиб қилмайди дийдор.

Дунё нега тесқари,
Нега бунча кенг дунё?!
Бир лаҳза қувонч қайда,
Минг лаҳзага тенг дунё.

Нолимайман тақдирдан,
Бандаман, нима дердим.
Лекин мен ҳам энг бахтли
Одам бўлмоқчи эдим...

Мук тушиб ёзасан, ёзаверасан,
Кўнглингни ёзолмай бўласан халак.
Шу лаҳза сувдамас, бошқа жойдамас,
Қалбингда айланар кўхна чархпалак.

Тўзғитиб ташлар у хотираларни,
Яна безовтасан, тинчинг йўқолар.
Ҳайратга тушасан, нега сен эмас,
Йиғлайди бошингга тушган савдолар.

Бир таниш киёфа жилмайиб кўяр,
Олисда мунғайиб туради севгинг.
Шу пайтда ўт кўйиб тиканзорларга
Негадир ёнига келади кетгинг.

Лекин нимагадир бундай қилмайсан,
Ҳатто койимайсан энди тақдирни.
Биласан, тупроққа олиб кетасан
Қалбингга беркитиб қўйган бу сирни.

Тун бўйи ёзасан, ёзаверасан,
Кўнглингни ёзолмай бўласан халак...

Эй ШАМОЛ!

Эхтимол, уни кўргансан...
Айтақол, хушхабар олиб келдингми?
Қайларга кетгандинг менга айтмасдан,
Йўл азоби оғир, толиб келдингми?

Кўзимни кўзлайди бешиктебратар,
Худди у келмаса ташвишим камдек.
Мана бу мажнунтол менинг сирдошим,
Сочлари бўйнимдан бўғади ғамдек.

Жонимнинг кадрили билмоқчи бўлсам,
Кимлардир кўролмас фароғатимни.
Йиллар ёшимга ёш кўшаверади
Синамоқчи бўлиб садоқатимни.

Кечроқ ювиб, дорга осилган кирдек
Бу сахар сабримнинг ёноқлари хўл.
Номамни оқкўнгил одамга етказ,
Шу сафар кўнглимнинг қалдирғочи бўл!

Сўзиммас, ўзимман ранги сарғайган,
Ҳазинман инграган овозга ўхшаб.
Сўнги дам оловда юзимни ювдим
Ёниб тугаётган қоғозга ўхшаб.

Тутоқиб юрмасин ранги сомон ҳам,
Шу гал ёнсин, кейин кул бўлсин, майли.
Асирману, у ҳам басир эмасдир,
Кўнса кул, кўнмаса гул бўлсин, майли.

Ахир айтарларку тенг тенги билан,
Зўрга ўхшамайман, фақат зорим бор.
Тўлқинли денгизда балиқ тутувчи
Тўрга ўхшамайман, дилда орим бор.

БҮЛДИ...

Бари унут бўлди бир дакикада,
Сен кулдинг, йиғласа йиғлади меҳр.
Нега заҳар томар табассумингдан,
Бу қандай жодудир, бу қандай сеҳр?

Кимларгадир текин томоша тайёр,
Рост экан қулоққа чалинган гаплар.
Бир қараб жонимни олгувчи айёр,
Ёлғон чиқди зорлар, ялинган гаплар.

Қайғулар панада дийдорлашишди,
Менингчи, кўксимдан қўлим тушмади.
Палахмондек бардош бошимга тушди,
Юрагинг томонга йўлим тушмади.

Интиқ бўлиб шуни кутганмидим, ох,
Қисмат, кўргулигинг бир антиқада.
Мен ҳеч кимни бундай соғинмагандим...
Бари унут бўлди бир дакикада.

Ярим йўлга етдим, ярим йўлдан,
Ёнингга бормоққа эмасман интиқ.
Истасанг, мендан ҳам ғурурли бўлгин,
Истасанг, раҳм қил, кўришгани чик!

Мени қўй, қўй мени эслаб, йиғлама,
Кўз ёшингни ичга ютиб чарчагин.
Юлиб ташлолмасдан аҳволим забун
Мен ҳам юрагимнинг битта парчасин.



Ташқарида кенг осмон,
Ичкари – худди зиндон.
Куш сифмаган қафасда
Яшайверади инсон.

Ана, тумонат одам,
Ҳаммада бир нарса кам,
Тўғри, нотўғри қадам
Ташлайверади инсон.

Баланд тутар ўзини,
Тушунмайсан сўзини,
Баъзан икки кўзини
Ёшлайверади инсон.

Юмуш кўп, тирикчилик,
Баъзида шерикчилик,
Дўсти бўлса яхшилик
Ризқин теради инсон.

Олгани кўп Худодан,
Топгани кўп дунёдан,
Бир кун топган-тутганин
Қайтиб беради инсон.

Қилолмас тарки одат,
Дўст бўлмаса қаноат,
Бўлмаса ҳам саломат
Чидайверади инсон.

Вафоли ҳеч нарса йўқ,
Хато ишларимиз кўп,
Кўзига суқсалар чўп
Чўпга суянар инсон.

Банда бўлгани билан
Такдирга бермайди тан.
Яратган Эгасидан
Қачон уялар инсон?

Нега тушларимга кирасан, ахир...
Сени унутганман йиғлаб эрта... кеч...
Ахир иккимизни алдади тақдир,
Мен сендан кечганман, сен ҳам мендан кеч!

Мени эсламагин, энди мени... қўй,
Қўйгин, юрагимни ўтга ташлама!
Ярми гўзал орзу, ярмиси армон
Ёлғон эртагингни яна бошлама!

Тушун, қуёш билан гаплашмаяпман,
Гаплашмай қўйганман дарахтлар билан.
Ҳатто кўнглим билан дардлашмаяпман,
Қандай юзлашаман энди сен билан?!

Мен билан хайрлаш! Энди... мен... билан...
Бу дунё ҳақида сўзлаш ортиқча.
Вужудим – бир зиндон, унинг қаърида
Ётар юрак деган сирли сандиқча.

Рост сўзни сўзлаган нигоҳларимни
Йиғлаб жазоладим уйқусиз тунлар.
Суйиб эркалайман гуноҳларимни,
Барибир чиройли эди у кунлар.

Мен ўз юрагимни ўтга ташладим,
Унинг ёнишини кўриб, севиндим.
Бахтли кунларимни соғинганимда
Армон нелигини тушундим, билдим.

Ёниб яшашимни кўриб, дедилар:
«Тўхта! Нега бунча куйиб-пишасан?
– Улар кимлигимни билмас эдилар...
Мингта жонинг йўкку, ахир, биттасан!»

Мен мовий осмонни севиб қолгандим,
Куйдирма қуёшни яхши кўрардим.
Менинг дунё билан ишим йўқ эди,
Шу хаёлим билан бахтли юрардим.

Кўзим ёшларига кўмиб ташладим
Оловга ўхшаган туйғуларимни.
Мен ўз ҳаётимни ўтга ташладим,
Кулга айлантирдим орзуларимни.



ШОИР

Осмон тинмай шеър ёзаяпти,
Дурдек сўзлар тўкилар ерга.
Дилимдаги безовта хислар
Нимагадир сиғмайди шеърга.

Ёлғизоёқ йўлдан юраман,
Ён-атрофга махлиё бўлиб.
Қор учқунлаб, тушар изимга
Менинг ёлғиз юрганим кўриб.

Баланд бўйли таниш дарахтлар
Термулади бу манзарага,
Тошли йўлдан юриб, зерикдим,
Кетиб қолгим келар далага.

У шеър ёзар зўр илҳом билан,
Мени қойил қилмоқчи гўё.
Мен индамай кетиб боряпман,
Унга таслим бўляпти дунё.

Тўрт томонни оқликка буркаб
Осмон тинмай шеър ёзаяпти,
У ҳам менга ўхшаб, тинч эмас...
Шу дард дилимни эзаяпти.

Ана, икки севишган юрак
Қараб тўймас бир-бирларига.
Улар бугун алишмас қорни
Бу дунёнинг дуру зарига.

Ёдга тушар олис хаёллар,
Хаёл мени этади мажнун.
Мен ҳам бахтли бўлишим керак
Бу дунёда яшашим учун.

Шўхликлари сизмай ичига
Қор отади қизларга кимдир.
Балки, менга эргашган оқ қор
Қадр излаб юрган севгимдир.

Балки, у ҳам мендек безовта,
Дилидагин айтолмай ҳалак.
Уни сўзсиз тушуняпману
Нимагадир ўртанар юрак.

Мен ҳам бир тўп дурни ховучлаб...
... охир таслим бўламан... қойил!
Шикоятга, баҳсга ўрин йўқ,
Бугун осмон энг яхши шоир!

ИШОНЧ

Туни билан уйқум келмади,
Тонгга яқин кўзим илинди.
Бугун уни қаттиқ соғиндим,
Бугун унинг ўрни билинди.

Мен кўп кутдим, чиқмади қуёш,
Эсимдан ҳеч чиқмайди-да у.
Юрагимга сиғмайди қуёш,
Менинг бор-йўқ ташвишим ҳам шу.

Куним қандай ўтди, билмадим,
Билолмадим ким эканимни.
Кўникдим деб ўйлаган эдим
Ҳанузгача жим эканимни.

Мен жимгина хаёл сурдиму
Нимагадир сесканиб кетдим.
Қачон менинг кадрим билди у,
Қачон унинг кадрига етдим?

Ишонаман, гўзал тонг отар,
У ёнимга келади кулиб.
Шунда... бахтли бўлганимни бахт
Кузатади бир четда туриб.

Неча кунки, ҳаловатим йўк,
Бахорману тароватим йўк.
Гоҳо узун тунлар бедорман,
Беморману ҳароратим йўк.

Ўз холимга ўзим ҳайронман,
Изларингни излаб, сарсонман,
Юракдаги музлари эриб,
Тўлиб-тошаётган уммонман.

Ўй сураман, ўйлаб, тинмайман,
Бахтли, бахтсизлигим билмайман.
Билмам, қачон шодон яшайман,
Хаёлнинг гапига кирмайман.

Кўзларимни чорлайди уйқу,
Жавоб тополмам саволимга.
Қачон армон йўлим пойламай,
Ҳавас қилар бахт-икболимга?

Офтоб билан ой гапирмаса,
Тўхтаб турсин осмон билан ер.
Туни бўйи тинч қўймайдиган
Тушларимни тушунтириб бер!

* * *

Оёк узатаман кўрпамга қараб,
Ўзим истагандек яшамайман мен.
Сохта табассумим томоша қилма,
Менинг кимлигимни билмайсанку сен!

Ўтинаман, энди савол бермагин,
Барибир айтмайман жавобларини.
Истасанг, биз бирга ўтга ташлаймиз
Бу дунёнинг ҳамма ниқобларини.

Фақат, алдамайлик бир-биримизни,
Ўзинг айтган гапга ўзинг ишонгин.
Мен ҳеч айбламайман тақдиримизни,
Чиндан ҳам бахтли бўл, чиндан қувонгин.

КЎЗТУ

Сенинг кўзларингдан топдим ўзимни,
Не қиларим билмай, ёпдим кўзимни.
Кўзим очган замон аксимни кўрдим,
Ёнимдаги одам сенми? Ўзимми?



Ўша куни қуёш бошқача эди,
Бизни кўп сийлади кетгиси келмай.
Кўнглим кўп ўртанди, бир сўз демади
Сирларини ошкор этгиси келмай.

Вақт эса, вақт толнинг шохига чиқиб,
Унинг баргларини тўкиб ташлади.
Бизни қайта бирга кўрмади офтоб,
Бегона шамоллар эса бошлади.

Дарахтлар мунғайиб қарар кўчага,
Бир йўлдан юрмади қадамларимиз.
Дунё – ишқ, биз унинг хижрон фаслида
Бир-бирин соғинган одамларимиз.

Япроқлар тўкилса, куздан даракми?
Бизга шу аҳволда яшаш керакми?
Муҳаббат юртининг кўкламларини
Кўргиси келмаган юрак юракми?!

Биз кутсак, кўп кутсак, куларми қуёш?
Бизнинг кимлигимиз биларми қуёш?
Бир куни туманли аро йўллардан
Дийдорни етаклаб келарми қуёш?

ЎХШАШ ТАҚДИРЛАР

Дарахтлар экдим мен, дарахт бўлай деб...

Ойгул Суюндиқова

Дарахтлар дардини тинглаганмисиз,
Уларнинг қалбини англаганмисиз,
Бир бор ташвишларни унутиб, яйраб,
Улардан содик дўст танлаганмисиз?

Хорғинсиз, жудаям ташвишингиз кўп,
Овора бўлманг ҳеч шифокор излаб.
Хотиржам бўласиз, енгил тортасиз
Кадрдон дарахтга дардингиз сўзлаб.

Дарахтлар бағрида шундай кенглик бор,
Улар индамайди, жимгина тинглар.
Инсонни инсондан кўпроқ тушунар,
Инсонни инсондан теранроқ англар.

Эсланг, баҳор фасли қандай чиройли,
Гулдан пояндозлар тўшайди боғлар.
Ёзда сахий бўлар, кузда хаёлчан,
Қишда нуронийга ўхшайди боғлар.

Алмашиб туради боғда тўрт фасл,
Тўрт фасл ўхшайди инсон умрига.
Ҳар нега чидайди, дош берар аммо...
Дарахтлар чидолмас инсон зулмига.

Дарахтларга боқсам, яйрайди кўнглим,
Улар билан суҳбат қуриш мароқли.
Сокин боққа кирса, йиғлайди кўнглим,
Англагандай бўлар қорани, окни.

Тушунгандай хаёт хақиқатини
Турибман хайрона, кўзларим тинган.
Мағрурлиги учун, мардлиги учун
Азим дарахтларга болта урилган.

Ўйимга бошқа бир сўз келмайди ҳеч,
Бир хаёл мени ҳеч тинч қўймайди, тинч!
Нега шундай бўлар, нимага шундай?..
Юракни кемириб борар бир ўкинч.

Тўғри-да, дунёнинг ишлари қизик,
Мевали дарахтни кесмайди боғбон.
Негадир мевасиз дарахт бўлса ҳам,
Орзуга талпиниб яшар ҳар инсон.

Бежизга табиат она дейилмас,
Билмаймиз-да унинг асрорларини.
Шундаймиз, гоҳида дўстимизга ҳам
Айтолмаймиз кўнгил изҳорларини.

Хаёлчан кезаман дарахтзорларни
Дунёнинг сеҳридан карахт бўлай деб...
Бир кун мени мендек англашар дея
«Дарахтлар экдим мен, дарахт бўлай деб...»

УЧРАШУВ

Бир яхши одамни учратдим,
Кўзлари кундуздек порлаган.
Самимий табассум қилиши
Офтобни ёнига чорлаган.

Балки, бу нигоҳлар ортида
Мен билмас қайғулар яширин,
Эртага не бўлар, билмаймиз,
Билмайди ҳеч одам тақдирин.

Кўрқаман одамлар меҳридан,
Меҳрига минг миннат сингиган.
Менинг бу гапимни эшитиб,
Қанчалар дўстларим ранжиган.

Тўғриси, одамлар ғалати,
Самимий меҳрни излайди.
Ўзига керакли одамга
Меҳрини беришни билмайди.

Хайронман, бу қандай дунёдир,
Бахт излар бахтини топганлар.
Уйидан ҳаловат топмайди
Кўчага меҳрини сочганлар.

Билмайман, билсайдим, айтардим
Не туйғу ёнимга чорлаган.
Билганим – у яхши, самимий,
Кўзлари қуёшдек порлаган.

У одам берилиб сўзласин,
Тинглайин сўзини бўлмайин.
Худойим, ўтиниб сўрайман,
Мен ундан ёмонлик кўрмайин.

Дўст бўлдим, бир яхши дўст топмай,
Неча бор юракни йиғлатдим.
Ахир мен талотўп дунёнда
Бир яхши одамни учратдим.



ОРЗУ

Негадир ёнингга боргим келяпти,
Нимагадир сени кўргим келяпти.
Соғинчлар йўлимга поёндоз солди,
Билолмадим менга нима бўляпти.

Ёниб тугаётган шамча кадрим йўк,
Сенга айтгулик бир гапим, дардим йўк,
Факат, кўзларингни кўргим келяпти,
Сабрим йўк, негадир ҳозир сабрим йўк!

Турғун нима бордир ўзи дунёда,
Факат юракдаги туйғулар ростгўй.
Не бахтки, ўткинчи исёндан кечдик,
Балки, бизга таниш қайғулар ростгўй.

Не бахтки, саждага етди бошимиз,
Дилдаги аламлар тўкилиб кетди.
Сабрим тўкиб берган олтин қафас ҳам
Ҳозир чок-чокидан сўкилиб кетди.

Кўнгилнинг ишига тушунмай колдим,
Бир чеккада колди дунёнинг иши.
Кимдир гўзал бахтни башорат қилар,
Тинмай айланади фалак гардиши.

Бу хис нелигини бир Худо билар,
Бир сен биласану бир мен биламан.
Бахт қасрида яшаб, хотираларни
Унута олмасам нима қиламан?!

Ҳар кун йўлларингга пешвоз чиқади,
Осмонга кўнглимни ёргим келяпти.
Анхор бўйидаги серсоя, маррур
Дарахтга айланиб колгим келяпти.

**ЎЗИНГИЗНИ
АВАЙЛАНГ**



Ҳеч нарса йўк, ҳеч нарса йўк, ҳеч нарса йўк,
Фақат Сиз бор, фақат Сиз бор, фақат Сиз бор!
Кўнглингизнинг кулбасида бир дарча йўк,
У зиндонда, у зулматда битта киз бор.

Жонга тегар бу ҳаётнинг бебошлиги,
Аллақачон бу дунёни унутганмиз.
Не сўрасак, ол, қулим, деб берар Худо.
Нимага биз ўзимизни дўст тутганмиз?

Ишқни чуқур бир қудукқа ташляпмиз,
Бир кун уни тортиб олиш амри маҳол.
Яратганга дўст бўлишни эпллмадик,
Яратганнинг ўзи бизга дўст эҳтимол.

СОҒИНЧ...

Оёғим остида йиғлайди хазон,
Бошимда ўксиниб йиғлар дарахтлар.
Бугун ҳам кимнидир қувонтиради
Биз йиллаб орзулаб етмаган бахтлар.

Майли, ҳамма одам бахтли яшасин,
Уларнинг бахтига кўз тегмасин ҳеч.
Ҳеч бўлмаса умр ўткинчилигин
Шу бугун эслайлик, кеч бўлмасин, кеч

Бизни кўп сийлайди ранимат дамлар,
Қадамлар оҳиста, нигоҳлар маҳзун.
Билмадим, Сиз учун нима муҳимрок,
Негадир ёдимдан чиқмайсиз бугун.

Ўзи Сиздан бошқа кимим бор менинг,
Кимни қизиқтирар менинг ўйларим.
Қуёшни орзулаб, осмонга етмай,
Барвақтрок эгилди менинг бўйларим.

Ўзимча ўйладим – умр югурук,
Яна ҳаётимдан изладим маъно.
Айтинг, нима қилай, соғинчингиздан
Бошқа ҳамма нарса бўлса бемаъно?!

СИЗ БАХТЛИ БЎЛСАНГИЗ...

Сиз бахтли бўлсангиз, кетаман кулиб,
Бахтли бўлмасангиз, йиғлаб кетаман.
Кўнглимиз интилган манзилга
Сиздан ҳам аввалроқ етаман!

Биз билган, билмаган туйғулар,
Биз чеккан, чекмаган қайғулар,
Биз етган, етмаган орзулар
Фаркига бир куни етаман.

Сизни ҳам, мени ҳам алдаган
Дард яна кимларни алдайди?
Бахтсизлик, бахт берган кунлар ҳам
Ҳеч қачон орқага қайтмайди.

ҲИЖРОНЛАР – АЗОБЛАР – СОҒИНЧЛАР...

Барибир топмайди нихоя.
Сиз мени мен Сизни билгандек
Тушуна олсангиз кифоя.

КЕЛМАДИНГУЗ...

Худойимдан сийратингизни
Сўраб борсам бошимни эгиб,
Ёниб кетди-ку сувратингиз
Юрагимнинг чўғига тегиб.
Энди нима қиламан, айтинг?
Қайтинг ахир, кўнгилга қайтинг!
Қайтмасангиз ёмон бўлади,
Рангу рўйим сомон бўлади.
Остонамда турган азоблар
Ҳаммаси мен томон бўлади.
Шундай бўлса яхшими, айтинг?
Айтмасангиз, бу йўлдан қайтинг.
Кимларгадир ёмонлик керак,
Кутган дилга омонлик керак,
Менга эса шодонлик керак,
Қайтинг, ўтган кунларга қайтинг,
Кўнгил учун келдим, деб айтинг!

Иғволарни тинглаб ўтирманг,
Илдам кадам ташлаяпсиз-ку,
Кўп гапирманг дунё ҳақида,
Юрагимда яшаяпсиз-ку!

Бундан ортик бахт борми, айтинг?
Орзуларга ишонамиз-да!
Ҳаққа қарши жанг қилармидик
Бахт сизмасе пешонамизга.

Нахот ўша тўрт ҳарфли сўз
Тўрт фаслдек эсламас бизни?
Нега бўғиб ўлдираяпсиз
Айтилмаган сўзларингизни?!

Хотиралар ямоқ тўн кийиб
Ер юзини хароб қилади.
Бу гапларни шум қисматимиз
Ёстикдек бир китоб қилади.

Ёниб кетди биз юрган йўллар,
Кўнглимиз ҳам кул бўлди, майли,
Қил кўприкда омон юрибмиз
Тангрининг тухфаси туфайли.

Ташвишларни эслаб ўтирманг,
Илдам кадам ташлаяпсиз-ку,
Кўп гапирманг дунё ҳақида,
Юрагимда яшаяпсиз-ку!

СЕЗМАДИНГИЗ...

Бармоқларим куйиб кетди, куйиб кетди,
Сезмадингиз...

Кўрган эдим силкиётган қўлингизни
Кетаётиб...

Кетаётиб, сезмадингиз...

Ёноқларим ивиб кетди, ивиб кетди.

Янглишдимми, адаштирдим йўлингизни.

Баъзан шовқин, баъзан сокин кўчаларда

Нигоҳларим излайверар кўзингизни.

Сезмадингиз...

Юрагимга экиб қўйдим сўзингизни.

Шундан буён дил боғини кезмадингиз,

Ҳижрон дилни абгор этди,

Дил дардини ошкор этди,

Сезмадингиз...



Ҳавасим келади, Сиз шеър ёзасиз,
Сиз яна бедорсиз ярим тунда ҳам.
Ўтмиш китобини ёқолмай ҳайрон,
Липпиллаб турибди қисмат деган шам.

Ҳавасим келади юрагингизга,
У дўст бўлолмаган қайси дард қолди?
Сиз узоқ ўйлайсиз бир сўз устида,
Шу сўз кимлигимни ёдимга солди.

Хиёбон. Қон кечиб келинган кўча,
Кейин... ойлар соя солган ўриндик...
Мана, изимизни соринган гўша,
Шукур! Минг бор шукур, омон кўриндик.

Ҳавасим келади бардошингизга,
Улгурмабди Сизни алдашга ғамлар.
Гул тутган кўнглингиз титраб кетяпти,
Бунга парво қилмай ўтар одамлар.

Ҳеч ким ҳис қилмайди, ҳеч ким сезмайди,
Бунга ҳеч бир изох керакмас, балки.
Энди ҳеч ким биздек дунё кезмайди,
Бу дийдорга гувоҳ керакмас, балки.

НАЧОРА...

Начора... мен бечора,
Сиз бечора, начора...
Ўра бор ўртамизда,
Кунлар, ойлар оввора.

Узр, минг бора узр,
Сезмасдан хафа қилсам.
Сиз кўркманг, кўзингиздан
Ўмғир бўлиб ёғилсам.

Етар, бўйим етмаган
Девордан бўйламайман,
Энди... ёмғир ёққанда
Мен сизни ўйламайман.

Бир-биримизга айтмай,
Хаёлда чора туздик.
Балки бегоналикдир
Мана шу чорасизлик.

Тоza туйғуларингиз
Уволидан кўрқаман.
Биз кўрмаган дунёнинг
Саволидан кўрқаман.

Сиз билмайсиз, бир кунда минг тўлғонаман,
Соғинч — олов, тафтида лов-лов ёнаман.
Меҳр тўла кўзингизни ўнгимдамас,
Тушларимда кўрсам ҳам кўп қувонаман.

Яшаяпман, шунисига шукр, дейман,
Ошиқ аҳлин кўрган кунни шудир, дейман,
Яшаяпсиз бир ҳаводан нафас олиб,
Шу кунларни кўрсатганга шукр, дейман.

Мен биламан, ушалмайди тилаккинам,
Шунданми кўп ўртанади юраккинам.
Шу одамнинг тириклиги биз учун бахт,
Не қил, дейсан, юраккинам, мурғаккинам.

Зийнатларга тўла хаёл салтанати
Бугун хижрон довулида афтодаҳол,
Нима бўлди, қуёшимиз қайга кетди?
Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам бирдай аҳвол.

Мен ҳар кунни икки қушни кузатаман,
Дарахтзорда қўшиқ айтиб, сайр қилар.
Дийдор билан учрашгунча ўйларимиз
Кўчаларда дайдиб-дайдиб сайр қилар...

Мен бугун энг гўзал туйғуларимни
Ҳады қилмоқчиман юрагингизга.
Бир бошдан айтаман оху зоримни
Сизга, Сизга, Сизга... ҳа, фақат сизга!

Фақат сиз унутманг орзуларимни,
Фақат сиз кўнгилга қул бўлиб яшанг.
Унутсангиз мендай кўнгли яримни
Бахорсиз йилларда гул бўлиб яшнанг.

Яшнанг, яшнаб яшанг, сиз юрган йўллар
Кўз ёшим сувида томоқ хўлласин.
Яратган эгамга муҳаббатимиз
Бизнинг номимиздан мактуб йўлласин.

Оловлар ичида ўртанаяпман,
Ўртаниб яшашга ўрганаяпман.
Нега бармоқларим кун санамайди,
Нега кун ўрнига пул санаяпман?

Одам ҳам шунчалар ўзгарадими?
Одам ҳам одамдек яшасин, ахир...
Ўзим пиширган ош ўзимники-ю,
Тақдир пиширган ош бунчалар тахир?

Мен бугун энг сара қайғуларимни
Кўз-кўз қилмоқчиман юрагингизга.
Мен қурбонлик қилдим орзуларимни
Сизга, фақат сизнинг йўлларингизга.

Ўша куни бахтли эдим мен...
Қутулгандим соғинчларимдан.
Ўзинг билиб-билмай бахт бердинг
Кўнгил сўраб кўнгли яримдан.

Севинганди қадаминг тегиб
Кўзларингдек ёришган йўлак,
Кўмилганди кўёш нурига
Осмон кийган мовийранг кўйлак.

Бугун осмон қора, қоп-қора,
Йиғлаяпти бизга қўшилиб.
Менинг кўнглим – лолақизғалдоқ,
Кўз ўнгингда кетди тўкилиб.

«Нима бўлди?..» ҳол-аҳвол сўраб
Шум тақдирга ўқидинг тахсин.
Менга нима бўлганлигини
Йиғлаётган дарахтлар айтсин.

Ўша куни бахтли эдим мен...

ҲАЛОВАТЛ ҚАНИ?

Ақлим етмайдиган ишни бошладим,
Тиллаша олмадим бу туйғу билан.
Тунда, оғзи очик дарча ёнида
Хафалашиб қолдим мен уйқу билан.

Чик... чик...

чик... чик...

чик... чик...

Соат гапиради, мен индамайман,
Ташқарида шамол қилади зарда.
Кимнидир қўл силкиб чақира бошлар
Эшикнинг бўйнига осилган парда.

чик... чик...

чик...чик...

Чинорнинг шохлари титраб кетади,
Рақсга туша бошлар бир ёлғиз япроқ.
Бутун вужудимни ишғол этади
Юрагимга кира бошлаган титроқ.

Титраяпман тоза ҳавога тўймай,
Соат эса, тинмай гапираверар.
Мудраб бораётган кўзни тинч қўймай,
Кўнглим нимагадир талпинаверар.

Чик... чик...

Олтинчи қаватда турибман ўзи,
Қайга бошламоқчи бу нотаниш йўл?
Кун бўйи ювинган ёмғир сувида,
Таниш кўчаларнинг кўйлаклари ҳўл.

Атрофда мунғайган чироклар махзун,
Жонимни ардоқлар ҳаловатғўша.
Дилимда умидбахш бир туйғу мажнун,
Қичкирар: Келяпти... хув ана, ўша!

Эшитилмай қолди соатнинг сўзи,
Унутиб юбордим ҳамма нарсани.
Бир бегона шарпа кўрингач эса,
Тўполон бошланди, ҳаловат қани?

Яна нимагадир сизни соғиндим,
Оғриниб-оғриниб оғриди юрак.
Энди кўрмоқ қайда, кўришмоқ қайда,
Куйишдан бошқани билмасам керак.

Яна нимагадир ичикди кўнгил,
Кўн, десам, кўнмайди кўргуликларга.
Умримнинг куз билан қишини ташлаб,
Чиқиб кетсаммикин узоқ сафарга.

Қаёққа борардим ўзимдан кечиб,
Кўзимга чиройли кўринса қуёш.
Биламан, кимнидир севинтиради
Кипригимда қуриб улгурмаган ёш.

Топганини ерга тўқди қари нок,
Тагин танасини қурт кемиради.
Баъзида чинорга хавас қиламан,
У отам кирмаган ёшга киради.

Кунларни томоша қилиб чарчадим,
Қаёққа қарасам, туғилиш... ўлиш.
Гулдек гуллаб-яшнаб яшаш яхшику,
Алам қилар экан эртароқ сўлиш.

Баҳор! Ёз... бу кузни кўриш ғалати,
Кўзимдан тўкилиб кетяпти барглар.
Кўпни кўрган шамол бир қўшиқ айтса,
Силкиниб-силкиниб йиғлар дарахтлар.

* * *

Кўрганларим туш бўлсайди,
Туш бўлсайди, ишонмасдим.
Менинг кўнглим тош бўлганда
Балки, шунчалар ёнмасдим.

Кўрганларим туш эмасу
Кўплар кўнглимга отган тош,
Юрагимга чўкиб кетган
Кўзларимга ботган қуёш.

Ўтмишимни куйдиради,
Бугунимни куйдиради,
Уйқу бермай кечалари
Жонимдан ҳам тўйдиради.

Дилдан тониб яшаяпман,
Кўп қувониб яшаяпман,
Битта сирни билмайсиз сиз,
Фақат ёниб яшаяпман!



Биров билди, биров билмади
Кўзингиздан ёш окқанини,
Бой томонга бой боққани-ю,
Сой томонга сой окқанини.

Умрим дарё бўлса, мен кимман?
Юрагимни сув босиб кетди.
Ким кимни кўп зор этди бугун,
Кимдир орзу-ҳавасга етди.

Дардлашайин айтинг, ким билан?!
Ёлғиз қолдим юрагим билан.
Остонага қараб йиғладим
Гулдек тоза тилагим билан.

Кафтларимни дуога очсам,
Тилакларим тўкилиб кетди.
Санчилди-ю, гулнинг тикони
Юраккинам эзилиб кетди.

Оёқ ости қилиб аҳдимни
Орзуимдан этдингиз жудо.
Дунёсига сирмайман энди,
Нега сизни кўп кўрди Худо?!

Биров билди, биров билмади
Кўзларимдан ёш окқанини.
Бой томонга бой боққани-ю,
Сой томонга сой окқанини.

Билмаганим яхши эди, билиб қўйдим,
Билмай туриб катта хато қилиб қўйдим.
Орзу деган улкан қаср пештоқиға
Юрагимнинг тақвимини илиб қўйдим.

Юрагимнинг тақвимида байрамлар кам,
Байрам ўтса, меҳмон бўлиб келади ғам.
Бу одамлар эртақларга ишонмайди,
Осмонларга учолмайди учар ғилам.

Очилмайди энди очил дастурхон ҳам,
Бегонага хатто кўнгил ёзиб бўлмас.
Халқ айтгандек: беғам одам семиради,
Озғинликда қайта-қайта озиб бўлмас.

Кимдир дардни бир чеккага қўйгин, дейди,
Кимдир бахтнинг дийдорига тўйгин, дейди.
Қувалашиб ўтаётган кеча-кундуз
Кел, меҳрингни қурбонликқа сўйгин, дейди.

Кеча кунни кеч қилгунча ўйлагандим,
Куйиб кетган кўнглимни тинч қўймагандим,
Бир ҳақиқат нафасимни сиқиб қўйди,
Шу вақтгача қай овозда қуйлагандим...

Наҳот, бугун куйларимнинг авжи ўзга,
Дилдаги дард денгизининг мавжи ўзга,
Қутичадек тор хонага сиғмаяпман,
Ўз азамда ёлғиз ўзим йиғлаяпман.

Билмаганим яхши эди, билиб қўйдим,
Билмай туриб катта хато қилиб қўйдим.
Юрагимда юрган соат милларига
Янги йилнинг тақвимини илиб қўйдим.

Сиздан нима қолди, бир қучоқ кайғу,
Ошиб борса битта рамгин шеър.
Бахтли бўлишни ҳам қилмовдим орзу,
Буни сезиб қолди осмон билан ер.

Еттинчи фалакда учмайман энди,
Энди мен ерга ҳам сиғмайман.
Ўтган кунларимни бағримга босиб,
Қалбимни қучоклаб, йиғлайман.

Девона туйғулар ҳаққа тиланар,
Мен учун бахт нима, мен ўзим бахтман.
Бир пайтлар сув оққан ариқ ёнида
Қуриб бораётган мажнун дарахтман.

Қуёшнинг тафтида куйиб битгунча
Тўлғониб яшамоқ осонми?
Кимлигим унутиб бўлгунча
Кўнглимни сўраган армонми?

Андухми, аламми, фарқи йўқ,
Юрагим – беозор мусича.
Кунларим – ёсуман кампирнинг
Қўллари етмаган қутича.

САҲАРЛАР...

Соғинчининг сочлари қировли,
Қиш келди-ю, Сиз келмадингиз.
Умр – хазон тўла йўлакча,
Унда ёлғиз кетмоқда бир қиз.
Бу сўқмоқ – бошга тушган тўқмоқ
Айникса, бугун.
Яна қанча кутиш керак,
Кўришмоқ учун?



УНУТИБМАН...

Мен ўзимнинг кимлигимни унутибман,
Нега тошдек жимлигимни унутибман,
Аммо сизни ҳалигача унутмадим,
Фақатгина шу туйғуни сир тутибман.

Кетганимга ҳадемай ўн ой бўлади,
Ўртамизда оққан кўз ёш сой бўлади,
Берадиган саволи кўп, жавобим йўқ,
Нега бунча кўнгил эркатой бўлади.

Бизга нима бўлганлигин билмайсизми,
Кўнгил берсак, бевафолик қилмайсизми,
Сизга ўхшаб бораяпман, арзи холим
Айтсам, менинг аҳволимга кулмайсизми?!

Мен билмасдим соғинч олов бўлишини,
Кўнгил айтган гапга хаёл кўнишини,
Жонга яқин жондошимдек соғиняпман,
Юрагимнинг битта эски танишини.

Неча кунки, хаёлимни тўзғитаман,
Кўринмайсиз, кўзим тиниб кўз тикаман,
Ўзанига сизмай оққан сойга ўхшаб,
Шошиламан, нимагадир энтикаман.

Сизга дардим дoston қилиб, нима қилдим,
Тўлиб-тошдим, жимлигимни унутибман.
Менга нима бўлганлигин энди билдим,
Мен ўзимнинг кимлигимни унутибман.

МУМКИН БЎЛСА...

Агар мумкин бўлса
Юрган йўлларингизда
пайдо бўлмас эдим қайта.
Қайда, эски қўшиғимни айта-айта
Қайта сўлмас эдим
Мумкин бўлса...
Агар мумкин бўлса,
Асло ўлмас эдим,
Қайта-қайта
Мўъжиза содир бўлиши учун!



Сизга нима керак, кўз ёшларимми?
Уларнинг қанчаси тўкилиб кетди,
Увол бўлди...

Кипригига қайғу осилган кўзлар
Негадир кўнглимни умидвор этди,
Меҳрим ўлди...

Кўп нарса ёзилди оқ қоғозларга,
Барини йиғсам, бир китоб бўлади.
Ўқийсизми?

Сизнинг шаънингизга битилган сўзлар
Куйган юрагимга ниқоб бўлади.
Кўрдингизми?

Ширин гапларимни севиб қолгансиз,
Ҳазилга йўясиз инжиқлигимни,
Келмайсиз...

Хар қанча ўжарлик қилганим билан,
Барибир дийдорга интиқлигимни
Билмайсиз.

Нима қилса қилди юрагим,
Жоним... жоним ёмон оғриди.
Армон тўла кўзларингизни
Кўрмаганим яхшироқ эди.

Икки фасл оралиғида
Икки дилни эзди бир фасл,
Орзуимиз осмонида ҳам
Ёмғир ёғиб турди муттасил.

Кўприк бўлди киприкларимиз,
Кўз ёш – қарвон, эринмай ўтди.
Дунёда бахт бор бўлса бордир,
Факат бизга кўринмай ўтди.

Ўтди, ўтиб кетди кўп кунлар,
Биз қувончни унутаёздик.
Айрилиқнинг бўронларига
Чидаб бўлмас кунда хат ёздик.

Йиллар ўтди, кўришолмадик,
Тасодифлар бузди тинчимиз.
Биз ҳеч қачон тинч яшолмадик,
Тушларимиз бўлди элчимиз.

Тушларимиз... тушларимизда
Баҳорларнинг бағрида эдик.
Тақдирга бош эгдик ноилож,
«Ҳаммасига кўникдим...» дедик.

Нима қилса қилди юрагим,
Жоним... жоним ёмон оғриди.
Армон тўла кўзларингизни
Кўрмаганим яхшироқ эди.

ДИЙДОР

Ўзимдан ўтганин ўзим биламан,
Хотиралар бўлди энг яхши дори.
Ошкор этолмайман интиқлигимни,
Ажойиб мўъжиза экан дийдори.

Қарайсиз, сираям ғубор кўрмайсиз
Кўз ёш чўмилтирган киприқларимда.
Сайр қилолмайди нигоҳларингиз
Соғинчинг расми бор дил дафтаримда.

Мени аллалайди бир зумлик сукут,
Куппа-кундуз кунни келади уйқум.
Тошдек тоқатимни томоша қилиб,
Сўзларим сеҳрига бўласиз маҳкум.

Гапира олмаймиз, бир сўз ортиқча,
Бир зумлик дийдор бахт ишқ ахли учун.
Ахир бу кунларни кутган биз эмас,
Ичиккан кўнгиллар учрашди бугун.

Олийгоҳ ховлиси. Ёғоч ўриндик.
Ён-атрофда чириб ётган хазонлар.
Изингизни ўпган қорга қўшилиб
Эриб кетаяпти оппок армонлар.

Юрагим томонга баҳор келяпти,
Кўклаб кетаяпти киприklarингиз.
Негадир ёнимга етиб келгунча
Нима бўлганини эслолмаяпсиз.

Ўйлайсиз, ҳеч нарса бўлмаган гўё,
Ҳеч нарса йўқ эди соғинчдан ўзга.
Сиз мени кутгандек зор икки дунё
Тилимнинг учида титраган сўзга.

Мана, ёнгинамда тўхтади қуёш!
Мен яна ҳеч нарса демадим сизга.
Ёввойи олманинг гуллари сирдош
Ўзининг исмини унутган қизга.



ЭНДИ...

Энди... бошқачарок кўшиқ куйлайсиз,
Менинг дардларимни кўшиб куйлайсиз.
Бу куйдан бўғзингиз куйиб кетади,
Биламан, бир умр жўшиб куйлайсиз.

Бу эски кўшиқни куйлаб бўлганман,
Бечора дилимни қийнаб бўлганман,
Мен... яна... эртага нима бўлади,
Ҳамма... хаммасини ўйлаб бўлганман.

Сиз юрган йўллардан юриб ўтганман,
Бошимни минг тошга уриб ўтганман,
Сиз чиндан ҳам ўйга қулми, билмадим,
Мен бир умр хаёл суриб ўтганман.

Ўтмишим, бугуним, эртанги куним...
Вожаб, фарқ қилмас кундузим, туним.
Минг шукур, сизга ҳам бегона эмас
Бору йўғим – дилга яширган сирим.
Энди...
Энди... бошқачарок кўшиқ куйлайсиз...

ТИРИК ДИДА МАКЛУБ

Ноябрь сап-сарик сочини тараб
Аста, мийиғида кулиб турибди.
Киш эса, музлаган юраги билан
Биз юрган йўлларда изғиб юрибди.

Аросатда қолиб кетган табиат
Ноилож шамолга дардини айтди.
Кишлоқда қишлашни севган лайлақлар
Менинг ахволимни кўргани қайтди.

Мен яна шаҳарга шошиб кетяпман,
Билмайман, қаерда жон сақлар улар.
Ахир айрилиқдан қочиб кетяпман,
Тугаб бораяпти яшил туйғулар.

Беркинмачок ўйнар ҳар куни қуёш,
Анови арчами тириклик ранги?
Манови ниҳоллар ҳали жуда ёш,
Шунданми сармастман, хаёллар банги.

Янги-янги кунлар келгани учун
Кўплар тақдирига бераяпти тан.
Мен билан суҳбатга ошиқманг энди,
Эринмай гаплашинг дарахтлар билан.

Мен айтмаган гапни айтади улар...

СОҒИНМАДИМ...

Соғинмадим... Гапларим ёлғон!
Сўзларимга энди ишонманг!
Мени ўйлаб оввора бўлманг,
Энди мени эслаб, қувонманг!

Нима ўзи биз ўйлаган бахт?
Бир кун уни кўрамизми биз?!
Нимагадир умидвор бўлиб,
Нимадандир қўркиб яшаймиз.

Юрагимда ёнган гулханда
Ёндираман кундалигимни.
Нимага мен ёниб эслайман
Сиздан бошқа яна... ҳеч кимни?..

Нимага мен соғинчларимни
Қоғозларга кўмиб ташлайман?
Сиримни бир Яратган билар,
Яна уни сева бошлайман.

Кейин... катта хато бошланар,
Унутишга ўхшаган хато.
Ўз ёғимда ўзим қоврилиб,
Куйганимни сезмайман ҳатто.

Сизни бахтли қила олмасдан
Тўғри йўлга қадам ташлайман.
Ҳаттоки мен икки дунёда
«Бахтсизман!» деб айтмай яшайман.

Нима ўзи, МУҲАББАТми бу?!
Уни чиндан Худо бердимиз?
Нималарни ёзаяпман ўзи,
Ўзи шундай нидо бердимиз?

Юрагимни асраб яшайман,
Юрагимни асраб, ёнаман!
Мен ДИЙДОРнинг остонасига
Мана шундай... куйиб... бораман...

Ҳайронман, зеркиш нима, билмайман,
Негадир сермазмун кўринар ҳаёт.
Бир зумда бу бахтни йўкка чиқарар
Негадир беқарор битта хиссиёт.

Зерикдим... зерикдим... мен ҳам зерикдим...
Ниҳоят сиз каби ҳаёлга толдим.
Минг турли тумандан айланиб ўтиб,
Ахийри, ўзимни учратиб қолдим.

Биламан, бу сўзни айтиш ғалати,
Ҳаёт ҳам эртакдек туюлар баъзан.
Шу сўзни айтмасам дилдаги дардни
Айтиб бўлармиди битта сўз билан.



ЎЙЛАЙМАН...

Ўйлайман... хаёлим саҳнидан
Ўтади хотира карвони.
Умримни куйдириб, кул қилар
Биргина юракнинг армони.

Биргина орзу бор дилимда,
Рўёбин кидира бошлайман.
Қудукқа ташланган тош каби
Бир тутам нур кутиб яшайман.

Сабримни синайди садоқат,
Мунғайиб қолади юрагим.
Нахотки, шунчалар имконсиз
Менинг бир покиза тилагим.

Ўйлайман... ўйлайман... ўйлайман...
Негадир йиғлайди бардошим.
Мени шу зулматда қолдириб
Қайларда юрибди қуёшим?!

Тумандай тарқайди қайғулар,
Армонлар йиғилиб келади.
Бир тоза орзум бор, у учун
Бахтиёр яшасам бўлади.

Дилимда минг битта ҳаяжон,
Бир гўзал ҳис учун яшайман.
Сизни унутмайман ҳеч қачон,
Дунёда Сиз учун яшайман!

Ҳали бир чиройли кунлар келади,
Мен куламан, Сиз ҳам кулиб келасиз.
Кулиб келишимни биласиз балки,
Балки соғинганим билиб келасиз.

Кўнглимни ололмай бўласиз сарсон,
Кечирдим!.. Йўқ! Яна... кечирмаганман...
Сизни хаёлимдан ўчирганману
Исмингизни дилдан ўчирмаганман...

Яна юрагимни абгор этаман,
Мен яна ўзимни тушунолмайман.
Осмонга қўшилиб йиғлаб кетаман,
Тушунинг... мен... шунинг учун... қолмайман!

Унутдим! Йўқ! Яна... унутолмайман...

Кўнглимнинг кўчаси ғарибдан ғариб,
Ҳадикларни четга суриб келасиз,
Бир куни бир қучок гуллар кўтариб
Яна юрагимга кириб келасиз.

*«ЎЗИНТИЗНИ
АВАЙЛАНТ...»*

*Менга бир яхши одам
шундай деган эди.*

Мен ўзимни ҳалиям
Авайлаб яшаяпман.
Бошқа ишим йўқ менинг,
Атайлаб яшаяпман.

Бир кадамимга боғлик
Ҳаётимнинг мазмуни,
Сўроқ қилар умримнинг
Кечаси-ю, бугуни.

Эртага нима бўлар?
Шу саволдан кўркаман.
Олдинга ё орқага
Ўтганим йўқ, ўртаман.

Ҳаёт қарвони эса
Ўтар қўнғирок чалиб,
Ўлиб кетгим келмайди
Оёқ остида қолиб.

Арзон пулга сотмайлик
Бизлар меҳру вафони,
Орқалаб кетармидик
Бу беш кунлик дунёни.

БИР КАМ ДУНЁ



БАҲОР!

Ҳеч кимим йўқ ўзингдан бошқа,
Ўзингдан пок, ўзингдан яхши.
Мени алдар ёлғизлигимда
Қуриб қолган япроқлар рақси.

Тўрт томондан кириб келяпсан,
Осмондану ернинг остидан.
Бир лаҳзага қутулгим келар
Бу дунёнинг баланд-пастидан.

Қанот бердим хаёлларимга,
Турналарга қўшилиб учдим.
Доимгидек кулиб келяпсан,
Хайриятки, ёдингга тушдим.

Гулга кўмдинг бутун умримни,
Юрагимни тутдим қуёшга.
Кел, ёнимга келавер, баҳор,
Ҳеч кимим йўқ ўзингдан бошқа.

Бунча оғир кўнгил билан яшамок,
Бунча оғир олдга қадам ташламок,
Хатоларнинг юзи шувут бўлганда
Юрагингни янги йўлга бошламок.

Бунча олис ҳаловатнинг йўллари,
Фақат бахту фароғатнинг йўллари,
Иблис сени йўлдан адаштирмаса,
Етакласа ибодатнинг йўллари.

Ярим тунда илтижолар қиласан,
Дардингни У эшитяпти, биласан.
Йиғласанг ҳам ўзинг учун йиғлайсан,
Гохида ўз аҳволингга куласан.

Бунча узун экан тақдир йўллари,
Йўл босгунча қалбинг бўлар қирқ ямок.
Ич-ичингдан бир титроқ садо келар:
«Бунча оғир кўнгил билан яшамок...»

* * *

(*Ойжонимга*)

У менга Худони танитди,
Туганмас зиёни танитди,
Тупрокнинг бағрига кетди у,
У менга дунёни танитди.

«Чиройли» йиғлашни ўргандим,
Чиройли кулишни унутдим,
Тўйгунча «Дод!» дедим, ўртандим,
Индамай юришни унутдим.

Титрайман дуога кўл очсам,
Кўз ёшим ювади юзимни.
Бугун ҳам тириклар ичидан
Қидириб юрибман ўзимни.

Тўхтамай уради юрагим,
Ёнимда юради юрагим.
Йиғлайди саждага бош қўйиб,
Йикилиб-туради юрагим.

Индамас кадрдон жойнамоз,
Ўзимни шу ердан топаман.
Тишимни тишимга қўяман,
Индамай оғзимни ёпаман.

Биламан, йиғлайман гапирсам,
Дунёга сиймайман... гапирсам...

DARD

1

Мен сендан садақа сўрамаяпман,
Бировнинг меҳрига зор қилма, ҳаёт!
Катта умид билан кўчага чикдим,
Қадримни шу йўлда хор қилма, ҳаёт!

2

Нимага одамлар ўзи хохламай
Қалтис хатоларни қилар ҳар қачон?
Кулсам, мусичалар чўчиб кетади,
Одам бўлгим келмай қолди, отажон!

Умр дарёсининг суви нотоза,
Балиқларга ўхшаб суздим, бўғилдим...
Ахир, одам бўлиб яшай олмасам
Мен нимага одам бўлиб тувилдим?!

3

Бошқалар... уларни ўйламай десам,
Кўз ёшим сувидан хўлдир қанотим.
Бир йилда бир марта тўкилолмайман,
Дарахтларни хайрон қилди ҳаётим.

Биламан, шу қари тутга ҳам қийин,
У ҳам эрта-индин бўлади ўтин.
Кўшни кампир йиғлаб қўшиқ айтади:
«Дунёда бормикин юраги бутун...»

Не қилсин, бундан кўп кутишни билмас,
У қарғаб яшайди бутун умрини.
Орзу-ҳавас кўрмай ўлгиси келмас,
Барибир севади бугун умрини.

4

Минг ёшга кирганмиш манови чинор,
Юз йил яшашни ҳам эпллмаймиз биз.
Майда ташвишлар кўп, сиқилма, сингилим,
Ўртаниш бефойда, йиғлаш... кераксиз!

Айтгин, қаёқларда қолди болалик,
Юраги чиройли дўстларим қани?
Дунёнинг кўнглига қараб, зерикдим,
Қишлоққа қайтпман сени кўргани.

Биров обрў истаб ялтокланади,
Нима ёзишини билади ҳатто.
Ҳатто қишлоғини соғинмайди у,
Ҳамма гапи ёлғон, сўзлари хато!

5

Бахтингдан умидвор кўзга тикилиб
Бундан баттарига чидайсан, юрак!
«Орқангга қарагин, укаларинг бор,
Сен ҳам катта одам бўлишинг керак!»

Кўрдимку кап-катта одамларни ҳам,
Гапирса, тилини боғлайди нафси.
Ҳақиқат рўёбга чиққандан кўра,
Оёғи чириган курсиси яхши.

Ўзим шам бўлдимку ўзим парвона,
Менинг кимлигимни Худо билади.
Рухим қушдек кўкка парвоз қилса ҳам
Аламларим мени одам қилади.

ИККИ ЁШЛИ ТЎДАК

Уларнинг уйи бир кўчанинг икки ёнида, кўздек қўшни эдилар. Улар ёнма-ён ўсиб-улғайишди, бир мактабда ўқишди. Ошиқ йигит ҳарбий хизматга кетишидан бир кун олдин қўшни қизга кўнглини очди...

Икки йиллик ҳижрон висолга ўрнини бўшатиб берди. Бироқ, хаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан... Икки дилнинг хониши дилни ларзага келтиради. Оҳ, юракларнинг ёниши... мана ўша қўшиқ.

Кўнгил кўнгил эканда, бизнинг аҳволни кўринг,
Севгимдек бошин эгган бир мажнунтолни кўринг.
Дилига йўл топдим, кўлидан тутолмадим,
Ўзгага насиб қилган бахту иқболни кўринг.

Бир хил кадам ташлаймиз, бир кўчада яшаймиз,
Наҳот йўлимиз бошқа, бир йўлдан кетолмаймиз.
Қисматнинг қаҳри қаттиқ... кўзимизни ёшлаймиз,
Тўйни бузиб бўлмайди, орзуга етолмаймиз.

Ёр-ёр айтади кимдир юракларни кул қилиб,
Қалбимиз совутади саратонда ёккан қор.
Бахтимизни пуллашди, тилакларни кул қилиб,
Кўнглимиз овутади ишқимиз осилган дор.

Қара, мухаббат тирик, уни ўлдиролмаслар,
Икки ёшли гўдакни ўлдириб бўладими?
Худо ўстирган гулни асло сўлдиролмаслар,
Ахир офтоб нурини сўндириб бўладими?

- Нима бўлди? Кимдан хафасиз?..
- Хафа қилди аросат дунё.
- Тушларимга кириб турасиз...
- Шу бахтни ҳам кўп кўрма, Худо!
Жимлик...

Юз йиллардан оғир бу жимлик...
Тақдир бизга қулоқ солмади.
Кўнгилда соғинчдан, ҳижрондан бошқа
Ҳеч нарса қолмади, қолмади.



ҚАЙСИ БИР КУНИ...

Қадримни йўқотдим қайси бир куни,
Қишининг қок ярмида – изғиринларда.
Бу азоб ҳеч кимни йўқлаб келмасин,
Бу дардни кўрмасин ҳеч қайси банда.

Қайта топилмаскан йўқолган соғинч
Пойингга гул сочиб келса ҳам баҳор,
Қўй, мени эслама, куйинма энди,
Мени кечир, энди ҳаммаси бекор!

Тушун, мен ўзимни қандай алдайман,
Қайси йўлдан ортга қайтаман энди?
Сабр қилавериб шу кўйга тушдим,
Мени тушун... ортиқ қийнама мени.

Мен бахтлиман, йиғлама, осмон!
Бу дунёда яшамоқ осон.
Факат, юрак чидаса бўлди,
Вужудингни ўртамас армон.

Ёмғир, менинг дардимни тушун,
Юрагимга қул бўлдим бугун.
Юзларини ёмғирда ювган,
Йиғлаб... кулган... гул бўлдим бугун.

Бугун менинг кўзларим кулди,
Кўзим кулди, ўзим йиғладим.
Қуёш билан бир кунда йиғлаш...
Бахтсизликми, бахтми, билмадим...

БАХТ НИМА?

Кеча бахтсиз эдим, бугун бахтлиман,
Эртага не бўлар, билмайман буни.
Куёшнинг нурига талпиниб, йиғлар
Ахир ҳаётимнинг бари мазмуни.

Бахт нима? Соғинчдан кутулиш бахтми?!
Дийдорнинг бағрига интилиш бахтми?
Бахтнинг соясида яшаган гулман,
Мен яна тутқутман, кўнглимга кулман.

Бахт нима? Ким бахтли ўзи дунёда?!
Нега мен ҳаётни севаман шунча?!
Вужудимга томир отган юрагим —
Кўзим ёшларига кўмилган гунча.

Бугун нимагадир яшагим келар,
Негадир истайман тирик қолишни.
Куёш чикқанида бахт деб ўйловдим
Бахтнинг оғушида ўлиб қолишни.

БЕМОР

Неча кунлик умринг қолди, билмайсан,
Кўз тикиб қолгансан олис бўшлиққа.
Сезяпсан, энди ҳеч ишинг тушмайди
Ишхонангда қолган инжиқ бошлиққа.

Жон ширин, ҳаётни яхши кўрасан,
Соғиниб кетяпсан болалигингни.
Ташлаб кетгинг келмас, кўзинг қиймайди
Дўстингдан ҳам содиқ чиққан итингни.

Кроват гичирлаб ғашингга тегар,
Ташвишга солмайди дунёнинг ғами.
Хотиржам дам олсанг бўлар эканку,
Энди сен дунёнинг бошқа одами.

ҚАЛБ

Қайси йўлдан юрай, билмай хунобман,
Булутларни ёриб чикқан офтобман.
Тақдиримни битган эгам ҳам хайрон,
Ҳали ҳеч ким ўқимаган китобман.

Биров тушунмайди менинг тилимни,
Ўзим бир таржимон излаб топмайман.
Холиқ билса билар дилда боримни,
Дардимни бировга айтмайман.

Хотира дафтарим тарихи узун,
Ортга боқмам бахтли яшашим учун,
Кўнглимни титкилаб бир ҳис топаман
Фақат олдга қадам ташлашим учун.

Қафасдаги тутқун қуш дерлар мени,
Ҳали кўрилмаган туш дерлар мени.
Хандон отиб қулсам, бўларлар хайрон,
Йўқса, ношукур хомуш дерлар мени.

Бахт бахт излаб келар ҳар кун ёнимга,
Билмай тушиб қолар у зиндонимга.
Тоғдек юк елкамда, суянчиғим йўқ,
Суянсам суянғум бир иймонимга.

*Дарахтлар гапирса
Рост гапиради,
Дарахтлар йиеласа
Йиелайди чиндан...*

Х.Рустамова

Дарахтлар эринмай бош тебратганча
Шамолнинг сўзини маъқуллайдилар.
Уларнинг гапига ишонаверинг,
Ахир улар бизга чиндан бахт тилар.

Улар тоза кўнгил, алдашни билмас,
На тоғни, ўрмонни, на даштни билмас.
Сув тутган тупроққа томир отади,
Улар ҳатто одам танлашни билмас.

Уларга ишонсак хато бўлмайди,
Бир кун унутмасак бўлди уларни.
Бир оғиз сўз демай бу содда дўстлар
Тоза ҳаво билан сийлар бизларни.

Биз эса негадир бешафқатларча
Улғайган дарахтга болта урамиз.
Ҳаттоки ўзимиз танлаган йўлнинг
Нотўғри эканин сезиб турамиз.

Дарахтлар индамай бош тебратади,
Нимадир демоқчи бўлади улар...

Үй

Кўнглингни бир қайғу эзар,
Исён қилади туғёни.
Қалбингда хавотир кезар –
Ё дилни де, ё дунёни!

Не қилар аҳдида туриб,
Ўзига бино қўйган кўп.
Ширин жонин ўтга уриб,
Молу дунёни деган кўп.

Умр асли оқар дарё,
Сувиға фарқ бўлишинг бор.
Бу дунё-ю у дунёда
Қанча-қанча танишинг бор.

Дунё бевафо, дейсану
Вафосиздан кечиб бўлмас,
Не излаб шошар одамлар?..
Шу жумбокни ечиб бўлмас.

Кўнглинг ҳалимлашиб борар
Саждага бош қўйганингда,
Ўзингни ҳеч танитайсан
Жонгинангдан тўйганингда.

Бир бошингга минг битта дард,
Ерга тенглайсан самони.
Инсонлигинг ёдда тутиб
Ё дилни де, ё дунёни.

Далада, даланинг қок ўртасида
Шом намозин ўқийди бир чол.
Осмон бошин қуйи солади,
Унинг кўнгли осмон эҳтимол.

Унча олисдамас, сал нарироқдан
Йўловчи мошинлар ўтиб турибди,
Шу пайтда оламда қанча одамлар
Дунё ташвишида ёниб юрибди.

Қанча одамларнинг дил кўзи сўқир,
Улар бу дунёнинг дарсини ўқир.
Узоққа учолмай бу эркин кушлар
Кўпроқ бир-бирининг кўзини чўқир.

Кимдир ёмон кўрар қоронғуликни,
Кимдир қаттиқ кўрқар зулматли тундан
Бу одам тақдирнинг ҳукмидан кўркмас,
Бу одам дунёни севади чиндан.

Умри шу далада, меҳнатда ўтган,
Оппок яктагидек кўнгли ҳам оппок.
У ҳалол касбини яхши кўради,
Унинг қисматдоши шу она тупроқ.

Элнинг ризки унар она заминда,
У сув қўйган жойда сувмас, оқар бол.
Даладан – умрининг андозасидан
У чинакам бахтин топган эҳтимол.

Балки, шунинг учун шукрона айтар,
Кўп деб яратганнинг мўъжизалари.
Бунча яхши, бунча эзгуликка бой
Унинг бу дунёга қилган сафари.

Далада, даланинг қок ўртасида
Шом намозин ўқийди бир чол.

ТАНСИҚ ТАОМ

Меҳр – тансиқ таом, қизғонадилар,
Уни ҳар кимга ҳам бермаган Худо.
У олий ҳакамдир, Унинг изнисиз
Ҳеч нарса йўкликдан бўлмайди пайдо.

Бир ховуч меҳрни қизғонадилар,
Бу дунё кимлардан қолмаган, дейман.
Меҳр – тансиқ таом, лаззатли, аммо...
Бу таомни қандай бир ўзим ейман?

Уйқу

Бир ёнимга келар, бир кетиб қолар,
Мен билан яшашни қилади орзу.
Ҳар кун и ёнимда бўлишни истар,
Кўзларимни севиб қолганми уйқу.

Унга айтолмайман бир ҳақиқатни,
Шошмагин, кун келиб мени енгасан...
Иродамни қанча ишга солсам ҳам
Мағрурлигинг билан бошим эгасан.



ХОТТИРА

Тунлар тинч қўймайсан тушимга кириб,
Зерикмайсан кундуз ёнимда юриб.
Баъзан хаёлимдан ўчиб кетасан,
Ёқтирган жойингга кўчиб кетасан.

Эркинсан, ҳеч туткич бермайсан баъзан,
Эсимга ҳам тушмай қоласан ҳатто.
Ўзимни унутмоқ қасдида ёлғиз,
Сенсиз яшашимда бормикин маъно?

Кун санаб яшардим бир пайтлар,
Соғиниб кутардим эртанги кунни.
Ҳозирчи? Ғалати одамман ҳозир,
Фарқи йўк хаттоки кундузми, тунми.

Яхши-ёмоннинг ҳам фарқи қолмаган,
Энди мен ҳеч кимдан бўлмайман хафа.
Ҳар кадамда учрар виждони йўқлар,
Нима қилай, ҳаёт ўзи шунақа.

Яшаётган бўлсам менда нима айб?
Уларнинг кўнглига қараб, чарчадим.
Ўзимга ҳам, бир тўп номардларга ҳам
Худойимдан инсоф сўраб, чарчадим.

Хато қилган бўлсам ўзи кечирсин,
Дили қораларга бош эгмайман мен.
Бир ҳақиқат бордир тан олмасам ҳам,
Ахир ҳаётимнинг мазмуни бир сен.

Кун санаб яшардим бир пайтлар,
Кўрмагандим шунча ташвишни.
Сени ёмон кўролмаяпман,
Истайман чин дилдан севишни.

Мен ҳам бахтли эдим бир пайтлар...

ОНАЖОН...

Сочингиздан узун экан тилагим,
Чигилин ёзмасам ёнар юрагим.
Узоқларга кетсам сизни кўмсайди
Кўзмунчоғига кўз теккан билагим.

Фариштасиз, кадр топмас фаришта,
Унум бор қўлингиз теккан ҳар ишда.
Оёғингиз ўпар, ҳеч армони йўқ,
Сув сепилган ҳовли доим саришта.

Онажон, бормикин сиздек меҳрибон,
Дунёни айлансам тополаманми?
Ёмонлар юзини кўрмагин, дейсиз,
Тинчгина кўзимни ёполаманми?!

Сизни кўрмасам ҳам кўриб юрибман
Тириклар терисин титган зоғларни,
Тўккан ёшингизга арзимайдиган
Иймони бетобу нафси соғларни.

Асранди қиз бўлдим битта шеър учун
Ширин уйқунгизни ўчирган тунга.
Хавасим келади меҳрингиз ичиб,
Кафтингизда нонга айланган унга.

Ёндимку чўғ бўлиб турган юракни
Кулга айлантирган тандир мисоли,
Кунингизга ярар ўтин бўлса-да
Мендан ҳам бахтлироқ анжиршафтоли.

ҲАЁТ

Ҳаёт худди футбол ўйини,
Унда фирром ҳакамлар ҳам бор.
Бўйнингдаги ола бўйинбор.
Томоғингни бўғиб турган дор.

Халқим, дединг, ҳайиқма энди,
Халқумини ўйловчилар кўп.
Кўркма, ортга қайтиб чиқмайди
Дарвозага кириб бўлган тўп.

Олдга қараб чопган хужумчи
Галабани кўзлайди доим,
Кўнгил кўзи очиқ кишилар
Кўрганини сўзлайди доим.

Атрофингда томошабинлар
Роҳат қилиб чапак чалади,
Бир қарагин, олғир ҳакамнинг
Юз-кўзини ари талади.

Кечирмайди уни келажак,
Бугун голиб бўлганида ҳам
Ҳалол одам мағрур бошини
Тик тутади ўлганида ҳам.

Айтгин, қайси гуноҳинг учун.
Юрагингни ўтга ташладинг?
Доим ўзи ҳақда ўйламас
Одамларни ўйлаб яшадинг?

Баттол ғаним, хал бўлгани йўқ
Ҳамма ишнинг ҳисоб-китоби,
Элни ҳаққа бошлайверади
Машрабидан қолган китоби.

ЎТТОЛМАДИМ ҲАЁТ ИМТИХОНИДАН

Ўзи дилдордаю ишқи мандадур.
Гулжамол Асқарова

Олисларга кетдим, олислаб кетдим,
Ўртанди қишлоқи қизнинг юраги.
Дилга оғир ботди, тош бўлиб чиқди
Юракка из солган изнинг юраги.

Ваъдамнинг устидан чиқмадим мен ҳам,
Худойим, уни ҳеч унутолмадим.
Тўрт йиллик умримга раҳм қилдингми,
Айт, бу сафар нега чопди омадим?

Дунёнинг ишлари ажойиб жуда,
Ғамнинг иси келар қотган нонидан.
Энг катта синовдан ўтдим, лекин,
Ўтолмадим ҳаёт имтихонидан.

Хув ана, шаҳарга элтгувчи кўча,
Мен эса ҳалиям тупрок йўлдаман.
Қисмат, қилиғингни тушунолмадим,
Кўнглим дарёда-ю, ўзим чўлдаман.

У йўк, ҳамма мени кузатиб кўйди,
Шамоллар сочимни тузатиб кўйди.
Ўзим ўзим билан оовора куним
Бегона уй қизин узатиб кўйди.

Тўй бўлди, энди у ўзгани суяр...
«Ошдан е...» тилингу томоғинг куяр.
Киприклар ёшингни беркитаверар,
Бундай кунда душман ковоғин уяр.

Дард берган дард берди, даво бермади,
Ҳеч бўлмаса бир бор садо бермади.
Қалбимни кучоклаб йиғлади севги,
Армонлари тоза ҳаво бермади.

Кутганмидим шундай кунни... билмадим,
Мен ундан ўзгани кутмасдим ахир.
Бир ютуққа битта мағлубиятми?
Тақдир, ўйинингда ютмасдим, ахир...

Қабрини кучоклаб йиғлайди севги.



Энди туш кўриш ҳам қизиқмас унга,
Хаттоки, уйқу ҳам ширин туюлмас.
Истамас ҳеч кимга таслим бўлишни,
Оғриниб-оғриниб мудрайди бесас.

Кунларни бесамар ўтказиш эмас,
Ёниб яшаш қизиқ туюлар унга.
Тўғриси, билолмас нима қилишни
Энг азиз дўстидан айрилган кунда.

Кейин у гарангсиб кўчага чиқар,
Тонг отгунча кезар таниш йўлларни
Дуч келган дарахтни қучиб йиғлайди:
«Бу дунёда дўстсиз яшаб бўларми?»

Аксига олгандек, шамол увиллар,
Шовуллаб унга жўр бўлар дарахтзор.
Бу аҳволда ўлим кўрқинчли эмас,
Кўнгилнинг гапига ишониш бекор.

Айрилиққа қандай чидаб бўлади?
Кўклам келяпти-ку ахир, куз эмас!
Дунёга баҳорлар қайтиб келади,
Фақат энди унинг баҳори келмас...

Беш йил бўлди сени кўрмаганимга,
Беш йил ўтиб кетди бегоналикда.
Худодан дийдоринг тиланган бўлсам,
Мени айбламагин девоналикда.

Беш йилда беш минг хил азобни кўрдим,
Факат кўзларимга кўринмадинг сен.
Кўнглим айтган гапга индамай кўндим,
Балки, хато қилиб тўғри қилдим мен.

Сен мени, мен сени ёмон ранжитдик,
Ўзимиз гангидик икки ўртада.
Кунлар ивиб кетди киприklarимда,
Дўстлик денгизида кўрдим пўртана.

Беш йилки, кўнглимга қараб юрибман,
Беш йилда беш кунлик бахт кўрганим йўқ.
Ахир ҳалигача азоб беради
Ўша, сен қалбимга санчиб кетган ўқ.

АЁЛ ҲАСРАТИ

Ўз жонига қасд қилган, бефарзанд, телбанамо
аёлни даврадаги ҳеч ким оқламасди. Орадан кўп
вақт ўтмай уни руҳий касалликлар шифохонасига
жўнатишди. «Боши очик йигит»ни бошқага
уйлантиришди. Ўша кеча аёл касалхона деворига
мана шу сўзларни ёзиб қўйди.

Тўй ўтди.
Ҳаммасига кўникдим...
Ҳамма...
Ҳатто хола,
Ҳаттоки амма,
Туришганлар...
Хурсанд бўлишди.
Бахтли эдим гўё,
Гўзал эди дунё.
Ахволимни кўриб, кулардим,
Мени хафа қилмасди ҳеч ким.
У... бошқани дерди, билардим...
Бу бегона дунёдан кечдим.
«Сен нотўғри қиляпсан!» деди
Ҳамма...
Ҳамма...
Ҳамма...
Ҳаммаси...
Унинг хола, тоға, аммаси...
Мени тинглаш, мени тушуниш
Мумкин эмас эди, чамаси.
Кимдир тутиб колди қўлимдан,
Туйғуларим тарсаки еди.
Бу ахволда яшаш ўлимдан
Оғирлигин билсангиз эди...
Билмайсиз...
Тўй ўтди.

Аллақандай гўзал, сокин фасл бу,
Тўкиляпти менинг кўнглимга ўхшаб.
Йиғлагим келяпти менга ўхшаган
Дарахтнинг пойига жонимни тўшаб.

Йиғлаяпман...

Йиғи...

Бир ширин йиғи...

Ўғирлади бугун бардошларимни.

Куз ёмғири қувнаб излаб юрибди

Хазонга кўмилган кўз ёшларимни.

Бошимда айланар булутли осмон,

Тўкилади кизил, сарик япроқлар.

Уларга қўшилиб қўшиқ айтсам ҳам

Сўнмас юрагимга кўчган титроқлар.

Йўқ, мен совқотмадим, титраб кетяпман,

Армон вужудимни солди титроққа.

Ахир кўз ўнгимда ҳамма дарахтлар

Боласин топширди бугун тупроққа.

Қандай жим юраман кузги боғларда,
Бу кузга кўшилиб йиғлайман қандай?
Йўлимда учраган тоза дилларга
Юрагимни тўкиб соляпман атай.

Тўкиляпман олтин фаслга ўхшаб,
Тўкиляпти бахтли, бахтсиз кунларим.
Остонамга келиб, эшигим қоқиб
Куз шовқин солади, ярим тун, ярим...

Деразамни аста чертар бир дарахт,
Ўзига ярашмас жулдур кўйлаги.
Жонга тегмадими изму фармоним,
Кел, кузга кўшилиб йиғла, юрагим.

Мен ҳам бахтли бўлай одамга ўхшаб,
Этай табиатни англаш бахтига.
Каловланиб турдим, ўйлаб ўтирдим,
Лекин қойил қолдим кузнинг шахдига.

Тарновларни чертиб, кўшиқ куйлади,
Югурди шамолни етаклаб олиб.
У тонггача тунни сўроқлаб чикди
Менинг хаёлларим бир четда қолиб.

Бу куз бунча ишчан, қишлоққа борсам,
Ёлғиз ғўзапоя йиғиб юрибди.
Хўрсиниб, томорқа томонга қараб,
Ёмғир тинишини кутиб турибди.

Қилиб чала қолган ҳамма ишларни,
Яна кузги бугдой экибди жиндай.
Қандай жим юрайин кузги боғларда,
Бу кузга кўшилиб яшайин қандай?

Эски уй

Энди лой сувоқ томда
Қизғалдоқлар очилмас,
Кулади пахса девор,
Бу одам парво қилмас.

Гувалаклар тагидан
Чаёнлар чиқиб келди,
У эса «катта»ларнинг
Қўлини сиқиб келди.

Гумдон бўлди эски уй,
Қаранг, қаср қурилди.
Ҳатто, ариқнинг бўйни
Бошқа ёққа бурилди.

Шу бугун темир арра
Кесиб кетди гилосни,
Бир ўғил арзон пулга
Сотди ота меросни.

Бугун ҳам ишдасан, ишламоқчисан,
Йўқотиб қўймай деб шундай мавқени.
Юрагинг айтяпти: «Қишлоқда онанг
Неча кунки интиқ кутяпти сени...».

Қара, ташқарида қор ёғаяпти,
Сенчи, ўтирибсан иссиқ хонада.
Икки кўлинг муҳим ишлар билан банд,
Ҳамма ишонади бу баҳонага.

Уйғонсайди тошдек қотган виждонинг
Чиндан ҳам керакли одам бўлардинг,
Худди ёлғиз онанг дуо қилгандек
Покиза юракли одам бўлардинг.

Нима бўпти, дейсан, халиям шундай,
Биз ҳам эл қатори яшаб юрибмиз.
Ўқиган одаммиз, зиёли одам,
Замонга мос кадам ташлаб юрибмиз.

Лекин қарши чиқар ичингда недир,
Сен ахир қишлоқда ўсган боласан.
Бахтиёр одамсан, лекин гоҳида
Шу қафас хонага сиғмай қоласан.

Сокин хаёлингни бузар телефон,
Нима гап экан, деб чўчиб кетасан.
Сен ишли одамсан, фақат хаёлда
Гоҳида қишлоққа кўчиб кетасан.

Шукр, тинчлик, ҳеч гап бўлмабди, шукр...
Хавотир олмасанг бўлади энди.
Сезмайсан, минг турли бало-қазодан
Онангинг дуоси асрайди сени.

Тўп-тўп тилёглама танишларингнинг
Ширин гапларидан бошинг осмонда.
Ким ҳам сени хафа қила оларди,
Сен ёлғиз ўғилсан, сен бир арзанда.

Жуда эрка эдинг болаликда ҳам,
Тўғриси, айт, қачон қийналгансан сен?!
Тан олгинг келмайди бир ҳақиқатни,
Мансаб одамига айлангансан сен.

Сен бундай гапларга парво қилмайсан,
Кўнгил одамисан, ўзгарганинг йўқ.
Ундай бўлса, нафснинг қули бўлмасдан
Меҳрибон онангнинг пойига тиз чўқ.



БИР КАМ ДУНЁ

Бир кам дунё, бир камингга кўниб кетдим,
Софинчимга яна эрмак бўлиб кетдим.
Дарахтлар ҳам баргларини тўкаяпти,
Тўкилолмайт, тўлиб кетдим, тўлиб кетдим.

Бир ой бўлди... кўзларимга тўлди сабр,
Менга яқин дўсту хамроҳ бўлди сабр.
Мен кутаман, шундан бошқа иложим йўк,
Сабр қилиб яша, десам, кўнди сабр.

У ҳам менга ўхшаб сарсон бўлган экан,
Мендан кўнгил сўраб кўнгли тўлган экан.
Кўп кун бўлди, ёришмайди кечаларим,
Юрагимда ёнган ўт ҳам сўнган экан.

Кўп кулмагин ахволимни кўриб, дунё!
Ғам йиғлади менинг ҳолим сўриб, дунё!
Ё яшашни билолмадим шунча яшаб,
Мен чарчадим юрагимни кўриб, дунё!

Кўзим очсам, кипригимга дард кўнади,
Кўнгил очсам, дўстимга ҳам келар малол.
Юрагимни эркалайман, юрагимда
Бир туйғу бор доим гўзал, соҳибжамол.

У бир дардки... у шунчалар чиройли дард,
Мен йиғласам, унинг кўнгли шод бўлади.
Бир кам дунё, кел, кўзимнинг ёшини арт!
Шу туйғудан юрагим озод бўлади.

ТЕЛБАЛИК

I

Художон, бу кандай телбалик бўлди?
Етдим деганимда йиқилдим яна.
Уни яқинлатма саждагоҳимга,
Менга раҳминг келсин, холимга қара.

Шунча сабр бердинг, шунча йўқотиш...
Бугунги кун берган мукофотингми?
Мен сенга ўрганиб қолган эдимку,
Ё берган меҳрингни қайтиб олдингми?!

Кимга ўхшаб қолдим, менга не бўлди,
Билмадим, билгувчи ёлғиз ўзингсан.
Ҳеч қачон зор қилма бандаларингга,
Сўрасак сўраймиз ёлғиз ўзингдан.

Ёлвориб сўрайман, мендан кечмагин,
Мен бир тутқун қушман, холи паришон.
Усиз яшашга ҳам қурбим етади,
Уни эсламайман, гапимга ишон!

II

Дунё нима ўзи? Яшамоқ нима?
Беш кунлик дунёга ҳавасми севги?
Жавобсиз саволим шунчалар кўпки,
Нимага бунча кам эслайман сени...

Ишларим жойида, телба эмасман,
Лекин бу жунунваш туйғу телбавор.
Бирга болаликка қайтайлик бугун,
Кел, сени соғиниб кетдим, Гулбахор!

* * *

(*Холидага*)

Эртага душанба! Сизни кўраман!
Ишга бориш эмас, шу нарса кизик.
Иккимизга аён: бешта бахтсиз кун —
Бизнинг ўртамызга тортилган кизик.

Беш кунлик дунёда бешта бахтсиз кун
Оғирлик қияпти ахир мен учун,
Биттадан кун тегди иккаламизга
Бир умр хотиржам яшамок учун.

Камлик қияпти, тушунинг, ахир...
Икки кун... икки минг муаммоси бор.
Мен қандай чидайман? Инсофдан эмас,
Биз икки дақиқа бўлсак бахтиёр.

Китоб ўқияпман радио эшитиб,
Онамнинг гаплари кирмас қулоққа.
Ухлагин, дейдилар, уйқу ғафлат-ку,
Ботгим келмаяпти ўша ботқоққа.

Қаранг, ҳамма нарса тегди жонимга,
Энди тонг отгунча хаёл сураман.
Менинг дунё билан нима ишим бор,
Эртага душанба! Сизни кўраман!

Келасиз деб ўйлаган эдим,
Интиқ бўлиб қутаётгандим.
Энди мени қувонтиролмас
Олисларга кетаётганим.

Келасиз деб ўйлаган эдим,
Бунча ёмон келмаслигингиз.
Керак бўлган маҳалда доим
Ёнгинамда бўлмаслигингиз.

Келасиз деб ўйлаган эдим,
Кутган эдим зору интизор.
Биласизми, менинг юрагим
Оппок қордек тоза, беғубор.

Куйдиради юрагимни ҳам
Дардларимни билмаслигингиз.
Келасиз, деб ўйлаган эдим,
Бунча ёмон келмаслигингиз.

СОҒИНДИМ...

Мен сизни чиндан ҳам соғиндим,
Сиз мени соғинмай қўйгансиз.
Биламан, мен айтган гапларнинг
Барини ёлгонга йўйгансиз.

Мен сизни ўйлайман ҳар куни,
Ҳар куни сизни деб яшайман.
Кўнглимда шодликлар туғилар,
Мен уни бир сизга атайман.

Ишхона... китоблар... бошқалар...
Бирма-бир ёдимдан чиқади.
Ишонинг, улардан зерикдим,
Ҳаммаси юракни сиқади.

Столдан эсдалик суратни
Оламан, барримга босаман,
Ишонинг, чидашга қурбим йўқ,
Соғиндим! Соғиндим роса ман...

Сизчи, сиз қайларда юрибсиз?
Наҳотки, менсиз ҳам бахтлисиз?!
Мен бахтдан бахтлиман соғиниб,
Йўқотманг мендайин бахтни сиз.

Истанг, бу арзимни тингламанг,
Истанг, мен бошқа сўз айтмайман.
Сиз мени бунча кўп қийнаманг,
Дунёда бир марта яшайман.

Ҳамма нарсам бор, лекин
Ҳеч кимим, ҳеч нарсам йўк.
Юрагим оғрияпти,
Дўстим, менга урма дўк.

Ҳеч бўлмаса сен тушун
Кўнгли яримта жонни,
Келгин, юпатиб кўйгин
Йиғлаётган осмонни.

Холи, Холи, Холижон,
Юрагим тўла армон.
Соғиндим, ёнимга кел,
Дардларимга бўл дармон.

Мендан хафа бўлмагин,
Фақат уни ўйласам.
Кўнгил нолаларини
Кўшиқ қилиб куйласам.

У ҳам менга ўхшаган,
Такдирга кўниб кетган.
Мени тушун, дўстижон,
Юрагим тўлиб кетган.

Юрагим оғрияпти,
Дўстим, менга урма дўк.
Ҳамма нарсам бор, лекин
Ҳеч кимим... ҳеч нарсам йўк...

* * *

Мен яхши кўраман ёмғирларингни,
Хижронингда ивиб кетяпман, осмон!
Сен ўзи нимасан, мен ўзи кимман?
Пойимга тўкилар энг гўзал армон.

Мен яхши кўраман ёмғирларингни,
Сочларимни ювгин, юзларимни юв.
Сен ахир биттасан Худога ўхшаб,
Согинчингда ўлиб кетиш ҳам бахтку!

Мен йиғлай олмадим, сен йиғлаяпсан,
Қарагин, негадир титраб кетяпман.
Тангрим эшитдими илтижоимни,
Мана, йиғлаяпман, сенга етяпман!

Мен яхши кўраман ёмғирларингни,
Мен сенга қўшилиб йиғлаб кетяпман...

ПОРТРЕТ

Индамас дарахтлар. Йўл тўла армон.
Бир ёнда тирилиш, бир ёнда ташвиш...
Ёдимда кечаги ёруғ хаёллар,
Ёнимда кетгиси келмаётган киш.

Ўзининг тафтида исинар офтоб,
Совуқ шамол иссиқ уйга беркинар.
Оппоқ қорга тахсин айтар қарғалар,
Не қиларин билмас яшил экинлар.

Қишнинг этагига осилиб олиб
Тарновда сумалак тинмай йиғлайди.
Тун бўйи тўполон қилган булутлар
Қаёққа кетганин ҳеч ким билмайди.

Оппоқ қор. Дарахтлар. Мусаффо осмон.
Баҳор келяпти-ю, табиат хомуш.
Гапи чала қолган меҳмонга ўхшаб
Негадир кетгиси келмаётир киш.

Мен ҳам бахтли эдим бир пайтлар,
Менинг кўзларим ҳам кулиб турарди.
Болалигим мендан воз кечмай
Изимдан эргашиб юарди.

Эрка эдим, бегойим эдим,
Ўз уйимдан олис кетмасдим.
Отажоним дуосин олмай
Остонани хатлаб ўтмасдим.

Ойижоним иссиқ бағридан
Олиб кетди бегона шаҳар.
Садо келар кўш қабрлардан:
«Мен ҳам бахтли эдим бир пайтлар...»

Бугунги бахт... билмадим, балки
Ношукурман, норизодирман.
Куриб кетсин орзу-хаваслар,
Осмонману ер билан бирман.

Ўз ҳолимга ўзим хайронман,
Қандай қилиб чидаб турибман.
Темирманми, бу дунёсида
Қандай қилиб яшаб юрибман?!

Дўст топдим, деб суюнган эдим...
Соғинчимни йўқотиб қўйдим.
Нима қилай, соғиндим, деган
Оҳ-воҳларга ишонмай қўйдим.

Яшайману яна тинч қўймас
Янги кунлар, янгича дардлар.
«Бахт нима?» деб сўрама, синглим,
Мен ҳам бахтли эдим бир пайтлар.

Елкамга кўлини ташлади дунё,
Дўст бўлайлик, деди, мен дўст бўлмадим.
Кейин қасд қилишни бошлади дунё,
Мен бундай яшашга кўнмадим.

Энди... мусичанинг кўзларида мен
Томоша қиламан болагимни.
Энди... аҳволимни сўрамас ҳеч ким,
Бахт эмасми бу?!

Дунё, айт, ким билан дўстсан ўзи?
Юраги бутунни кўрмадим...
Дўстликми?..
Елкамнинг чуқури кўрсин!

Ўзимни хор қилдим мен,
Меҳрга зор қилдим мен.
Юрагим йиғласа ҳам
Қаҳ-қаҳ отиб қулдим мен.

Ҳамёним тўлганда ҳам
Кўнглим тўлмаса нетай?
Номардларнинг олдида
Йиғлаб бўлмаса нетай?

Йўл тўла гадоларга
Топганим улашайми?
Ҳаммасини унутиб,
Озодликда яшайми?

Унутишга келганда
Бошин эгар ғурурим.
Тордек баланд бошимни
Эгиб кетдинг, мағрурим!

Қадримни кадрдонлар
Пойидан топдим бугун.
Йиғладим бемеҳрга
Меҳр берганим учун.

Бугун олтин деворим
Қулаб тушди, найлайн?
Кўнглимнинг тор қулбаси
Нураб тушди, найлайн?

Куйиб кетган юрагим
Бўзтўрғайдай қуйлади,
Йўлларимиз айриб
Тақдир мени сийлади.

Зимистон қултепамда
Бошка ўт ёқолмадим.
«Одамга ўхшамайсан...»
Бошка сўз тополмадим.

ХАЁЛ

Гох бошимни у ишга,
Гох бу ишга ураман.
Ҳамма иш жонга тегиб,
Яна хаёл сураман.

Хаёлларим ичидан
Кулиб келаверасан.
Яна сенга зорлигим
Билиб, келаверасан.

Бора-бора ўйларим
Кўплиги сезилади.
Бегонадек кўринсанг,
Юрагим эзилади.

Йўқ, бегона эмассан,
Яқинлардан яқиним.
Сўзларимга сиғмаган
Кўзларимдаги сирим.

Оҳ, десам, оҳларимдан
Чўчиб кетар хаёллар,
Мени сўрок қилади
Сен бермаган саволлар.

Шунда маҳзун ўйларим
Кўшиққа айланади,
Менинг қолган хаётим
Ошиққа айланади.

Сени унутолмадим,
Майли, жонимдан тўйсам...
Ахир, қандай яшайман
Сени соғинмай қўйсам?

СИНОВ

Хаёт ҳамма нарса бериб синади,
Қорним тўқ бўлса ҳам кўнглим тўлмади.
Тўкмай турай десам кўз ёшларимни
Бўлмади, бўлмади, бўлмади.

Йиғладим, йиғладим, йиғладим,
Сен кулдинг, юрагинг тошмиди?
Бегона овозда гапирдинг
Кўрсанг ҳам кўзимнинг ёшини.

Меҳрибон, меҳрибон, меҳрибон
Бир одам топмадим дунёда,
Муҳаббат бағрида меҳр йўқ
Онамнинг меҳридан зиёда.

Ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон
Мен ошқор қилмадим кўнглимни.
Сўзингга ишондим мен нодон,
Билмадим, тушимми, ўнгимми.

Нега сен шунчалар ўзгардинг,
Нимага сўзларинг ғалати?
Ҳар лаҳза бахт берар жонимга,
Ҳар лаҳза жонимни олади?

Эгамнинг эй, эрка бандаси,
Жонимни бунчалар қийнама.
Кўп куйдим синовли дуёда,
Сен менинг сабримни синама!

ЭСИМДА...

Ўша куни йиғлаганим эсимда,
Бугунгидек юрагимнинг титрови...
Ўшандаям нафасимни сиққанди
Хаёт деган ҳақиқатнинг сиртмоғи.

Ростга ўхшаб туюларди рўёлар,
Яшар эдим тушларимга ишониб.
Сухбатлашсак, бахтли бўлиб кетардим
Хаёлингда борлигимдан қувониб.

Ўшандаям бир оз бепарво эдинг,
Гапирмасдинг келажагинг ҳақида.
Кўзларингни учратмаган кунларим
Пайдо бўлиб қолди янги ақида.

Хайратларга тушганим ҳам табиий,
Шамол сариқ хазон тўқди устимдан.
Ниятларим гулга кирган маҳалда
Жудо бўлиб қолдим якин дўстимдан.

Пешонангга сиғмаганим эсимда,
Ўша куни йиғлаганим эсимда.
Нега келдинг, ё эсингга тушдимми?
Ўзинг бўғиб ўлдиргандинг ишқимни.

Йўқ, барибир сендан артист чиқмайди,
Амри маҳол тайинли гап чиқмоғи.
Нега сенинг нафасингни сиқмайди
Яраланган юрагимнинг титрови?

Оҳ уриб йиғлади бир телба хаёл,
Мен эса тезлатдим кадамларимни.
Кет, деб ҳайдолмадим икки кўзимдан
Ичимга ютганим – аламларимни.

Киприкларим жуда намиқиб кетди,
Ўзимча аразлаб кетиб қолдим мен.
Сизни куйдирмадим, шу кетишимда
Ўзим ёккан ўтда ўзим ёндим мен.


Айтсам бўлар эди бор гапни Сизга,
Қайсарлигим тутди, айтгим келмади.
Бош эгиб турибсиз мажнун дарахтдай,
Мен эса орқага қайтгим келмади.

Нима маъно қолди тириклигимда,
Энди юрагимда байрам қилар ғам.
Шу онда берилиб койиб кетяпман
Бизни учраштирган тасодифни ҳам.

Бир кадам боссангиз бўлар эди-ку,
«Тўхта!» деб айтишга наҳот тил ожиз?
Ҳозир пойингизга йиқилар эди
Фурури тоғлардан баланд бўлган қиз.

БАЛКИ...

Мен сенинг дардингни энди тушундим,
Хаёлинггни англаб етмадим балки.
Ўзимдан олислаб кетган бўлсам ҳам
Сени ташлаб олис кетмадим. Балки,
дилимдаги гапни сир тутгандирман,
Балки, мен ўзимни унутгандирман.
Сен қайдан биласан, шу аро йўлда
Балки, фақат сени зор кутгандирман.
Мен қайдан биламан, балки сени ҳам
Тунлари ибодат бошингни эгган.
Ҳеч кимга ўхшамай яшайсан. Балки,
кундалик ташвишлар жонингга теккан.
Балки яхши шундай, беғам яшамок,
Чора излаб, ташвиш қилмаслигимиз.
Балки...
Йўк!
Билмадим, нима учундир
Бунча яхши бизнинг билмаслигимиз,
Кўнгил йирлаганда қилмаслигимиз...



ЯНА СЕНИ ЭСЛАЯПМАН...

Яна сени эсляпманми,
Менга нима бўляпти, ахир...
Нега сени ёдимга солди
Йўлимизни айирган такдир?

Ё айролик синов бўлгиси,
Рост эдику туйғуларимиз.
Биздан рухсат сўраб ўтирмай
Қайга кетди орзуларимиз.

Дилда қолган қайғулар – туман,
Йўл юрмоқнинг ўзи жасорат.
Дўст бўлайлик орзулар билан,
Ишқ қилмасин бизни ҳақорат.

Бир кун келиб биз ўйлагандек
Кўнгил топар ҳур диёрини.
Кузга алишмасак бўлгани
Ҳаётимизнинг баҳорини.

ЮР, ҚАЙТАМИЗ ҚИШЛОҚҚА

Юр, кетдик, қайтамиз она кишлоққа,
Сенга сирларини очмади шаҳар.
Мудрок ялпизларнинг юзини ювиб,
Кишлоқда ариқлар шаркираб оқар.

Бунда сен соғинчдан тунлар бедорсан,
Унда йўл кутяпти неча қорақўз.
Шундоғам юлдузсиз тундан безорсан,
Етар, баҳонага топилмайди сўз.

Қара, кемтик ой ҳам тўлишиб қолган,
Қадрдон гўшага шошяптими у.
Сенданам аввалроқ кишлоққа борган
Бўзсувдек тўлғониб, тошяптими у.

Далада бедана тушган тузоққа,
Охидан оқариб тонг отаяпти.
Қайтмайсан, кетдингми шунча узоққа,
Сен ҳақда дугонанг гап сотаяпти.

Орзуга талпиниб учган капалак,
Отанг ҳам сўзлайди фахрланиб кўп.
Полизларда тугаб бўлди хандалак,
Ҳеч бўлмаса шўрхоқ тупроғингни ўп.

Чорбоғинг ёнидан ўтган ариққа
Тўкилиб-тўкилиб тугайди олма.
Унут ўша дилни эзган оғриқни,
Кеч бўлмасин энди, шаҳарда қолма!

ИЛҲОМ ПАРИСИ

Бахтли кунларимда сени топмайман,
Ғамгин дамларимда йўқлаб келасан.
Онам ҳам, дўстим ҳам билмаган сирни
Сен қайдан биласан? Қайдан биласан?!

Йирлаб, астагина кўнглимга кириб,
Лабларимдан кулгу бўлиб учасан.
Табассум қилмасам сенга қўшилиб
Еттинчи фалакдан қайтиб тушасан.

Сен қандай сеҳрсан, қандай мўъжиза,
Бир зумда ҳаммани ташлаб кетаман.
Шиддатли умримни бир четга суриб,
Ўзимдан воз кечиб, сенга етаман.

Мен ҳатто ўзимни алдаб яшайман
Сени Худо берган халоскорим деб.
Одамларнинг меҳри миннатли кунда
Менинг ҳаётимга бераяпсан зеб.

Ўзим ҳам ўзимни севмайман шунча,
Куйинсам бунчалар хуноб бўласан?
Энг яқин одамим билмаган сирни
Сен қайдан биласан? Қайдан биласан?!

«Камбағаллик айб эмас, лекин...
Йўқчиликдан кўрқаман!..» дединг.
Ўзинг билмас эдинг, шу куни
Сен ҳаммадан бахтиёр эдинг.

Боягина шу бурро тилинг
Менга битта сирни айтганди,
Сен бойликка эмас, аслида
Муҳаббатга бўлгандинг банди.

Сени жуда яхши билардим,
Ҳар ҳолда мен ўйлардим шундай.
Бахтлилигинг шу аҳволингда
Ахир равшан эди-ку кундай.

Иштаҳанг ҳам йўқ эди ҳатто,
Совиб колди бир коса овқат.
Юракдаги депсинишларга
Энди қандай қиласан тоқат?

Билмадим сен нимани ўйлаб,
Не излардинг бардошларингдан.
Бир покиза бахтни кўргандим
Мен безовта қарашларингда.

Қайта гулламокда хаёт дарахти,
Ҳадемай ёзади ям-яшил япроқ.
Тўйиб нафас олиш... о, кимнинг бахти,
У мени ўйлайди ўзимдан кўпроқ.

Миллатнинг илдизи тупроқ бағрида
Минг йил чиримасдан туриши мумкин.
Бехосдан айтилган янглиш бир сўз ҳам
Дўстликнинг умрига ясайди якун.

Бизнинг кўлимизда яшаш ҳуқуқи,
Йўқдир тақикланган имкониятлар.
Покиза дилларга ўғри тушдими,
Камайиб кетмоқда тоза ниятлар.

Ким елиб-югурар нафс қайғусида,
Кимнингдир зари бор, кимнингдир зўри.
Агар меҳр билан нигоҳ ташласак,
Қуёшдан иссиқроқ юракнинг кўри.

Бизга нима керак меҳрдан бошқа,
Оқибатдан яхши бойлик бормикин?
Кўйинг, бошингизни деворга урманг,
Йиғлаган одамга толе ёрмикин?

Умр ҳеч кимсага қайта берилмас,
Ҳайратланманг оддий ҳақиқат билан.
Бир кунда минг марта бахтли бўласиз
Дўстлаша олсангиз табиат билан.

СЎНГГИ САФАР

Мени ҳаммадан ҳам яхши кўриб, «Сени исмингни айтмайман, бек деб катта қилганман, бек...» дердилар отажоним.

«Умринг узок бўлсин...» дердингиз,
Умрим бунча узок, ох, ота!
Юрагимни кўмди-ю тупрок,
Осмонимга тўлди зоғ, ота!
Ғариб бўлиб қолган бегингиз
Ҳасратларни олди жамғариб.
Тирикларнинг ичидан сизни
Тополмайди энди ахтариб.
Афсу-у-у-с...
Кенг ҳовлимиз хувиллаб қолди,
Итдек изғиб юрибман ёлғиз.
Мана, тобут чиққан дарчага
Суянганча турибман ёлғиз.
Хаёл сурган карахт дераза,
Нега оғзинг очилиб қолган?
Сендек кўзи тўрт бўлиб отам
Мени кутиб кўзлари толган...
Йиғлоқлигим айбга буюрма,
Ўпиб кўяй тўртта кўзингни.
Биз ҳам кетсак, ер тўюрми-а?!
Айтгил айта олмас сўзингни.
Сўнгги дийдор дамларидаги
Ҳақиқатдек совиб қолганман,
Ҳеч ким мени овунтиролмас,
Тегишимни ғамдан олганман.
Тошбағир вақт бунчалар хотам?
Сўнгги сафар, сўнгги сафар ҳам
Шошқалоқлик қилгани учун
Пушаймоним тутмоқда мотам.
Сабрим эса қўйдайн ювош,
Қисматига кўника қолди.
Борса келмасга кетдингизми,
Бир сўз демасдан ўлим олди?

Умрим бўйи кулиб юрган эканман,
Йиғламоқ навбати менга ҳам етди.
Биз эккан ниҳоллар гул кўрсатмасдан,
Сиз эккан тераклар кесилиб кетди.

Бардошимни тоғлар кўтаролмайди
Кўнглимни сўраса уруф-аймоқлар,
Юраги тош йўллар уйимга элтса,
Сирдошим бўларди момақаймоқлар.

Қишлоққа қайтсам ҳам қабристондаги
Янги уйингизни кўриб, куяман,
Севги шифо, дерлар, дилга ин қурган
Хаёлимдан кечиб, кимни суяман.

Буни тушунмайди дўсту биродар,
Кўлимдан тортқилаб: «ўйна, қувна!» дер.
Сиз дуо қилгансиз, умрим кўп узок,
Мени қучоғига олмаяпти ер.

Йигирма учинчи январь,
Нега мени этдинг дарбадар?!
Совуқларинг севимли эди,
Кўзларинг оч, севгимни еди.

О, одамлар, хиссиз одамлар,
Ҳисларимни тепкиладингиз.
Йиғлашга ҳам ҳолим қолмади,
Қабокларим – қуриган денгиз.

Ота, очинг кўзларингизни,
Ёнингизда турибман, қаранг.
Нега мени яхши кўрмайди
Рухингизни авраган найранг?

Йигирма тўртинчи январь,
Сен кечаги кундан ҳам баттар.
Нега жоним олақолмади
Юрагимга санчилган ханжар?

Осмоннинг оқ кўчаларида
Парвоз қилиш яхшими шунча.
Ҳой, қариндош, мени тушунинг
Бир бурчакда туриб кулгунча.

Кулиш осон... жудаям осон...
Кеча мен ҳам кулаётгандим...
Сўзларимга ташна одамга
Узоқ умр тилаётгандим...

Бугун... бугун шундай қора кун
Отамга оқ кўйлак бичтирди,
Оппок тушлар кўрардим аввал,
Ҳаётимга қора кун кирди.

Бугун янги тупроқ уюми
Атрофида хаёлим кезар,
Қабристонга элтгувчи кўча
Энди юрак-бағримни эзар.

Сиқилсам ҳам шеърга келаман,
Йиқилсам ҳам шеърга келаман.
Кўнгил истар фақат хурликни,
Не килсам ҳам шеърга келаман.

Уйғонганда вафлат уйкудан
Ўзга дилдош топа олмадим.
Дўл ёққанда муздек туйғудан
Юрагимни ёпа олмадим.

Чил-чил бўлди қалбим дарчаси,
Бардошимни синдириб қўйдим.
Дард, келақол, дил косасида
Зардобингни тиндириб қўйдим.

Мени хўрлаб, хоригандирсан,
Азоб сувин сен ҳам тотиб кўр.
Симир сўнги қултумигача,
Кейин суюн, хандон отиб кўр.

Қувончимга харидор бўлма,
Мен барибир кулиб яшайман.
Севинсам-да синов дунёда
Ўз ўрнимни билиб яшайман.

Яшил майсаларни босгим келмайди,
Биламан, уларнинг умиди бисёр.
Гиёҳлар дилига шодлик бахш этган
Бизни соғинтириб келган бу баҳор.

Боғимизда бир туп бодом гуллабди,
Гулбаргини тўкди баҳор ёмғири.
Осмонга қўшилиб йиғлагим келди,
Тинчим йўк турналар қайтгандан бери.

Ўйлайман ялпизнинг юзини ўпиб,
Бу кунга етган бор, етмаганлар бор...
Эсламай десам ҳам эсимга тушар
Қиш бўйи кўнглимни йўқлаган озор.

Қалбимда бойчечак бўй таратганда
Юрагимда севинч насими елди,
Бугун бутун олам гул яратганда
Мен ҳам одамдайин суюнгим келди.

Сиз «Яша!..» дедингиз, яшагим келди,
Яшашни билмасдан яшаётгандим.
Сезиб қолдим ахир сафар дунёнинг
Юрагига қадам ташлаётганим.

Мудом йўловчиман, манзилим Ҳақдир,
Турфа ноҳақликдан бўлди қон дилим.
Барча истагингни бажармас тақдир,
Имкон чегарасин тан ол, жон дилим.

Ўйладим, босмаган қадамларимни,
Юрмаган йўлимнинг хатоси ҳаққи.
Дийдорини севган одамларимни
Ёқтирган ўлимнинг хатоси ҳаққи.

Жимгина хулоса чиқарди кейин
Қисматимнинг сўзи йўқолган хати,
Ҳайрат денгизини лойқалаб кетди
Бемор дилимдаги соғинч суврати.

Сиз «Яша!..» дедингиз, яшагим келди.

ЁРУҒ ХАЁЛЛАР

Бунча ёруғ сизнинг хаёлларингиз,
Ёруғ йўллар томон бошлайди мени.
Соғинчдан ичикиб қолган юрагим
Қуёшга талпиниб яшайди энди.

Энди хотиралар ортга чекиниб,
Бугуннинг шаънига айтади табрик.
Ошиқ юракларга остона бўлди
Иккита қирғоққа бош эгган кўприк.

Дарахтлар қўлини кўкка кўтариб
Шундай голибликни олқишляпти.
Тарновларни чертиб қўшиқчи ёмғир
Бизга янги қўшиқ бағишляпти.

Биз эса, бепарво, беғаммиз яна,
Бир гўзал ҳис кўнгил юртига пойтахт.
Бунча ширин бирга кечирган ҳислар,
Бунчалар яхшисан, қайтиб келган бахт!

НАФАС ОЛИНГ...

Кўклам деган сахий фаслнинг
Шаббодаси бошимни силар.
Сочига гул таққан дарахтлар
Майингина табассум килар.

Кўзларингиз очиб, Худонинг
Берганига шукрона айтинг,
Тирик бўлса томирларингиз
Омонликда юракка қайтинг!

Тоғолча ҳам уйғониб кетди,
Кийиб олди оқ гулли кўйлак.
Сувни кутиб ётган ариқча –
Юрагимга туташган йўлак.

Шу ариқнинг икки чаккаси
Тўлиб кетди ялпиз ҳидига.
Ер юзига оёқ қўймасдан
Бир қаранг дунёнинг дидига!

Менинг тилим гуллай бошлади,
Кўнгил сириш ошкор этипти.
Баҳор ёмғирида ювинган
Сочларим ҳам гуллаб кетяпти.

Сиз ҳам она заминга ўхшаб,
Нафас олинг майсалар билан.
Энг аввало тупроқни севинг,
Ана шунда гуллайди Ватан!

ТИНЧ КУН БЎЛСА...

Тинч кун бўлса, юрагингда йиғламаса армонлар,
Ич-ичингда дод солмаса соғинчлару хижронлар.
Бир кун бўлса, хаёлларинг уйғотмаса хотира,
Бу дунёнинг ишлари деб махзун бўлмасанг сира.

Ибодатнинг лаззатидан ҳалимлашса онг, дилинг,
Мўминликка бошлаб борса қадам ташлаган йўлинг,
Нафсингга қул бўлмасангу ширин ҳаловат топсанг,
Хатолардан узоқ бўлсанг, ёруғ бўлса ўнг-сўлинг.

Тинч кун бўлса, ташвишларинг ортингда кулиб турса,
Ғаму ташвиш уларни тарк этганинг билиб турса,
Бахт куёши чарақласа, дилда ғашлик қолмаса,
Кўнглингдаги ёруғликдан кўзларинг тиниб турса.

Тинч кун келса...

Кеча бахтли эдик, бахтиёр эдик,
Бахт ҳам ҳавас билан қарарди бизга.
Бугун бизни кутиб таниш кўчалар
Интизор боқади йўлларимизга.

Дарахтлар... улар ҳам негадир хайрон,
Ийманиб кафтида гул тутиб турар.
Осмонга қарайман, бир тўп булутлар
Соядек ортимдан эргашиб юрар.

Ёмғир ёға бошлар, шалаббо бўлиб
Соябон остида қайтаман уйга.
Тўрт девор ичида ёлғиз йиғлайман,
Энди бор дардимни айтаман уйга.

Дераза ортидан мўралайди ой
Илиниб яримта умидларини,
Уйқуси келмаган бир одам тунда
Хижжалаб ўқийди дил дафтарини.

Эсланади ҳамма айтилган гаплар,
Орзулар бирма-бир ёдига тушар.
Қисматнинг ишига кўниколмас у,
Юрак чидолмайди, юрак увишар.

Худо берган дарддан қутулиб бўлмас,
Ўша дардни дард деб аташ ҳам хато.
Куйиб кул бўларди минг ёшлик чинор
Одам бўлиб яшаб кўрса, мабодо.

Кеча турналарга ҳавас қилгандик,
Озод кушлар жуда бахтиёр, дердик.
Биз улардек бахтли бўлолмасак ҳам
Кеча бахтли эдик, бахтиёр эдик.

МУҲАББАТ

Кўнглимнинг бир парчаси –
Юрагимда ўсган гул.
Менинг бутун умримни
Эгаллаб олдинг буткул.

Менсиз яшайсан доим,
Сенсиз яшолмай қолдим.
Олдинга ё орқага
Қадам ташлолмай қолдим.

Умримни кузатаман
Қарахт аҳволга тушиб,
Ёнингга борар эдим
Қанотим бўлса учиб.

Тош бўлдим, темир бўлдим,
Йиғладим, қулганим йўқ.
Дунёда яшайин, деб
Қадримни билганим йўқ.

Кеча мен бахтли эдим
Туйғуларим бағрида,
Бугун яшаб юрибман
Ёлғизликнинг шаҳрида.

Кўнглимнинг бир парчаси –
Юрагимда ўсган гул.
Болаликда шоҳ кўнглим
Бугун сенга бўлди қул.

ИШОНЧ

Ойни соғинади юлдузлар,
Қоп-қора тўн кийиб олган тун.
Мудроқ кўзлар уйқуга кетган
Ором олиш, дам олиш учун.

Кўзларига келмайди уйқу,
Дуо айтар бир бедор юрак:
«Болам ҳали нима кўрибди,
Болам ҳали яшаши керак...»

У жим дуо айтар, жимгина
Дардларини тинглайди Худо.
Ижобатмиш тоза кўнгилдан
Ҳатто тилга кўчмаган дуо.

Шу гапларга ишонар она,
Кўзларида дарё оқади.
Боласининг кўзлари яна
Қуёш каби кулиб боқади.

Коронғудир ўн беши ойнинг,
У ғамларга боқар мардона.
Узун тунни кузатиб қўйиб,
Тонгни бедор қаршилар она.

ЯХШИ НИЯТ

Озгина сабр қил, яна озгина,
Ишонсанг, ҳаммаси яхши бўлади.
Ҳасад кўшиғига жўровоз гина
Йўқолиб, юрагинг завққа тўлади.

Бахт ҳақида узок куйламоқ мумкин,
Кузги япроқларнинг ракси сўнгунча.
Осмонга етишмоқ армон бўлса ҳам,
Куёшни унутма ўла-ўлгунча.

Вактинча кулар ғам, йиғлама ҳозир,
Йиқилсанг, кўчада қолиб кетмайсан.
Тириклик ғанимат, бойиб кетсанг ҳам,
Пулни чўнтагингга солиб кетмайсан.

Дилни ўртамасин майда ташвишлар,
Куйсанг, умринг гули эрта сўлади.
Озгина сабр қил, ўзингга ишон,
Ишонсанг, ҳаммаси яхши бўлади.



Ю ИЛНВ

ШУНДАЙ ЯШАСАНТ...

Ватан, деганингда кўзинг яшнаса,
Юрт, десанг, дилингда ғурур уйғонса,
Шундай яшасангки, яшамоқ ишқи
Кўксингда оловдек гуриллаб ёнса.

Яхши ният билан кўчага чиқсанг,
Кимдир бахра олса қилган ишингдан.
Кейин суюнса-ю, раҳмат, деб айтса,
Ўзинг бахт топасан ўз ташвишингдан.

Виждонингни арзон пулга сотмасанг,
Бахтингга барака беради Худо.
Шундай яхши кунда томир отмасанг,
Гуллаган умрингдан бўласан жудо.

Тотли туюлади бир бурда нон ҳам
Меҳнат қилиб окса пешона теринг.
Ишласанг гул унар тошлок ерда ҳам,
Бугун ўзингники шу Она Еринг.

Шу серкуёш диёр, шу сахий тупрок
Яратганнинг берган иноятидир.
Кўлни дуога оч, шукрона айтгин,
Хурлик хаётингнинг хидоятидир.

Сен шундай бахтлисан, эй, озод инсон!
Излагин, излансанг тўрт ёнинг имкон.
Қанча қоракўзлар сенга ишонар,
Ўзгаларга эмас, ўзингга ишон!

* * *

Ватан нелигини англар экансан
Умринг дарахтидан узилса барглар.
Бошингда чиркираб айланверса
Ватанидан жудо бўлган лайлаклар.

Ватан нелигини англар экансан,
Товонингни ўпган тупроқ тирилса.
Бир маромда уриб турган юрагинг
Яшашнинг ҳақиқий маъносин билса.

Ватан нелигини англар экансан,
Бехосдан ўзингни англай бошласанг.
Тўрт томонинг қибла бўлган дамда ҳам
Ёлғиз ҳақ йўлини танлай бошласанг...

Ватан нелигини англар экансан...



ЯНГИ ОЙ

Янги ой чиқибди, сиз кўрдингизми?!
Янги ой чиқибди, каранг самога.
Яхшилиқни истаб ўй сурдингизми,
Бугун тўймаяпман тоза ҳавога.

Қайга кетганингиз билмайман ахир,
Тун – куннинг юзига тортилган никоб.
Ноилож эртани кутиб яшайман,
Эртага қўлимга тегар у китоб.

Ҳали мен ўқишга улгурмаган сир –
Тақдирим, тириклик дарбадарликми,
Хаёлда, баъзида тушда кўришмоқ
Танграм тухфа этган бохабарликми?

Атрофимда тўзғир туманли кунлар,
Чидайман, чидамай нима қилардим.
Келмадингиз янги ойга айланиб,
Қанотим бўлганда ўзим билардим...

СУВРАТИНГИЗ...

Сувратингиз бағримга босдим,
Биров тортиб оладигандек.
Хаёлимдан кета олмайсиз,
Ёнгинамда қоладигандек.

Дил дафтарин беркитолмайди,
Ҳолин кўринг шу ростгўй қизни.
Еру кўкка ишонмас эдим,
Ахир қандай унутаё Сизни?!

Зангласа ҳам темир бардоши,
Ҳар нарсага чидаркан одам.
Наҳот ботди қалбим қуёши,
Бевафога ўхшар бу олам.

Бедавога ўхшайди дардим,
Осмонимни қоплаган булут.
Арзимни кимга ҳам айтардим,
Сабр ичра топганим сукут.

Табиатим инжиқликлари
Ғала-ғовур бозор сингари,
Нелар бўлаяпти, хайронман,
Бундай эмас эдим илгари.

Нима қилиб қўйдим, билмайман,
Ишқ дорига ўзимни осдим.
Ўлганимга эътибор берманг,
Сувратингиз бағримга босдим.

Сувратингиз...

ОРЗУ

Овора бўласиз кўнглимга қараб,
Сизни ранжитади аламзада дил.
Ҳасратим хиринглар сочини тараб,
Ўзимга ўхшамас, ўйларим минг хил.

Бўйимга мос келмас ғам тиккан либос,
Оҳ, шодлик, кўйлагинг бунча чиройлик...
Кўнглимни сўраманг, факат, илтимос,
Қоронғу кунларим яримта ойлик.

Ўзингиз айтгандек бўлдим бепарво,
Энди борлигимни дардга ўраманг.
Етар, юрагимда кўтарманг ғавғо,
Кўнглимга қараманг, кўнглимни сўраманг.

... янги кўйлак тикиб берармиш шодлик.

Ана холос, яна сизни унутиб,
Борлигингиз эсламай кўйибман-а.
Сезиб туриб менга интиқлигингиз,
Зорлигингиз ёлғонга йўйибман-а.

Тўйибман-а, дунёнинг ғаввосидан,
Жонга тегди шовқину можароси.
Минг ўргулиб ишк деган савдосидан,
Бўлсам бедор, овғрияпти яроси.

Борми, йўкми, билолмайман аслида
Юрагимнинг юрагида бедард жой.
Музқаймоқни яхши кўрган боладек
Айтганини қилган кўнглим эркатой.

Ғўр бўлса-да болаликнинг ўйлари
Эҳ, ўшанда эртакка ишонардим,
Чўпчакдаги бахтга эриша олсам
Кўйингизда олов бўлиб ёнардим...

Ўз ёғимда коврилмасимдан аввал
Эртакка ишонардим-а, эндичи?
Ғамга эрмак бўлган дил жиғибийрон,
Мен каби кимнингдир бузилган тинчи.

ҚАДРДОНИЦА

Уйимиз томига суянган ўрик,
Не дардда эканинг тушундим бугун.
Қарагин, пойингда гул бўлмоқчиман,
Йўк, нарвон эмассан энди мен учун.

Юлдузларга яқин боргим келса ҳам
Бошқа чора излаб топаман, майли.
Тўлин ой юзида доғ кўриб қолди
Мажнунни кидириб телбавор Лайли.

Бахорда гул бўлиб очилган эдинг,
Ёзда эса сахий дўстга айландинг.
Кузда айрилиққа, қишда совуққа
Қадингни тутмоққа нега шайландинг?

О, қандай елкангга оёқ босайин,
Оёғим остига тўқдинг топганинг.
Гунг бўлиб қолдингми, гапирақолгин,
Сира ёқмаяпти оғиз ёпганинг.

Айтгин, сирдошгинам, хато қилдикми,
Алдаган эдингми суюнсин деб ё?!
Ё мендек садоқат талабгоримас,
Ё сенга ўхшамас экан бу дунё.

Оғрийди кўнгилнинг дарз кетган жойи,
Мудраган армонлар ухлаб қолади.
Ҳар галгидек қўшиқ хиргойи қилиб
Азобларим сизни ёдга олади.
Нурга талпинади юракни эзиб
Бахтни соғинишган ғўр капалаклар,
Бир куни қоп-қора зулматдан безиб
Тонгни севиб қолар кўршапалаклар.
Ўшанда бўлмайди дунё ҳам бир кам,
Ҳуш бўй таратади сассиқалаф ҳам.
Эсанкираб қолар анчадан буён
Тузукрок тасодиф кўрмаган одам.
Хўш, кейин...
Хўш, кейин нима бўлади?
Юлдузларга қараб фол очганим йўқ.
Йўқ, ҳаддан ташқари умидсизликка
Тушганларга сира уролмайсиз дўқ.
Кўзингиз қамашиб қолибди, қаранг,
Фақат, фақатгина бойларга боқиб.
Бу кунлар ҳам ўтар, ўтмасдан қолмас,
Манманлик ҳам кетар сойларга оқиб.
Юлдузларга қараб фол очмадим, йўқ,
Кўнгил кемтиқларин кўриб қолибман.
Яна ҳасрат халтам очилиб кетди,
Нимагаям сизни ёдга олибман.

СИР

Дилрабога

Бу қизнинг сирини ҳеч ким билмайди,
Бу қизнинг юраги тош дерлар, фақат.
Мингта ошиғи бор, парво қилмайди,
Суйиб ейдигани ош, дерлар фақат.

Бир куни ошга ҳам тўяр-ку одам,
Тўлдириб бўларми яримта дилни?
Қаро ерга бошин кўяр-ку одам,
Кўмиб бўлармикин зада кўнгилни.

Шу қизнинг тузалмас яралари бор,
Қалбининг қатига беркитиб олган.
Ийманар, бировга кўрсатмас сира,
Кимнидир кутади, кўзлари толган.

Балки шунинг учун кўз ёши қилмас,
Йиғламас, тўғри-да, чарчоғи чиқсин.
Синиқ пиёлада сув ҳам турмайди,
Бахт сизмаган уйга яна не сизсин?!



ҚИШЛОҚ ҚИЗИҶА

Ҳар тўйни энтикиб кутардинг,
Борар эдинг уни кўргани.
Энди тўйга боргинг келмайди,
Бормайсан қайғуни кўргани.

«Бугун унинг тўйи бўляпти...»
Томоғингга тикилар шу гап.
Гул бўлмаган ғунча сўляпти,
Сўлитдилар уни эркалаб.

«Келин салом» бўлар эрталаб,
Салом қилар тахтли келинчак.
Бутун орзу-умидларингни
Тамом қилар бахтли келинчак.

ДУДАТУ ТАТЛАР

Ер колиб осмонни севган юлдузман,
Шунинг учун умрим ташвишга тўла.
Сокин хаёлларни ёктирган кузман,
Хазондек дардимни тўқдим бир йўла.

Яна кўнглим боғи хувиллаб қолди,
Азобландим айна қиш кунларида.
Ҳаёт кимлигимни ёдимга солди
Сеҳргар тақдирнинг афсунларида.

Дайди шамолларга дўст тутиндиму
Хаёлдек дунёни кездим дарбадар.
Ёлғизланиб қолган дарахтга ўхшаб
Бировга бўлмагин экан дардисар.

«Нега сиз ҳеч кимни севмайсиз? Ахир...
Нега соғиндим, деб шеърлар ёзасиз?
Мен ёзсам, рост гапни ёзаман!» деди
Муҳаббат юртида яшаётган қиз.

Ҳеч кимнинг дардига ўхшамас дардим,
Не қилай тош чиқса еган ошимдан?
Ўн саккиз ёшимда ёмғир ёғмади,
Севги изҳорлари ёғди бошимдан.

Ошиқлик боғига кирмаган эдим,
Севги деган гулни кўрмаган эдим,
«Севасизми?» деган мактублар келди,
Севмайман! Севмайман! Севмайман!.. дедим.

Ахир мен чиндан ҳам билмас эдим-да,
Соғинч деган туйғу ёмонлигини.
Ўша пайтлар писанд қилмас эдим-да,
Қайтар дунё – қайтар замонлигини.

Кейин бир аломат замонлар келди,
«Куйиб кетдим!» садо келди ичимдан.
Негадир умримга ўхшаш изладим
Болаликда топган эртақларимдан.

Эртакка ўхшамас экан бу дунё,
Сукутлар юртидан қидирдим паноҳ.
Ёнганимни тўйиб томоша қилди
Жавобсиз, садосиз чиройли нигоҳ.

Айтиб бўлмасди-да дил достонини,
Эшитса одамлар нима дер эди.
Бизнинг бахтимизни ёмонлар эмас,
Бизнинг ишқимизни андиша еди.

Ҳижрон кунларида куйди дилимиз,
Кўп суюндик кўзлар кўришган куни.
Нимагадир яна бизни йиғлатди
Куйган юракларнинг аччиқ тутуни.

Ох, бутун дунёни туман босди-ей,
Кейин тополмадик бир-биримизни.
Айтсак, ким тушунар, қандай айтамыз
Юракка яширган бу сиримизни.

Йўк! Фақат бағрингиз тош экан, деманг!
Ҳеч вақт бизга ўхшаб қуймагансиз сиз.
Бизми? Бизни қўйинг, сиз бахтли бўлинг,
Муҳаббат юртида яшаётган киз!



ШЕЪР НИЦА?

Ширин жимлик
Жимжитлик
Бир сония сокинлик
Сўз йўк
Кўзлар бор холос
Ҳамма шундай қарайди
Вақт сочини тарайди
Соатнинг милларида
Овоз эшитилади
Чик...
Чик...
Чик...
Бу сокинлик бағридан чиқиб кетасан.

ЁЛҒИЗЛИК

Пиёлада совиб колар чой,
Ичиб кўрмас, унинг хуши йўк.
Индамайди энди сирдош ой,
Тиллашгани кўнгил куши йўк.

Туни билан мижжа қоқмайди,
Бесаранжом ётади ҳовли.
Энди унга бир гап ёкмайди,
Қозон билан учрашмас човли.

Ишсиз қолган супургига ҳам
Беҳафсала боқади аёл,
Бу дунёнинг энди бири кам...
Оч қолган кўй суради хаёл.

Бефарзандлик, ёлғизлик ёмон,
Ташлар зиндон — ғамхонасига.
Қачон қадам қўяр экан бахт
Бу хонадон остонасига.

СИНОВ

Ҳалиям ўшандай фикрдамисиз,
Кўнгилнинг хониши етмасми Сизга?
Сокин тун сиримни билолмай маҳзун,
Бардош деган болиш сирдошдир бизга.

Тош ёстик юзини ювар кўз ёшим,
Юрак – қуёш, тафти қуритар намни.
Севинчимни сўраб тиланиб турса,
Остонамдан қувиб ҳайдайми ғамни.

Ҳаётнинг маъноси... энди тушундим,
Ёнма-ён яшайди оқ билан қора.
Синовдамиз, ахир сочларимизга
Оқ тушмай юз ёшга кирдик юз бора.

Ёмғир ёғишини кутяпти тупрок,
Ёзнинг кўзлари ҳам сарғайиб кетди.
Негадир августнинг юзлари сўлғин,
Соғинмоқ навбати унга ҳам етди.

Мени кўп хайратга солмади бу хол,
Мен ҳам шу аҳволда яшаётгандим.
Кунларнинг ўтиши келгандек малол
Мен ҳам қаёққадир шошаётгандим.

Кўнглим кўчасида кузни учратдим,
Кўрдим юзларида ширин табассум.
Негадир унинг ҳам кўзлари сарик,
Афсус, у ҳам шундай азобга маҳкум.

Осмонга қарайман, кўм-кўк кўйлақда,
Кафтида куёшни тутиб турибди.
У ҳам ҳаммамизга ўхшаб, соғиниб,
Кимнингдир келишин кутиб турибди.

Ким экан, ҳаммани азобга солган?
Бир зумда ковоғин солади дунё.
Шу куни, ҳамманинг сабри тугагач,
Мухтожларга раҳм қилади Худо.

Ёмғирда юзини ювади япроқ,
Ҳасрати тўкилиб кетадигандек.
Тупроқнинг исидан юрак энтикар,
Ҳақнинг дийдорига етадигандек.

Энди... алвидо... деб айтмоқлик қийин,
Осон эмас кишнинг қўлидан тутмоқ.
Насиб қилармикин ҳамма одамга
Мана шундай бахтли ёмғирни кутмоқ?

КУЗ ЯҚИН...

Август кўч-кўронин кўтариб кетар,
Ҳадемай эсади мезон шамоли,
Дийдорлашмоқ гали кузга ҳам етар,
Вакт – умр заволи, умр заволи.

Дунё сариқ рангга бўяр сочини,
Турналар йиғласа, ёмғир ёғади.
Ҳамма қаёққадир кетяпти шошиб,
Ўйлаган одамнинг эси оғади.

Юрак энтикади ненидир кутиб,
Ёшини яшаган дилларда титроқ.
Сўнгги нафасини ичига ютиб,
Тупрокнинг юзини ўпади япроқ.

Куз яқин...

Ох, буни сезмайди ҳеч ким,
Оҳлардан сабримнинг косаси тўлар.
Йилнинг охирида ёққан қорларда
Кимдир гуноҳини ювмоқчи бўлар.

Кунлар янги ойни етаклаб келар,
Этагини йиға бошлайди очун.
Товукбоқар каби яшаймиз нахот,
Жўжамизни кузда санамоқ учун?

Фақат ёмон хаёлга борманг,
Ўйларимга асирман, десам.
Ёвлик ошни бир четга суриб,
Дардда пишган таомни есам.

Фақат ёмон хаёлга борманг,
Маслаҳатлар қор қилмас менга.
Кўпдан бери шундай яшайман,
Ғам дунёни тор қилмас менга.

Фақат ёмон хаёлга борманг,
Очиккўнгил бўлиб кўринсам,
Кўзим кулиб, дилим йиғласа,
Гоҳ ғазабга тўлиб кўринсам.

Олти соат вақт ўтиб кетса,
Олтита сўз айта олмасам,
Изингиздан ёнган йўлларга
Сув сепгани қайта олмасам.

Фақат ёмон хаёлга борманг,
Кўзимда ёш қолмабди, нетай?..

Юрагимнинг ёнидан ўтган ёлғиз оёқ йўл —
Хали ҳеч ким қадам босмаган сўқмоқ.
Мен эса баҳорда қор ёғишини
Билмай эрта гуллаган дарахт.
Охири бахайр бўлсин умрнинг...
Умр нима ўзи?
Эриб битаётган оппоқ қорми у,
Тупроқнинг бағрига сингиб кетарми?
Пуштиранг гулидан айрилган дарахт
Тонгда унут бўлган тушга ўхшарми?
Нурли сочин ёйиб чиққанда офтоб
Осмонга буғ каби кўтарилади
Аламдан тўйинган заминнинг дарди.
Шу онда табиат тилга киради
Кўклам билан сўйлашмоқ учун.
Ёлғони фош бўлган кимсани кўрсам,
Негадир шу ҳақда ўйлайвераман.

Ёниб тугаяпти нотинч хаётим,
Тугаб бораяпти ташвишларим ҳам.
Мен янги йўлларга томон юраман,
Изимдан эргашиб келаварар ғам.

Кўнглимга яшириб кўз ёшларимни
Дарди йўқ одамдек кулиб тураман.
Бундай яшаш оғир, жудаям оғир,
Афсус, ҳаммасини билиб тураман.

Негадир бирма-бир йўқотиб қўйдим
Юрагимга яқин одамларимни.
Пулин ҳисоблаган гадойга ўхшаб
Санаб бораяпман қадамларимни.

Алдадилар, мени яна алдадилар,
Сезмадилар энг покиза тилагимни.
Чиннигуллар қаторига кўшмадилар
Саратонда сўлиб қолган юрагимни.

Келиб-келиб офтобга кўнгил кўйибмиз,
Гул эдигу куя-куя кул бўлдик биз.
Чакмоғим-ей, холимизга раҳм қилмай
Кула-кула қабоҳатга кул бўлдингиз.

Тушиб қолдик тушунмаслар гирдобига,
Кўнгил кенгу кенг дунёга сиғмаяпмиз.
Сабр қилмоқ конимизга сингиб кетган,
Ёшмиз, ёшлик, ҳаммасига чидаяпмиз.

Бунчалар ғалати дунёнинг иши,
Йўқ, дунё ишимас, инсон қилмиши.
Қисмат бир машшоқдир, чалган куйига
Мос келмай қоляпти юрак хониши.

Бадарға бўлгандек шодлигу қувонч
Остонамга қадам ташламай кўйди,
Хаттоки дўстга ҳам қолмади ишонч,
Дилни абгор этди, пичоксиз сўйди.

Кейин дайдиб кетди дайди хаёллар,
Ёндим зўр оташнинг исканжасида.
Жавоби топилмай қолган саволлар
Қалбни тилкалади тир панжасида.

Учишга шайланган полапон эдим,
Устозим ҳаётнинг дарсини олдим.
Мени суймаганлар шивир-шивирин
Эшитмай яшашга ўрганиб қолдим.

* * *

Кулиб яшанг, зиён бермайди,
Оқибат йўқ, деманг, мана оқибат
Меҳрсиз одамга айланмоқдасиз.

Зор бўлиб кимнингдир ташрифи учун
Ҳижронлар соғинчга айланар охир,
Поёнига етар ўн беш қаро тун.

Тароватсиз узун-қисқа йўлаклар
Қадамингизга зор, ана катта йўл –
Субҳидам қуёшни уйғотиб чиқар.



ЎТИҚ ДЕРАЗЛАР

Ўрмалаб юрибди калб дарчасида
Нордон-нордон гаплар кўним тополмай.
Эътибор бермадим сира уларга.

Ўпик деразалар – кўрғон деворлар
Оғрик-ситамлاردан кўриклар дилни.
Хаёлларим – инсофли банда.

Кўнгилга хиёнат қилмаган ҳислар
Тилнинг маконига қадам босмайди,
Соғинчим қанотсиз қушга ўхшайди.

Уйқудан тургандек кўзлари очик,
Қабоклари очик дарча ёнида
Яхшилиқни кутиб ўтириш яхши.

* * *

Ҳислар ҳам қариши мумкин экан-да,
Ҳислар ҳам ўлиши мумкин экан-да,
Буни исбот қилди охириги суҳбат.

Кўникиб яшади алдовларингга
Ёлғонга илк дафъа дуч келган одам,
Тузсиз сўзларингдан безди охири...

Қишдан омон чиққан кекса дарахтдек
Кимга ўзларини кўз-кўз қилмоқчи
Янги кўйлак кийган эски туйғулар?

КҮНГИЛ ИШИ

Хуррак отиб ухлар бир одам,
Бировни қийнайди рўзғор ташвиши.
Қайларда тентираб юрибди отам...
Кўнгилга сиғмайди кўнгилнинг иши.

О, қисмат, адашиб қолмай йўлингда,
Дўстларим кўзимга сукмасинлар чўп.
О, руҳим... тақдирим сенинг кўлингда,
Гангима, ағёрнинг алдовлари кўп.

Ниятга етай, деб юрагим шошар,
Нотаниш кимсалар чиқар йўлимдан.
Фалокат оёғим остида яшар,
Бир куни қарзимни узгум ўлимдан.

КЎЗЛАР ТЎҚНАШГАНДА...

Кўзлар тўқнашганда Сизга кўп қийин,
Кўзлар тўқнашганда менга ҳам оғир.
Ў, қачон охирга етар бу ўйин,
Орзуга айланган юрагим сағир.

Эс-хушини йиғиб олди-ку хаёл,
Ўйларимдан узун умр йўллари.
Кўзлар тўқнашганда кўринди кўзга
Искандарнинг очик кетган кўллари.

Эҳтимол, оламда энг бахтиёр мен,
Бўлмағур хаёлни ҳисобламасак.
Дил кулфин очай, деб овора бўлманг,
Сохта сўз – эрмакка чалинган қарсак.

Хўп, майли, бир қараб қўймоқлик билан
Дунё остин-устун бўлиб кетмайди.
Сўзсиз сўзлашмоқлик – роҳат, жароҳат...
Тасодифлар буни инкор этмайди.

Кеч кирди, ухлашдан олдин негадир
Дардини дастурхон килди юрагим,
Сабрдан суюнчи сўради охир
Тотли лаҳзаларни кутган тилагим.

Хаёлим тун бўйи йўталиб чикди,
Сабаби, кўнглимнинг ҳаловати йўк.
Кўрпасига қараб оёқ узатган
Девона орзунинг энди кўнгли тўк.

Кўзларим...
Уларга кийин, уйқуга
Рад жавобин бериб улгурган тилим.
Умидим – бўзариб отаётган тонг,
Машаққатли мақсад – менинг манзилим.

ДУНЁ БОЗОР...

Амал қилолмадим айтган сўзимга,
Ўзим қарши чиқдим ўзимга.
Дунё – бозор, озорларини
Сотиб олиб бердим кўзимга.

Озор эриб, ёшга айланди,
Бардошларим тошга айланди.
Тошга тўлиб кетган кўчага
Оёқларим ипсиз бойланди.

Кеча азоб занжинин еча
Мен бугунга бўлганман тутқун,
Эртага тушмайди ўртага,
Ҳозирланай келажак учун.

ТИЛАКЛАРИМ...

Эй Худо,
Мени дарддан этмагин жудо.
Майли, чоҳга йиқилиб тушсам...
Дўстларимни синамоқ учун.
Олгин эмас, тупрок берақол,
Кўрсатайин дуолар кучин
Ҳақиқатни севмаганларга.

«Лайлатул кадр»
(Қасд қилмаган топарми кадр?)
Бир йил ичра шу бир тун азиз,
Кутсам... Келса, кўрсатса тақдир.

Мен бир бурда қора нон топсам,
Келган бўлса пешона терга.
Нега уни бировга бермай,
Савоб сувдан азизроқ бўлса?

Яна алдаб кетмоқ бўлсалар,
Қўйним тўлса пуч ёнғоқларга,
Ҳар қадамда дуч келаверсам
Гумрохларга, кўп гуноҳларга.
Тилакларим...
Тугилмасдан ўлсалар,
Нима қилай?..
Дунё гўё рўё, синов бўлса,
Фамларимдан ўзим ўргилай.

Эй Худо,
Дард дунёни танитди менга.
Энди ундан этмагин жудо.
Эй Худо...

БАЛКИ...

Кўзимда сиёҳранг гуллар очилди,
Янги дардларимни гулга ўрадим.
Сарфайган вароққа сиёҳ сочилди,
Уни кўрдингизми? Яна сўрадим...

Икки елкангизда икки фаришта,
Сизнинг тилингизни билмайди улар.
Узилса виждондан тўқилган ришта
Иймоннинг хароба кулбаси кулар.

Қаро тунни ташлаб кетганида ой
Тўғри, офтоб нури дилни ёритмас.
Бизга бахт қасридан топилмади жой,
Ният мадад бўлар, орзу қаритмас.

Қадам босманг, у ён боши берк кўча,
Ёруғ манзил эса охири йўқ йўл.
Синов сўндирмасин умидимизни,
Балки, шум қисматнинг кўнгли очиққўл.



Оқ...

Бир таниш қизга

Кетасан...
Кетмоғинг шунчалар осон,
Етасан манзилга,
Мен эса сарсон.
Айрилиқ энг яқин дугонам энди,
Аваллар ҳеч уни танимас эдим.
Ҳижроннинг кўзида ёшлари тинди,
Соғинч совчилардек ғаниммас дедим.
Едим, тошдан қаттиқ бошингни едим,
Қадрингга етмаган дилимни кечир.
Доим ғурур билан оввора бўлиб,
Ишқин айтолмаган тилимни кечир.
Мағрурлик бағридан топмадим паноҳ,
Гуноҳ бўлса фақат кўзларда гуноҳ.
Юрак тўкиляпти фаввора бўлиб,
Афсус чекканимни эшитмайсан, ох.
Ох... (захирадаги кўз ёшга ўхшайди кўп
нукталар ҳам.)

Таниш кўча... таниш дарахтлар...
Бошимизда бир парча осмон.
Ёмғир эмас шитирлаётган,
Йиғляпти энг гўзал армон.

Балки, у бахт, балки, соғинчдир,
Бу дийдорни орзиқиб кутган.
Дилда титроқ турган лаҳзада
Хотиралар қўлимдан тутган.

Ҳайриятки, ёлғиз эмасман,
Кета олмас ёнимдан меҳр.
Юрагимни сеҳрлаб қўйди,
Ўтиб кетди жонимдан меҳр.

Аввали бор ҳамма нарсанинг
Жавоби бор, интиҳоси бор.
Кетиш керак... кетишим керак...
Юрагимга етади озор.

Тушунаман, вақт — олий ҳакам,
Ҳеч ким билан ҳисоблашмайди.
Хайр... деймиз, кадамларимиз
Икки ёнга юра бошлайди.

Кўришгунча... хавотир олманг...
Тириксиз-ку, тутмайман мотам.
Сизни кутар аслида бахтсиз,
Иккимиздан бахтли бир одам.

КҮНИКИШ

Қадамимни секинлатаман,
Кўз тикаман, у манзил узоқ.
Кетолмайман бамайлихотир,
Йўлларимга қўйилган тузоқ.

Уммон эмас ҳажр сўқмори,
Йўқ, йўл яқин, тоғдан ошмайман.
Юлдузларга етса-да қўлим
Сиз томонга қадам босмайман.

Чап кўксимда ўт ёнаётир,
Ҳовуридан қуриydi кўз ёш.
Сабр энди уйғонаётир,
Тушунаман, мен – палахмон тош.

ҚАЙТАДАН ТУҒИЛДИМ

Туйғулар рангига термулдим,
Мени тарк этди-ку халоват.
Анчайин хориган рухимда
Туғилди оловдек харорат.

Вужудим гулханга айланди,
Бир онда ёндиму кул бўлдим.
Пок рухим турмоққа шайланди,
Оташда куймаган гул бўлдим.

Сездимки, қайтадан туғилдим,
Энди дард бегона, ғам унут.
Субҳидам шабнамла ювиндим,
Мени шод этди бу таваллуд.

АФСУС...

Мен кўчага чикдим,
Куз келаяпти,
Кўчани тўлдириб
Келаётир куз.
Шамол!
Шамол!
Суюн!
Суюнганингдан
Япроқларни узгин,
Япроқларни уз...
Узавер...
Мен уйга кириб кетаман.
Сен эса...
Ҳеч кимни кўрмайсан, афсус...
Билмайсан,
ранжиган бу одатингдан
Кўчани тўлдириб
кетаётган куз.

* * *

Офиргина қайруга
Енгилгина ух тортиб,
Қаёққа кетаяпсиз
Елкага ғамни ортиб?

Хазон тўла йўлакни
Армонга кўммай кетинг,
Кетсангиз кулиб кетинг,
Хаёлга чўммай кетинг!

Тўхтанг! Тўхтанг, яхшиси
Не бўлди, айтақолинг?
Аро йўлда нима бор,
Орқага қайтақолинг!

УЙҚУСИ КЕЛМАТАН

ҚИЗ

Лобарга

Мен осмонда, у ерда,
Кипригим ерга қарар.
Ўша хаёл ўғриси
Сочини силлиқ тарар.

Бошида минг хил ташвиш,
Иш дарди, ўқиш дарди.
Ҳеч кимга дил берма, деб
Бир дугонам айтарди.

Кеча-кундуз тинчим йўқ,
Нимага кўнгил бердим.
Муҳаббатнинг боғидан
Пушаймон мева тердим.

Яхшиямки, хаёл бор,
Уни ўйлайман ёлғиз.
Дардини кимга айтсин
Уйқуси келмаган қиз.

ШЕЪР – ШЕР

Юрагимда бир шеър ухлаб ётган экан,
Бир маъноли қарашингдан ҳуркиб кетди.
Оқ қоғозга қалам минг бир азоб билан
Ошиқ каби севгисини изҳор этди.

Ўқиганнинг юрагига ўт тушди-ей,
Шу баҳона мен баҳрингдан ўтиб кетдим.
Шу баҳона у эсимдан чикдими, деб
Мен чиндан ҳам қўрқиб кетдим, чўчиб кетдим.

Туйғуларим юрагимга сифмаяпти,
Айтган сўзим жуда оғир ботган экан.
Тиним билмай ич-этимни тирнаяпти,
Юрагимда бир шер ухлаб ётган экан...

Шеър ёзишдан бошқа ишни эплотмасанг,
Одамларга ўхшаб яшаш қийин экан.
Раҳмон билан Шайтон ҳар кун қилади жанг,
Яшаш нима, дейсан, яшаш ўйин экан.

Бир ой ишлаб, топган пулинг тўртта китоб,
Ношукурлик қилмай, дейсан, шукур, дейсан.
Мажлис деган сафсатани жининг суймас,
Бормай, десанг, муҳаррирдан дакки ейсан.

Йўқ деганда уч-тўрт қоғоз ёзиш керак,
Шеър каёқда, бир мақола уйқунгни ер.
Қалам отанг берган кетмон эмас экан,
Ишлайсану пешонангдан окмайди тер.

Шу ахволда топган пулинг ҳалолмикин,
Кўп даврада ҳалоллик бир тийин экан.
Қийин экан бир фирромлик қилолмасанг,
Зўр муғомбир бўлолмасанг қийин экан.

Кел, юрак, бу кеча ухлама, уйғон!
Тунни бедор ўтказ бугун мен билан.
Биз бирга кечирдик гўзал дамларни,
Биз бирга яшадик ахир сен билан.

Нимага ўхшайди оркадаги йўл,
Илон изи сўкмоқ судралиб ётар.
Дунёнинг куёши дилни ёритмас,
Айт, қачон, қай палла тонгимиз отар?

«Бахтли бўламиз!» деб мени алдама,
Ҳозир қиш, биринчи апрел эмас-ку!
Ёмон бўлар экан ёшликнинг киши,
Соғинч шамоллари гармсел эмас-ку.

Ўзимизга ўхшаб яшаймиз қачон,
Нега арпа экиб, буғдой ўрамиз?
Бугун ҳам бу ёлғон хаёллар билан
Ухлаб қолсак, қандай тушлар кўрамиз?

СИЗНИ КУТАЯПМАН...

Кўчадан бир изни қидираётиб,
Ўзни унутаяпман.
Сездимки, хавони симираётиб,
Мен қон ютаяпман.
Сизни кутаяпман...
Кутишнинг ҳар куни йилга ўхшайди,
Оғир, оғир бир зил замбилга ўхшайди.
Ҳаммани унутиб, Сизни кутаяпман,
Соғинч йўли узун... йилга ўхшайди.
Хотира чиройли, юпун кўйлақда,
Бир кафт меҳр тутар титраётган кўл.
Оппоқ қор... саждага бош кўйганича,
Жон сақлаб турибди биттагина йўл.
У йўлга интизор туйғу пойлоқчи,
Сизни кутаяпман кўнгил уйида.
Соғинчларим мудраб бош тебратади
Айрилиқ найининг маҳзун куйига.
Бир келиб кетмайсиз кўнгил уйига,
Бир келиб кетмайсиз кўнгил уйига.

* * *

Бу азобнинг на боши бор, на охири,
Уни ёлрон кўчасидан топиб олдим.
Эй, Худойим, дунёсининг ҳамма сири
Армон экан, юрагимни ёпиб олдим.

Юзи гулга ўхшаганнинг бари гулмас,
Яқин борсам, тиконлари санчилади.
Нима қилай, дона-дона орзуларим
Тегирмоннинг тошларида янчилади.

Кўз ёшимга қорилади туйғуларим,
Хотиралар китобини босади чанг.
Биласанми нима қилиб қўйганингни?
Яна менинг юрагимда бошланди жанг.

Яшабман, ғамга ғарк бўлган дунёда
Ҳаловат борлигин билмай яшабман.
Йигирма бир йўлни кезиб пиёда
Фароғат борлигин билмай яшабман.

Ўтган кунлар ўти ўтмишимда жам,
Кунларни сарҳисоб қилмай яшабман.
Буни қаранг, хатто юрагимда ҳам
Жароҳат борлигин билмай яшабман.

Бугун сезиб қолдим, бу тақдир хати
Мен истаган дамда келтирмас иқбол.
Йўқ, мен безиб қолдим, ҳамма ғалати,
Юзма-юз келганда сезилар бу ҳол.

Болаликда кийган кўйлакчаларим
Кичкина синглимга тор келар бугун,
Тирикликдан ортиқ баҳона керак
Эртани соғиниб яшашим учун!

* * *

Сизни соғинибман шекилли,
Вақт қалбимда қилар ғалаён.
Хаёлимга бир фикр келди,
Кўришамиз! Олам гулистон!
Аммо... қачон?!



Ҳамма айб ўзимда, сизни соғиниб
Йўқотдим ҳаловат деган туйғуни,
Мендан бошқа одам кўрмаган экан
Ҳеч қачон баловат деган қайғуни.

Ҳеч қачон сиз мендек садоқат билан
Ҳижрон кўчасида дайдимагансиз.
Нега ўз ёғида қоврилаётир
Севдим, деб ўзини алдаётган қиз.

Нега, айтинг?! Нега, нимага? Ахир...
Ахир... бир юракка оғир шунча дард.
Илоннинг ёғини ялаган тақдир...
Наҳот, ҳаммасини унутишим шарт?

АРАЗ

Эсингиздан чиқиб кетганман,
Қайғурмадим кетаётиб ҳам.
Бундан ҳам зўр ишларга кодир
Кулиб туриб йиғлаган одам.

Ўша одам менман, гапирманг!
Кўнглим борми, йўкми, билмайман.
Бегонадек яшаб кўрайлик,
Сиз кутмайсиз, мен ҳам келмайман.

* * *

Энг ёруғ, энг нурли гүшалар
Кўнглиннга, умриннга берар зеб,
Бошқалар ўйлайди бахт берар
Волиданг сенга деб йиққан сеп.

Сен эса... жимгина ўйлайсан,
Чувалашиб кетар хаёлинг.
Овозингдан чўчиб кетасан:
«Етар, хаётимдан... йўқолинг!»



ЖУДОЛИК

Ғамгин боққа кирдим, киш кунн эди,
Атрофни кузатдим зериккунимча.
Увадаси чиққан жонимни асрар
Мана шу кўк рўмол, мана шу нимча.

Бор-йўк меросим шу меҳрибонимдан,
Давраларга кириб қилмайман хитоб.
Билмайман, бировга айтиб бўларми,
Урим дунёдаги энг қизиқ китоб.

Бу боғда тўйгунча дайдиб бўлади,
Кўнглимни аллалар болалик боғи.
Танаси ғалвирдек тешилган дарахт
Сайроқи кушларнинг сокин ётоғи.

Қанотим бўлганда кушлардек яйраб
Беғам дунёларга учиб кетардим.
Жаннатларда кўрсам ота-онамни
Мен ҳам орзуимга етардим.

О, дардим, бу дардим кимга ҳам керак,
Ким ҳам етим қизга вафо қилади.
Анови ҳувиллаб турган уйга мен
Қачон қайтишимни Худо билади.

Қабристонга борсам, қариндошларим
«Кетдик! Бизнинг уйга кетасан...» дейди.
Юрагим кичкина болага ўхшаб
Тушуниб-тушунмай дуо ўқийди.

ДУСТИМЛА

Дунё йилнинг тўртта фаслида
Тўйгунича турланаверар.
Она Ватан очик қўл билан
Топганини бизларга берар.

Умр эса ўтаверади,
Чақалоқлар дунёга келар.
Бир хўрсиниб ортга карасанг,
Қабртошлар кўпайган бўлар.

Ватан қайда? Қабристонларда...
Хайқириқлар кўнглингдек чўкар.
Минг йилларни кўрган чинор ҳам
Бир йилда бир япроғин тўкар.

Елкаларинг чўкиб қолади
Сен ҳеч қачон тиз чўкмасанг ҳам.
Кўнгил, бугун хур фуқаросан!
Озод кушсан киприқларинг нам.

Яхши кунда йиғлаб бўлмайди,
Кўз ёш тўкиш номарднинг иши.
Юрагингни тимдалайверар
Аждодларнинг аччиқ кечмиши.

Ватан нима? Бепоён дала,
Нурга тўла мовий осмон у!
Дўстим, Ватан яшар абадий,
Бу дунёда ҳамма меҳмон-ку.

Отам ётган тупроқни ўпдим
Титраётган лабларим билан.
Мен онамни алдаёлмайман
Баландпарвоз гапларим билан!

ФАЛАТТИ ОДАМ

Нимагадир шундай гапиради у,
Пичирлаб, бировга эшиттирмасдан.
Асл мақсадини тушуниш кийин,
Баъзида келади баланддан, пастдан.

Дераза ёнида, эшик олдида
Хаёл лашкарини жангга ҳозирлар.
Мудҳиш қотилликка панд бериб қўяр
Ҳамиша андиша деган нозирлар.

Тавба, жоҳилда ҳам юрак бор экан,
Қилолмайди кўнгли тусаган ишни.
Мағрур қиёфада чикиб кетади
Елкасига ортиб ҳамма ташвишни.

Кўрқокка ҳар доим журъат етишмас,
Енгил нафас ола бошлайди хонам.
Ҳеч қачон жонининг қадрини билмас
Мангулик азобга маҳкум бу одам.

Мана, кўз нурингиз тўкилган китоб,
Санайман сарғайган саҳифаларни.
Йўл-йўлакай ҳамроҳ билиб кетаман
Одмигина, умр деган дафтарни.

Оқ қоғозга ёзиб нималарнидир
Кўнгил қаламини китирлатаман,
Бемаҳалда чиқиб хаёл сайрига
Ўтмиш ўтловини шитирлатаман.

Болалик дарахти гуллаб ётибди
Қачонлардир ёмғир ёққан боғларда.
Унинг мевасини арзон сотибди
Дўстим мен уни дўст билган чоғларда.

Бир лаҳзадан кейин нима бўлиши
Йўлимда учраган одамга боғлиқ.
Юрагим ҳамиша шу сўзни айтар:
«Ҳаммаси биринчи қадамга боғлиқ.»

Кўлимда... меҳрингиз тўкилган китоб...
Йўлимда...

КУТАМАН...

Токатим тоғ бўлди, бўйлари баланд,
Сиз у тоғдан ошиб кела олмайсиз.
Кўздан окқан ёмғир бераяпти панд,
Нима бўлганини била олмайсиз.

Ўйлар уммонида сузасиз ҳамон,
Жиловсиз хаёллар кўнгилдек бебош.
Мен эса, бир умр кутаман, қачон
Юрагим юртида чиқади қуёш?!

Хонадаги гуллар қовжираб қолди,
Турибсан энтиқиб, баҳорни кутиб.
Яшаш завқли экан хотиржам бўлсанг,
Тонгни кўрганингда тунни унутиб.

Дераза ёнидан кетгинг келмайди,
Қор тўшакда дунё ухлаб ётибди.
Эриниб эснайсан, қуриб кетмасин,
Кўзингни бемаза вақт уйғотибди.

Ишга бориш керак... ташқари совук,
Шулар эсга тушиб, юрагинг вайрон.
Наҳотки, усиз ҳеч кунинг ўтмайди,
Яна оғзи очик этигинг хайрон.

Ногоҳ календарга кўзинг тушади,
Югуриб борасан, ўпасан уни.
Эртага хаммаси бошқача бўлар,
Бугун ахир қишнинг охириги куни.



Ҳаммага ўхшаган одамман мен ҳам,
Фақат бир одатим сал бошқачароқ.
Ҳар сафар табассум қилмоқчи бўлсам,
Қалбимни киймалаб суюнар фироқ.

Бирок, севинчимнинг манзили йирок,
Уни кўргунимча адо бўламан.
Ҳеч қачон кўзимга таънали боқманг,
Ахир мен энг ғариб гадо бўламан.

Адо бўламан-да, адо бўламан,
Ўзининг ишига тушунмас дунё.
Тўхтанг, биз қаёққа қараб кетяпмиз,
Ахир бизни нега яратди Худо?

Қийин-да, кўзларинг очиқ бўлса ҳам,
Қандай кўриш керак, билиб бўлмайди.
Чанг босган қўш кават деразалардан
Дунёни томоша қилиб бўлмайди.

* * *

Совуқ уриб кетди...

ЮРАГИНГИЗНИ.

Зумрад

Совук... жуда ёмон совук бўлди-да,
«Совуқ уриб кетди... ЮРАГИНГИЗНИ.»
Кўнгил гули жуда эрта сўлди-да,
Англаб улгурмадим тилагингизни.

Бу совук мени ҳам тинч қўйгани йўқ,
Ичимда бир нарса музлаб улгурди.
Юрагим... юрагим... музлашдан олдин
Жудаям... жудаям каттиқ югурди.

Кейин совуқ тушди кўнгил юртига,
Билмадим, нимадир йўқолиб қолди.
Сиз қуёш эдингиз... қоронғу дунё
Сизнинг исмингизни ёдимга солди.

Йўқолиб қолдингиз, унутолмайман
Сиз, Сизнинг исмингиз, тилагингизни.
Меҳрим ҳовурида иситгим келар
Совуқ уриб кетган юрагингизни.

Бизни синаб кўрди хаёт,
Бизни сийлаб кўрди хаёт,
Нахотки кўп кўриндик биз,
Бизни кийнаб кўрди хаёт.
Биз ўтмидик, ўрди хаёт,
Сабримизни сўрди хаёт.

Бизлар мангу айрилдикми?
Соқовмидик, сўролмадик.
Кўрдик-ку бор кўргуликни,
Бахтнинг юзин кўролмадик.
Ишқ нур эди, ишқ гул эди,
Совуқ урди, ўролмадик.

Сажда қил, тиз чўк, дедилар,
Умринг қисқа, шу бир сўқмоқ.
Кўз ёшингни тўк, дедилар,
Мен тўкилдим, шудир тўқмоқ.
Таъзимни бериб бўлди
Бу ур тўқмоқ, бу ур тўқмоқ.

Майли, менга ёмон бўлинг,
Энди сиз у томон бўлинг,
Мен не бўлсам бўлдим бугун,
Сиз ҳар куни шодон бўлинг.
Не бўлса ҳам омон бўлинг!
Не бўлса ҳам омон бўлинг!

Йўлингиз бехатар бўлсин,
Хатарлар беҳабар бўлсин,
Йўл бўлсин-эй, йўл бўлсин-эй,
Бу йўл Аршга қадар бўлсин!
Бу йўл Аршга қадар бўлсин!

Она, тушларимга алданиб қолдим,
Тушларимда бахтли бўлиб, зерикдим.
Учраган одамнинг кўнглини олдим,
Отам билан гаплашгани... кечикдим...

Кўнгил мажлисига кечикиб келдим,
Бекорчи мажлислар вақтимни олди.
Кечикиб келмадим, ичкиб келдим,
Ҳаёт жонимнимас, бахтимни олди.

Отажон, жонингиз оғринмадими?
Эсласам, эсласам, оғрийди жоним.
Эсламай бўлмайди, агар эсласам...
Кўнглинг энгилган шоҳ, оҳ, дейди жоним.

Болалик, пошшолик, қайларга кетдинг?
Изингдан эргашиб, адашиб қолдим.
Кўрган-кечирганим ҳақиқат экан,
Қарадим, кўзларим қамашиб қолди.

Энди шу аҳволда қолиб кетаман,
Армон юрагимда қолиб кетади.
Бир куни мени кўп соғинган юрак
Сокин даргоҳига олиб кетади.

Дарахтларнинг кўз ўнгида
Хазонларга ўт қўйдилар...
Муҳаммад Сиддик

Дарахтларнинг юрагини ёқаяпсан,
Чирс-чирс этиб ёнаяпти бир тўп хазон.
Айтгин, қачон бағритошга айландинг сен?
Кўзи ёшга айландим мен айтгин, қачон?!

Шодликларинг ўзингники, бахт сеники!
Мени узоқ аллалайди эски бир ғам.
Менга нима қолди ўзи, ғам меники!
Юрагимни абгор қилди икки мотам.

У кўшалок кайғуларни сабр енгди,
Кўш қабрнинг қаршисида енгилдим мен.
Кўзларимни куйдиргани кулма энди,
Кулиб туриб йиғламоқни бахт билдим мен.

Ҳар қилмишинг қалбни вайрон этмагандек,
Аллақандай таъна билан боқаяпсан.
Юрагимга ўт ёкканинг етмагандек,
Дарахтларнинг юрагини ёқаяпсан.

* * *

Бу одам қалбини кўтариб келди,
Юрагини олиб келди ёнимга.
Қандай қилиб беғам яшайман энди,
Шу бугун ўт тушди хонумонимга.

Негадир бир зумда унутиб қўйдим
Ташқарида изғиб юрган кузни ҳам,
Биласизми, жуда бахтлисиз, деди
Кўзлари жовдираб мана шу одам.

Бир туйғу қалбимни ларзага солди,
Унинг юрагига меҳримни солдим.
Бахт менга айланиб қолди шу лаҳза,
Шу лаҳза мен бахтга айланиб қолдим.

Айт, юрак, севишни кимдан ўргандинг,
Ўзинг ўйлаб-ўйлаб топдингми уни?
Сенга нима бўлди, бунча ўртандинг,
Бизнинг кўзларимиз учрашган куни?!

Айт, юрак, нимага безовтасан сен,
Менга туни билан тинчлик бермайсан?
Қон қилдинг бир сўзни қайтаравериб,
Бугун ҳақлигингга бермоқчиман тан.

Айт, юрак, чиндан ҳам соғиняпсанми?
Ахир соғинишни унутгандинг-ку!
У кетиб қолди... деб оғриняпсанми,
Ахир, шодлигингни сир тутгандинг-ку!

Айт, юрак, айб менинг кўзларимдами?
Чунки, у ҳаммадан кўпроқ қуяди.
Яшириниб йиғлаб, ёнингга борар:
Мени у одаммас, тупроқ суяди...

Бир куни жонимдан ўтса озорлар,
Хайқириб айт: Буюк севги ўляпти!
Ҳижрон жондан ўтиб тикипти дорлар,
Айтгин, юрак, менга нима бўляпти?!

У. нинг дарди

Исмингни билмайман, сўрамаганман,
Юрак ютиб сўраш осон эмасди.
Кўзингга термулиб қарамаганман,
Кўзингга қараш ҳам осон эмасди.

Сен менинг ёнимдан кетиб қолсанг ҳам
Кетмаган экансан хаёлларимдан.
Жонга жабр қилдим, ўчимни олдим
Вақтида бермаган саволларимдан.

Уларни унутдим, шуниси яхши,
Бошқа иш қўлимдан келмас барибир.
Ичимни куйдириб куйлар бир бахши:
Унинг исми – жумбоқ, унинг исми – сир.

Ҳозир, ҳозир дайди шамолга ўхшаб
Тош йўлдан ёнингга чопиб бораман.
Шошилиб, қоқилиб кетмасам бўлди,
Ишон, манзилингни топиб бораман!

Бугун дунё гўзал, кўнгил мунаввар,
Менга нима бўлди экан, алҳазар?!
Бугун тилим ширин, сўзларим шакар,
Мен кеча бошқача одам эдим-ку!

Агар битта кузга шунча ўзгарсам,
Бу бедорлик нима, беморлигим кам.
Кўзимга қараса, йиғлайди онам:
«Ахир мен бошқача одам эдим-ку!..»

Ёмон экан йиллар йиғилиб келса,
Ёнингга жонингга тир илиб келса,
Ёнингга юрагинг ҳайқириб келса:
«Мен кеча бошқача одам эдим-ку!»

Жонимга озорлар озор етказар,
Соғинсам, ёнингга дийдор етказар,
Машрабни дийдорга бир дор етказар,
Ахир мен бошқача одам эдим-ку!

Бошқача, бошқача, кунлар бошқача,
Ҳатто юзи қора тунлар бошқача,
Нега дилни эзган унлар бошқача?
Мен кеча бошқача одам эдим-ку!

* * *

Юрагингга кара йилагинг келса,
Ўтган кунларингнинг аҳволини кўр.
Ич-ичингда занглаб ётган исёнлар
Яшаб келаётир ахир зўр-базўр.

Таназзулга учраб улгурган умринг
Қайириб ташлади қанотларингни,
Эртага яшашни истаяпсанми?
Ўлдириб қўймагин фарёдларингни.



Яна нимагадир сизни соғиндим,
Оғриниб-оғриниб оғриди юрак.
Энди кўрмоқ қайда, кўришмоқ қайда,
Куйишдан бошқани билмасам керак.

Яна нимагадир ичикди кўнгил,
Кўн, десам, кўнмайди кўргуликларга.
Умримнинг куз билан қишини ташлаб,
Чиқиб кетсаммикин узоқ сафарга.

Қаёққа борардим ўзимдан кечиб,
Кўзимга чиройли кўринса қуёш.
Биламан, кимнидир севинтиради
Кипригимда қуриб улгурмаган ёш.

Топганини ерга тўқди қари нок,
Тагин танасини қурт кемиради.
Баъзида чинорга ҳавас қиламан,
У отам кирмаган ёшга киради.

Кунларни томоша қилиб чарчадим,
Қаёққа қарасам, туғилиш... ўлиш.
Гулдек гуллаб-яшнаб яшаш яхши-ку,
Алам қилар экан эртарок сўлиш.

Баҳор! Ёз... бу кузни кўриш ғалати,
Кўзимдан тўкилиб кетяпти барглар.
Кўпни кўрган шамол бир қўшиқ айтса,
Силкиниб-силкиниб йиғлар дарахтлар.

Биз кушларнинг қўшиғини эшитмаймиз,
Яшаш қийин, ташвишимиз турнақатор.
Роҳат қилиб ухлашни-ку, рад этмаймиз,
Уйимиз бор, бошимизга ёғмайди қор.

Энди биздан дон сўрамас мусичалар,
Ола қарға ҳайдаманг, деб шафқат сўрар.
Пешайвонни ташлаб кетган қалдирғочлар
Кўклам келса, соғинишни ўйлаб кўрар.

Биз кушларнинг қўшиғини тушунмаймиз,
Катта гап-ку, улар бизни тушунолса.
Фақатгина тўтиқушни эркалаймиз,
Ахир бахтдир сўзимизни эслаб қолса.

Аmmo биздан сўз сўрамас тўтиқушлар,
Айтаверар қулоғига кирганини.
Ҳатто читтак кўкни тутиб қоламан, дер,
Кўрганмисиз булбулнинг ох урганини?

Биз кушларнинг қўшиғини кўролмаймиз,
Товушларни кўрадиган кўзимиз йўқ.
Ё майналар бизни писанд қилмай қўйган,
Ё уларга айтадиган сўзимиз йўқ.

Бойўғлилар тунги овни пойлаб турар,
Беданалар бедазорда чўчиб юрар.
Қирғинлардан омон қолган қирғовуллар
Одамларга инсоф сўраб хаёл сурар.

Нега ахир ўзимизни ранжитмаймиз,
Ҳатто кўшиқ куйлашни ҳам рад этмаймиз?
Одам бўлиб яшаш шунча нозик ишми,
Биз кушларнинг қўшиғини эшитмаймиз.

БЕЗОЗОР ПАРСАКИ

Дайди ел коптокдай отиб ўйнайди
Ерга туширмасдан қор учқунларин,
Шамолнинг сочлари тинмай варақлар
Азим чинорларнинг умр дафтарин.

Шоҳига қўнғирок кўзмунчок таққан
Бепарво дарахтнинг нигоҳи рангпар,
Ҳавонинг совукдан совуқ юзига
Шапалокдек япроқ узилиб тушар.



Э. Воҳидовнинг
«Муҳаббат»
тўпламини ўқиб

Мен билан тенг экан мана бу китоб,
У мандан кейин ҳам узоқ яшайди.
Кўпни кўрган зотлар инсон умрини
Дарё деганлари ростга ўхшайди.

Шеър мени Тошкентга етаклаб келди,
Кўнглим Бўзсув бўлиб кишлоққа борар,
Тонгда, мени кўрган тушини айтиб,
Синглим оқ қоғозга кўнглини ёрар.

Кўчадан ўзимни излаб юрибман,
Тенгдошим сирдошим бўлди кун бўйи.
Бу ерда галати вақтнинг ўтиши,
Чой ичасан ёзиб ўтирган кўйи.

Асов хаёлларни жиловлаш қийин,
Қисматни хато деб ўйлаш бефойда.
Овунчоғинг юрак бўлгандан кейин,
Сайр этасан кўнглинг тусаган жойда.

Шундоғам бировга зараринг тегмас,
Жиринглаб вашингга тегар телефон.
Сўзларга суяниб яшасанг агар,
Бу дунё тўпори, ҳаёт жуда жўн.

Сен билан тенг экан мана бу китоб,
У сендан кейин ҳам узоқ яшайди.
Ўқишни бешикдан қабрга қадар
Ўрган, деганлари ростга ўхшайди.

КУТИШ

Кўзи беҳаловат, юзи ҳам рангпар
Беморга янги дард берибди малҳам.
Бу ҳолатни кўриб даҳшатга тушар
Навбат кутиб турган уч-тўртта одам.

«Вакт энг яхши табиб...» кимдир пичирлар,
Оқсоч кампир қарши бундай фикрга.
Дейди: «Унга ишинг тушмасин сира,
Бир умр дард билан яшайсан бирга.»

Жонбахш овоз келар: Кимнинг навбати?..
Афсус, топилмайди бирорта ҳам мард.
Кўпинча кўркамиз, навбат кутамиз,
Биз билмаймиз, кутиш – энг азобли дард.

Кишлокда, уйимда, арик бўйида
Синглим сувга тушини айтар.
Кечаги хаёллар, кечаги ўйлар
Яна менинг ёнимга қайтар.

Яна ҳаёт менинг ёнимдан
Бошин эгиб ўтиб кетади,
Мен айтаман: Ҳой, тўхта!
Синглим орзусига қачон етади?

Тўхта, десам, тўхтамас ҳаёт,
Танишимга ўхшамас ҳаёт.
Тўхта, ахир тан оляпман-ку,
Қўл остингда чиқардим савод.

Мени ҳамма танир кишлокда,
Шаҳардачи, уч-тўртта дўстим.
Кимлигимни билиб турсам ҳам
Мен дунёнинг йўлини тўсдим.

Тўхта, дедим, тўхтади дунё,
Танишимга ўхшади дунё.
Мен дунёнинг шаштидан кўрқдим,
Мени хўрлаб кўрқмади дунё.

Жимлигиндан зерикдим, Худо!
Зерикмасдим Худо хоҳласа.
Мен қандай жим тураман ахир
Ҳамма хато сўзни ёкласа.

Юрагимни ўтга ташлайман,
Уни ўтга, чўкқа ураман.
Ахир қачон, қайси уйқуда
Мен фақат рост тушлар кўраман?

Тирикликдан узокми у бахт,
Бир марталик чиптами хаёт?
Мана, ахир... жоним ҳадикда,
Фақат жимман, дод, демайман, дод!

Биз кўзгуга қараб ўтириб,
Эринмасдан пардоз қиламиз.
Қачон ахир қанот чиқариб
Кенг осмонга парвоз қиламиз?



*Ҳаёт — зар қоғозга ўралган оғу.
Манзура Шамс.*

Ўзини ойнага солиб кўради
Куёшни кўрмасдан кўз очган бир гул,
Ялтироқ қоғозга уни ўради
Муҳаббат ҳақида сўз очган кўнгил.

Болалик томондан келади овоз:
«Нафасимни сикди ялтироқ қоғоз!»
Яна тилёғлама диллар айтади:
«Кел, кўнглингни ёзгин, кел, кўнглингни ёз!»

Хона. Бу тор хона хонамас, гулдон.
Гулнинг қаноти йўқ, қилолмас парвоз.
Конвертга солиб ҳам ўтга ташланар
Юзларини қора қилган оқ қоғоз.

ИБОДАТ

Шоҳона ҳаётни орзу қилмадим,
Орзуга кўммадим орзуларимни.
Яна юрагимга яшириб қўйдим
Энг тоза, покиза туйғуларимни.

Яна мен умримни хатога кўмдим,
Кўнглимни кишанлаб олди хатолар.
Безовта қилмасин душманамни ҳам
Бу ёлғиз бошимга тушган савдолар.

Ана шундай сирли дунё ишлари,
Ишқингга тушмасдан ишладим, дунё!
Умрим яшашимга арзимас экан,
Жонимни нимага асрайсан, Худо?!

Тўғри, бу ўзимни тинч қўймаган гап,
Гапириб-гапириб йиғлайди дилим.
Художон, мени кўп азобга қўйма,
Қуёшни соғиниб кўз очган куним!

Шоҳона ҳаётни орзу қилмадим...
Оввора қилмагин орзуларимни.

Яқинда бир танишим оғир кунда энг яқин дўсти ҳам юз ўгириб кетганини айтиб қолди. Унга таскин бермоқчи бўлиб нималардир дедим. Дили оғриган бу одамнинг кўзларига қараб, яраланган кўнгилга яхши сўздан бошқа малҳам топа олмаслигимни тушундим.

Сен беш кунлик меҳмонсан бу дунёда,
Бегонасан, бир дилдош топилмайди.
Кўнгил очиб, дардингни айтай десанг,
Садоқатли бир сирдош топилмайди.

Бу дунёнинг ишлари ҳам ғалати,
Айтолмайсан, айтсанг, дилинг ёнади.
Ёмон кунда ёлгон дўстлар, ёмонлар
Кеча айтган сўзларидан тонади.

Иложинг йўқ яшай десанг одамдай,
Чидолмайсан, юрак-бағринг куяди.
Агар ҳаёт бир кун жилмайиб қўйса,
Сени кўрса, ўн кун ковоқ уяди.

Дўст деб юрган яқинларинг, дўстларинг
Вақти келса, кунингга ярамайди,
Халқ айтгандек олдиндан оққан сув ҳам
Бегонадан кадрили сўрамайди.

Умр шундай нотинч оқар дарёдир,
Сен йўлдасан, йўлнинг ярми саҳродир.
Бу йўлларда ёлғизман, деб куюнма,
Ёлғиз бўлсанг, ёлғизга ёр Худодир.

* * *

Ҳайдовчи бўлишга кўндирдим
Автода афтода дилимни,
Кўнглимнинг бўшаган ерига
Ўтказдим йигирма йилимни.
Шу ҳолда сайрга чиқдик биз
Қишлоқдан шаҳарнинг кўчаларига.



ТАНИМАЙСИЗ...

Танимайсиз, нимага?
Кўзларда шашқатор ёш.
Йўк мендек юшоқ кўнгил,
Фақат деманг бағритош,
Фақат деманг бағритош.

Кеча меҳрим тафтида
Эриб битди ёлғонлар...
Мағрур қизга ўқ отди
Сизни қувлаб солғонлар,
Кўнглимизни «олғонлар».

Бедаво дард экан бу —
Армон бўлгиси келмай,
Юракда ёнган орзу.
Узр айтманг фақат сиз,
Айбдормиз иккимиз.

Билмайсиз, мен Сизни жуда соғиндим,
Кўнглимга беркитдим соғинчларимни.
Кутишдан шунчалар бешиб кетганман,
Тан олгим келмайди соғинганимни.

Кўзларим йўлларга қараб чарчади,
Ёлғизлик шаҳрида дийдорни кутдим.
Сизни унутмоқчи эдим-ку, нега,
Нега Сизни эмас, ўзни унутдим?!

Келар бир-биридан ғалати кунлар,
Нега Сиз келмайсиз, дардим билмайсиз?
Айрилиқ ўтида юрагингизнинг
Куйиб кетганига парво қилмайсиз.

Бормоқликка чора топа олмасам,
Сабрли эмассиз, кўп кутолмайсиз.
Яхшидир мен Сизни унутолмасам,
Биламан, Сиз мени унутолмайсиз.

Нима қилишни ҳам унутиб кўйдим,
Нима дейишни ҳам... қандай яшашни.
Менга нима бўлди, билолмаяпман,
Билмаяпман Сизни ким деб аташни.

Ўткинчи қувонч кўп, қувонмайди дил,
Турфа хил ёлғонга ишонмайди дил.
Фақат бир нарсани англаб етяпман,
Тўлғонса бекорга тўлғонмайди дил.

Унутдим, дилдаги ўртанишларни,
Унутдим, ёлғонга ўрганишларни.
Унутсам, бир Сизни унутганим йўқ,
Унута бошладим кўп танишларни.

Ўзимнинг исмимни унутдим ҳатто,
Ҳаётнинг мазмунин унутиб кўйдим.
Билмадим, нимага, нима учундир,
Негадир демадим: яшашдан тўйдим...

Негадир дилда бир ёниқ учкун бор,
Бир катим нур колди – Ўзликмиди у.
Негадир бошқа бор хислар йўқолди,
Шундоғам юрагим кемтик эди-ку...

Тушундим: куймоқдан фойда йўқ экан,
Ҳисларни туймоқдан фойда йўқ экан.
Ҳаёл оламини БАХТ деб атабман,
Гул деб юрагимга босибман тикан.

Шовуллаб окмокда, окмокда,
Оқмокда умримиз дарёси.
Сизни ҳам, мени ҳам қийнаган
Ўткинчи бу умр савдоси.

Тўзонга тўла йўл кўринар
Ортга бир қайрилиб қарасак.
Дунёдан БАХТ топиш қийинмас,
Бир кўнгил сўрашга ярасак.

Биламан, оғир қалб оғриғи,
Малхамин топмас зўр табиб ҳам.
Шундай бир аҳволда бўларми
Сизга, ё ўзимга ишонсам?!

Олдимда шундай йўл турибди —
Турибман тушуниб, тушунмай.
Тушуниб, кўнглингиз сўрасам,
Кўнглингиз жойига тушгандай.

Дунёдан кадрингиз излайсиз,
Уммонга чиқмайсиз қайиқсиз.
Айтайми, Сиз қандай одамсиз —
Самимий меҳримга лойиқсиз.

НИМАГАДИР

Нимагадир Сизни соғинар юрак,
Ярим тун... кўзимга келмайди уйқу.
Нимагадир шундай, негадир шундай
Энди лабларимда кулмайди кулгу.

Хайрлашди, йўлга отланди куз ҳам,
Нимагадир уни кузатгим келмас.
Муштдек юрагимда хижрон юки бор,
Нимагадир Сизни унутиб бўлмас.

Шунда ўзни яна бахтли сезаман,
Нимагадир тотли туюлар ҳаёт.
Нимагадир шундай бўлмайди аммо
Диллар дийдорлашса, кайғу бўлар ёт.

Курашиб толмайман бу ҳаёт билан,
Тушларимда бахтдан бахтли бўламан.
Бахтлиман шу тотли ҳиссиёт билан,
Нимагадир Сизни яхши кўраман.

* * *

Юраги нимталар – кулмайди...
Гулчеҳра Муродалиева

Юраги нимталар – кулмайди,
Кулолмайди кўнгли яримлар.
Ёмонлар... уларни билмадим... лекин
Яхшилар бировга билдирмай йиғлар.

Кўрсатгиси келмас кўз ёшларини
Хаттоки энг яқин одамига ҳам,
Улар борки, яшаб турибди дунё,
Улар борки, яшнаб турибди олам.

Ёмғир обираҳмат, деган суюниб,
Қор ёғса, ухлолмай чиққан куюниб.
Бахти офтоб каби кулган дамда ҳам
Мезбон тўрда эмас, пойгакда туриб...

Қадрини кўкларга кўтаришганда
Лойиқман, дейишга куч тополмаган.
Яшаган суяги меҳнатда қотиб,
Қадни фоз тутишни эплай олмаган.

Шундай одамлар бор ахир дунёда,
Шундайларни кўриб уялсин номард.
Тириклик – бир марта берилган имкон,
Шундайларни эъзоз қилмоғимиз шарт!

САЪР

Шом тушди, дилдаги қоронғуликлар
Куёшга қўшилиб ботди кўнгилга.
Умр йўлларида юриб топганим —
Хотиралар яна мен билан бирга.

Мен яна яшашга қизиқиб қолдим,
Бахтиёр одамга ўхшайман гўё.
Бир зумда энг яқин дўстимдек дардкаш
Кўзимга ғалати кўринган дунё.

Ўзимни бепарво кўрсатаяпман,
Мени бахтли дейди атрофдагилар.
Ўзимни шу ғамга ўргатаяпман,
Дардимни бир Худо, битта Сиз билар...

Сиз! Сизни негадир эслайвераман,
Дилга хуш ёқади изтиробларим.
Оғрийди кўнглимнинг аллақаери,
Ўртанавераман ўйлаган сарим...

Яшаса бўларкан соғинмай, кутмай,
Йиғламай, ғурурли одамлар каби...
Факат, юрагимни тинмай тимдалар
Менга сабоқ берган хаёт мактаби.

Кўникяпман шундай дардга, сабрга,
Яшаяпман умрим тонгини кутиб.
Сизни эслаб, шундай ҳаловат топдим,
Ҳеч нарса топмадим Сизни унутиб.

ҚИШЛОҚҚА КЕТЯПМАН...

Муҳаббат опага

Қишлоққа кетяпман... хавотирим кўп,
Ноилож кузатиб қоласиз мени.
Шундай ўй кечади хаёлингиздан:
Ҳеч кимга ишониб бўлмайди сени...

Ўртамизда сарсон саноқли кунлар,
Охири йўқ ўйлар қийнайди бизни.
Менинг сўзларимга ишонинг, ахир,
Кимларга ишониб юрибман Сизни!..

Бошимдан не кунлар ўтган, билмайсиз,
Ҳасрати кўп бўлар ёлғиз аёлнинг.
Кўнглимни топарди қизалоқларим,
Унда дўсти эдим ёлғиз хаёлнинг.

Ишхона... Бир хил ўй. Тўрт фасл бир хил.
Фақат уларни деб уйга шошаман.
Шу битта умрни яшаб ўтсам бас,
Ахир, тақдиримдан қайга қочаман?!

Елкамни эзарди нигоҳлар юки,
Юрагим... у ҳақда гапиролмайман.
Яна кўчаяпмиз ижара уйдан...
Ҳеч кимни ёрдамга чакиролмайман.

Кейин...
Кейин... Сиз келдингиз...
Тақдир бизларни
Битта ҳисга банди айлади кейин...
Кейин... ҳамма нарса ўзгариб кетди,
Биз бундай қилмадик ахир атайин.

Бекат... термулганча жим қолаяпсиз,
Ҳар ким ҳар хил ўйда боқади бизга.
Энди йиғламайман, мени йиғлатманг,
Ахир, кулишларим ёқади Сизга.

Хабар олиб кетинг уйга кетишда
Гуллари қаровсиз қолган уйдан ҳам,
Кўзимга қараманг хайрлашишда,
Кўзимга қараманг, киприкларим нам.

Бахтсиз кунларни ҳам кечирганман, лек...
Бундай қайғуларни кечирмаганман.
Яшагим келяпти... қайтиб келай деб
Уйда... музлаткични... ўчирмаганман...

Кимнидир соғиниб кутганмисиз, ё
Юрак ўртанганда эслаганмисиз?
Йўл тўла одамлар, улар ичидан
Кимнидир... кимнидир излаганмисиз?

Мажнундай тўлғониб, Машрабдай ёниб,
Ким учундир куйиб, бўзлаганмисиз?
Янги ой чиққанда кўкка термулиб
Дил тўла дардингиз сўзлаганмисиз?

Юрак сел бўлганми ҳижрон дардидан,
Ёмғирга қўшилиб йиғлаганмисиз?
Дардингизни у ҳам тушунмаганда,
Шунча кенг дунёга сиғмаганмисиз?

Айриликда, аро йўлларда қолиб,
Бахтли бўлганмисиз дийдор кулганда.
Озод турналардек узоқ-узоққа
Учгингиз келганми баҳор келганда?

Ёз ўтиб, куз келса, хазонрез боғда
Кезганмисиз бахтли кунларни эслаб.
Кейин кўришмоққа ошиққанмисиз
Узун-узун бедор тунларни эслаб.

Сой бўйига бориб, оқар сувларга
Кўрган тушингизни ҳеч айтганмисиз?
Гоҳида ёнма-ён йўллар учрашмай,
Диллар учрашганда шод қайтганмисиз?

Бу қандай синов, деб ўйлаганмисиз,
Бахтнинг дийдорига тўймаганмисиз?
Гоҳида аразчи болага ўхшаб,
Беркинмачоқ ўйин ўйнаганмисиз?

Бу олам ичра бир олам экансиз,
Аламлар ўтида куйган бўлсангиз.
Демак, қалби тоза одам экансиз,
Кимнидир чин дилдан суйган бўлсангиз.

* * *

Гул эдимку, гуллаб, бир сўлгунимча
Беминнат нур беринг, савоб бўлади.
Ахир мен энг тоза шеър бўлгунимча
Бечора юрагим хароб бўлади.

* * *

Бир шеър ўқидингиз, бир чиройли шеър,
У мени ғалати ахволга солди.
Нима бўлганини сезмай, кетдингиз,
Ҳамма нарса шеърга айланиб қолди.

* * *

Кунлар оч бўрининг тишига ўхшар,
Тишларини қайраб турибди хаёт.
Художон, у билан муроса қилиб
Яшамовим учун топиб бер сабот!

* * *

Ҳатто уй-жойим дейди
Бир чалажон чумоли.
Вақтни бекор ўтказсак,
Айтинг, кимга уволи?

* * *

Эркин қушда учар қанот бўлади,
Озод бўлсанг, хаёт хаёт бўлади.
Покиза виждонинг қўриқчинг бўлса,
Қадаминг етган ер обод бўлади.

* * *

Мен жимман занглаган занжирга ўхшаб,
Қадрим йўқ эскирган тандирга ўхшаб.
Ҳар куни жигимга тегади хаёт
Кўр-кўрона ўтган тадбирга ўхшаб.

* * *

Ҳар кун янги кўйлак кияди хаёт,
Бўй-бастини кимлар томоша қилмас.
Менинг юрагимга ўхшайди дунё,
Одамларни қандай севишни билмас.

МУНДАРИЖА

ФАҚАТ СЕН ҲАҚИНГДА

| | |
|--|----|
| «Деразангни оч...» | 4 |
| Эртакка айландим | 5 |
| «Совинчлардан бешиб боряпман...» | 6 |
| Изғириндан кўркмайман | 7 |
| «Дарсга кечикиб келган боладек...» | 8 |
| «Кўзларинг сўзлайди...» | 9 |
| «Сен юрган йўллар...» | 10 |
| Сен ва мен | 11 |
| «Кун бўйи кўчага термулиб...» | 12 |
| «Бугун сени унутмоқчиман...» | 13 |
| Интизорлик | 14 |
| «Ёмғир ёғиб...» | 15 |
| «Мен ўзимни йўқотиб қўйдим...» | 16 |
| «Бу зиналар темиртан...» | 17 |
| «Сен хато кидирдинг...» | 19 |
| «Бу сўзлардан кейин гапириб бўлмас...» | 20 |
| Саккизинчи қават | 21 |
| Арсат | 22 |
| «Сенинг сўзларингни эшитди Худо...» | 23 |
| Севги | 24 |
| «Майли, қуёш кулиб бокмасин...» | 25 |
| Кутяпман | 26 |
| «Юрагим – кундалик дафтарим...» | 27 |
| «Сен бор эдинг, аммо...» | 28 |
| Кетяпман | 29 |
| «Ерга бағримни бериб...» | 30 |
| «Сен бемаврид кулган ўша кун...» | 31 |
| Сен менсиз | 32 |
| «Таквим...» | 33 |
| Саратон | 34 |
| Йўқолди | 35 |
| Мағлубият | 36 |
| «Кўйлагингнинг ранги бошқача...» | 37 |
| Кайфият | 38 |
| «Мен кўнглингни тафтиш қилмайман...» | 39 |

| | |
|---------------------------------------|----|
| «Юрагимнинг жон жойидаги...» | 40 |
| «Ҳали соғинишни ўрганмагандим...» | 41 |
| «Юрак кўп йиғласа...» | 42 |
| «Ёмғир қорга айланаяпти...» | 43 |
| «Яшаяпман телбахол бўлиб...» | 44 |
| «Ярим тун...» | 45 |
| «Ёнингда турибман...» | 46 |
| «Ишқимнинг сочлари оқариб кетди...» | 47 |
| «Бугун ҳамма нарса бошқача...» | 48 |
| Баҳор | 49 |
| Ёмғир | 50 |
| «Умримнинг қадрига етмайсан ҳозир...» | 51 |
| «Кўкда...» | 52 |
| «Бегонаман...» | 53 |
| «Юрагим энтикиб кетяпти...» | 54 |
| «Энди шеър ёзмасдан туrolмайман...» | 55 |
| «Бугун бахт улашдим киприқларимга...» | 56 |
| «Остонамга бошини уриб...» | 57 |
| «Не бор менда...» | 58 |
| Пешона | 59 |
| Бахт | 60 |
| «Ёлғизлик...» | 61 |
| «Қаердасан? Қайда юрибсан?» | 62 |
| «Бугун тугамаса...» | 63 |
| «Сен яна руҳимга озодлиқ бердинг...» | 64 |
| Айрилик | 65 |
| «Шунча яшасанг ҳам...» | 66 |
| «Мен фақат...» | 67 |
| «Сенсиз дунё...» | 68 |
| «Ором топди қалбим...» | 69 |
| Сени деб | 70 |
| «Юрагингда бир гул очилди...» | 71 |
| Куйиб кетдим | 72 |
| Тақдир дегани шу | 73 |
| «Мен ишқталаб девонаман...» | 74 |
| «Қишнинг совуғига парво қилмайман...» | 75 |
| «Кетма, дема, кетишим керак...» | 76 |
| «Тун чўкди...» | 77 |

| | |
|----------------|----|
| Балки | 78 |
| Соғинч | 79 |
| Қайдасан | 80 |

АЙТИЛМАГАН ГАПЛАР

| | |
|--|-----|
| Эгасига етмаган сўз | 82 |
| Айтилмаган гаплар | 83 |
| Соғинч нима? | 84 |
| «Бора-бора ўзимни ёлғиз сезиб боряпман...» | 85 |
| Энди | 86 |
| «Февралнинг ўн беши хадикда...» | 87 |
| «Эрта-индин гулга киради дунё...» | 88 |
| «Қалдирочлар пастлаб учяпти...» | 89 |
| «Юрсам, мен йўлнимас, йўл мени эзар...» | 90 |
| Қорли кўча | 91 |
| Соғиндим | 92 |
| «Оғир хўрсинасиз...» | 93 |
| Билмайман | 94 |
| «Кўзингизни кўргани келдим...» | 95 |
| Нега? | 96 |
| Совиган кўнгил | 97 |
| Бағритош | 98 |
| Алдамчи баҳор | 99 |
| «Менда нима гуноҳ...» | 100 |
| «Заминдан узоқлаб кетганда куёш...» | 101 |
| Тинчгина | 102 |
| Кечиринг | 103 |
| «Тўхтаг!...» | 104 |

ТУШЛАРИМНИ ТУШУНТИРИБ БЕР

| | |
|-------------------------------------|-----|
| «Ҳаммаси валати...» | 106 |
| «Қўлларим етмаган осмоним...» | 107 |
| Ёмғирни соғиндим | 108 |
| «Салом...» | 109 |
| «Бахтли бўл...» | 110 |

| | |
|------------------------------------|-----|
| «Сени излаб...» | 111 |
| Унутма | 112 |
| «Шошилганда...» | 113 |
| «Муҳаббат бекати...» | 114 |
| Ўзим билан суҳбат | 115 |
| Вақтида билмайман вақтнинг кадрини | 116 |
| «Ёпиб болаликнинг дарвозасини...» | 117 |
| «Оқ коғоз...» | 118 |
| «Олис манзилларни...» | 119 |
| Тошкент | 120 |
| «Бешинчи қаватда...» | 121 |
| Эй, Худо | 122 |
| Поклик орзуси | 123 |
| «Қиш қаҳридан...» | 124 |
| Дунёни севаман | 125 |
| Озод куш | 126 |
| «Тўғри...» | 127 |
| Бахт... сиз | 128 |
| Сизни кўрмаганман | 129 |
| «Мана...» | 130 |
| «Эсимда...» | 131 |
| «На бир дард бор...» | 132 |
| Кулишга ҳаққинг борми? | 133 |
| «Сенга қандай тушунтирай...» | 134 |
| «Мук тушиб ёзасан...» | 135 |
| Эй, шамол | 136 |
| «Сўзиммас, ўзимман...» | 137 |
| Бўлди | 138 |
| «Ярим йўлга етдим...» | 139 |
| «Ташқарида кенг осмон...» | 140 |
| «Нега тушларимга кирасан...» | 141 |
| «Мен ўз юрагимни...» | 142 |
| Шоир | 143 |
| Ишонч | 145 |
| «Неча кунки...» | 146 |
| «Оёқ узатаман...» | 147 |
| Кўзгу | 148 |

| | |
|-----------------------|-----|
| «Ўша куни...» | 149 |
| Ўхшаш такдирлар | 150 |
| Учрашув | 152 |
| Орзу | 154 |

ЎЗИНГИЗНИ АВАЙЛАНГ

| | |
|---|-----|
| «Ҳеч нарса йўк...» | 156 |
| Согинч | 157 |
| Сиз бахтли бўлсангиз | 158 |
| Келмадингиз | 159 |
| «Иғволарни тинглаб ўтирманг...» | 160 |
| Сезмадингиз | 161 |
| «Ҳавасим келади...» | 162 |
| Начора | 163 |
| «Сиз билмайсиз...» | 164 |
| «Мен бугун энг гўзал...» | 165 |
| «Ўша куни...» | 166 |
| Ҳаловат қани? | 167 |
| «Яна нимагадир...» | 168 |
| «Кўрганларим туш бўлсайди...» | 169 |
| «Биров билди, биров билмади...» | 170 |
| «Билмаганим яхши эди...» | 171 |
| «Сиздан нима қолди...» | 172 |
| Сахарлар | 173 |
| Унутибман | 174 |
| Мумкин бўлса | 175 |
| «Сизга нима керак...» | 176 |
| «Нима қилса қилди юрагим...» | 177 |
| Дийдор | 178 |
| «Олийгоҳ ҳовлиси...» | 179 |
| Энди | 180 |
| Тирик дилга мактуб | 181 |
| Согинмадим | 182 |
| «Ҳайронман...» | 183 |
| Ўйлайман | 184 |
| «Хали бир чиройли кунлар келади...» | 185 |
| Ўзингизни авайланг | 186 |

БИР КАМ ДУНЁ

| | |
|--|-----|
| Баҳор | 188 |
| «Бунча оғир...» | 189 |
| «У менга Худони танитди...» | 190 |
| Дард | 191 |
| Икки ёшли гўдак | 193 |
| «Нима бўлди? Кимдан хафасиз?...» | 194 |
| Қайси бир куни | 195 |
| «Мен бахтлиман, йиғлама осмон...» | 196 |
| Бахт нима? | 197 |
| Бемор | 198 |
| Қалб | 199 |
| «Дарахтлар эринмай бош тебратганча...» | 200 |
| Ўй | 201 |
| «Далада, даланинг қоқ ўртасида...» | 202 |
| Тансиқ таом | 203 |
| Уйку | 204 |
| Хотира | 205 |
| «Кун санаб яшардим...» | 206 |
| Онажон | 207 |
| Ҳаёт | 208 |
| «Ўтолмадим ҳаёт имтихонидан...» | 209 |
| «Энди туш кўриш ҳам кизикмас...» | 211 |
| «Беш йил бўлди...» | 212 |
| Аёл ҳасрати | 213 |
| «Аллақандай гўзал...» | 214 |
| «Қандай жим юраман...» | 215 |
| Эски уй | 216 |
| «Бугун ҳам...» | 217 |
| Бир кам дунё | 219 |
| Телбалик | 220 |
| «Эртага душанба...» | 221 |
| «Келасиз деб ўйлаган эдим...» | 222 |
| Сориндим | 223 |
| «Ҳамма нарсам бор, лекин...» | 224 |
| «Мен яхши кўраман ёмғирларингни...» | 225 |

| | |
|--|-----|
| Портрет | 226 |
| «Мен ҳам бахтли эдим...» | 227 |
| «Елкамга қўлини ташлади дунё...» | 228 |
| «Ўзимни хор қилдим...» | 229 |
| Хаёл | 230 |
| Синов | 231 |
| Эсимда | 232 |
| «Ох уриб йиғлади...» | 233 |
| Балки | 234 |
| Яна сени эслаяпман | 235 |
| Юр, қайтамиз кишлокқа | 236 |
| Илхом париси | 237 |
| «Камбағаллик айб эмас...» | 238 |
| «Қайта гулламокда хаёт дарахти...» | 239 |
| Сўнгги сафар | 240 |
| «Умрим бўйи...» | 241 |
| «Йигирма учинчи январь...» | 242 |
| «Сиқилсам ҳам...» | 243 |
| «Яшил майсаларни босгим келмайди...» | 244 |
| «Сиз «яша!» дедингиз...» | 245 |
| Ёрур хаёллар | 246 |
| Нафас олинг | 247 |
| Тинч кун бўлса | 248 |
| «Кеча бахтли эдик...» | 249 |
| Муҳаббат | 250 |
| Ишонч | 251 |
| Яхши ният | 252 |

ЯНГИ ОЙ

| | |
|--|-----|
| Шундай яшасанг | 254 |
| «Ватан нелигини англар экансан...» | 255 |
| Янги ой | 256 |
| Сувратингиз | 257 |
| Орзу | 258 |
| «Ана холос...» | 259 |
| Қадрдонимга | 260 |

| | |
|--|-----|
| «Оғрийди кўнгилнинг дарз кетган жойи...» | 261 |
| Сир | 262 |
| Қишлоқ кизига | 263 |
| Дилдаги гаплар | 264 |
| «Нега сиз...» | 265 |
| Шеър нима? | 267 |
| Ёлғизлик | 268 |
| Синув | 269 |
| «Ёмғир ёришини...» | 270 |
| Куз яқин | 271 |
| «Фақат ёмон хаёлга борманг...» | 272 |
| «Юрагимнинг ёнидан ўтган...» | 273 |
| «Ёниб тугаяпти...» | 274 |
| «Алдадилар...» | 275 |
| «Бунчалар галати...» | 276 |
| «Кулиб яшанг...» | 277 |
| Ёпиқ деразалар | 278 |
| «Ҳислар ҳам қариши мумкин...» | 279 |
| Кўнгил иши | 280 |
| Кўзлар тўқнашганда | 281 |
| «Кеч кирди...» | 282 |
| Дунё бозор | 283 |
| Тилакларим | 284 |
| Балки | 285 |
| Ох | 286 |
| «Таниш кўча... таниш дарахтлар...» | 287 |
| Кўникиш | 288 |
| Қайтадан туғилдим | 289 |
| Афсус | 290 |
| «Оғиргина қайғуга...» | 291 |
| Уйқуси келмаган киз | 292 |
| Шеър – шер | 293 |
| «Шеър ёзишдан...» | 294 |
| «Кел, юрак...» | 295 |
| Сизни кутаяпман | 296 |
| «Бу азобнинг на боши бор...» | 297 |
| «Яшабман...» | 298 |

| | |
|---|-----|
| «Сизни соғинибман...» | 299 |
| «Ҳамма айб ўзимда...» | 300 |
| Араз | 301 |
| «Энг ёруғ, энг нурли гўшалар...» | 302 |
| Жудолик | 303 |
| Дўстимга | 304 |
| Ғалати одам | 305 |
| «Мана, кўз нурингиз тўкилган китоб...» | 306 |
| Кутаман | 307 |
| «Хонадаги гуллар...» | 308 |
| «Ҳаммага ўхшаган одамман...» | 309 |
| «Совук...» | 310 |
| «Бизни синаб кўрди ҳаёт...» | 311 |
| «Она...» | 312 |
| «Дарахтларнинг юрагини ёқаяпсан...» | 313 |
| «Бу одам...» | 314 |
| «Айт, юрак...» | 315 |
| Унинг дарди | 316 |
| «Бугун дунё гўзал...» | 317 |
| «Юрагингга қара...» | 318 |
| «Яна нимагадир...» | 319 |
| «Биз қушларнинг қўширини эшитмаймиз...» | 320 |
| Беозор тарсаки | 321 |
| «Мен билан...» | 322 |
| Кутиш | 323 |
| «Қишлоқда, уйимда...» | 324 |
| «Ўзини ойнага солиб...» | 326 |
| Ибодат | 327 |
| «Сен беш кунлик меҳмонсан...» | 328 |
| «Ҳайдовчи бўлишга кўндирдим...» | 329 |
| Танимайсиз | 330 |
| «Билмайсиз...» | 331 |
| «Нима қилишни ҳам...» | 332 |
| «Шовуллаб оқмоқда...» | 333 |
| «Нимагадир...» | 334 |
| «Юраги нимталар — кулмайди...» | 335 |
| Сабр | 336 |

| | |
|---|-----|
| Кишлоққа кетяпман | 337 |
| «Кимнидир соғиниб кутганмисиз...» | 339 |
| «Гул эдимку...» | 341 |
| «Бир шеър ўкидингиз...» | 341 |
| «Кунлар...» | 341 |
| «Ҳатто...» | 341 |
| «Эркин кушда...» | 341 |
| «Мен жимман...» | 341 |
| «Ҳар кун...» | 341 |

Гулбахор Ортиқхўжаева

ЎЗИНГИЗНИ АВАЙЛАНГ

Шеърлар

Адабий-бадий нашр

Масъул муҳаррир: *Рустам Мусурмон*
Муҳаррир: *Абдулҳамид Омонов*
Техник муҳаррир: *Абдумажид Аҳмедов*
Бадий муҳаррир: *Шерзод Расулов*
Мусаввирлар: *Акмал Икромов,*
Зафар Юсулов

Китоб ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни qalam_2011@mail.ru
электрон почтасига ёзиб юборишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АІ №133, 14.03.09.
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Телефон: (371) 233-94-36, 233-81-53.
Факс: (371) 233-84-80, 233-67-65.
Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz
adolatnashr@olam.uz

Теришга берилди 01.11.2012 й. Босишга рухсат этилди 07.01.2013 й.
Қороз бичими 84x108 ¹/₃₂. «AntiquaUz» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табағи 22,0.
Нашриёт ҳисоб табағи 10,05. Адади 2 000 нусха.
004-бўртма. Нархи шартнома асосида.

«КО'НИ-NUR» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Чилонзор тумани,
Бунёдкор кўч., 44-уй.